

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

39-сон
(1215)
2025 йил
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

569. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 26 сентябрдаги ЎРҚ–1084-сон Қонуни
570. «Туркий давлатлар ташкилотининг Фуқаро муҳофазаси механизмини ташкил этиш тўғрисидаги Битимни (Бишкек, 2024 йил 6 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 26 сентябрдаги ЎРҚ–1085-сон Қонуни
571. «Ядровий зарар учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисидаги Вена конвенциясига (Вена, 1963 йил 21 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 26 сентябрдаги ЎРҚ–1086-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

572. «Тадбиркорлик субъектларини янгича ёндашувлар асосида қўллаб-

қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 сентябрдаги ПФ–176-сон Фармони [Кўчирма]

573. «Иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик маълумотлардан фойдаланишни кенгайтириш ва қишлоқ хўжалиги қўйи бўғинида бошқарув тизimini такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 сентябрдаги ПФ–177-сон Фармони [Кўчирма]
574. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 сентябрдаги ПК–292-сон қарори

Учинчи бўлим

575. «Айрим тоифадаги объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлашда давлат харидларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 сентябрдаги 600-сон қарори
576. «Қашқадарё вилоятида мастер-режаларни амалга ошириш орқали туман ва шаҳарларни иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 сентябрдаги 601-сон қарори
577. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 сентябрдаги 602-сон қарори
578. «Драматурглар учун Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги мукофот ҳамда Ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофот тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 27 сентябрдаги 606-сон қарори

Бешинчи бўлим

579. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 18-sentabrdagi 22-mh-son “Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 22-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3677*)
580. O‘zbekiston Respublikasi tog‘-ko‘n sanoati va geologiya vazirining 2025-yil 5-sentabrdagi 98-son “Qora metallurgiya xomashyosini temir yo‘l transportida tashishda qo‘llaniladigan tabiiy yo‘qotish normasini tasdiqlash

to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3678*)

581. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 19-avgustdagi 20/2-son "Kredit byurolarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligiga doir minimal talablar to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3679*)
582. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2025 йил 22 августдаги 42-сон ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 20 августдаги 7-сон "Оғир касалликка чалинган маҳкумларни тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"-ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1854-1*)
583. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 26-avgustdagi 281-son "O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (6-sonli BHMS) "Ijara hisobi"ga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 24-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1946-2*)
584. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 26-avgustdagi 283-son "Buxgalteriya hisobida ijara operatsiyalarini aks ettirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruq, shuningdek unga o'zgartirishlarni o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 24-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1961-2*)
585. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 9-sentabrdagi 21/5-son "Ochiq valyuta pozitsiyasini yuritish qoidalariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 24-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3301-1*)
586. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 26-avgustdagi 282-son "O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobi milliy standarti (21-sonli BHMS) "Xo'jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi va uni qo'llash bo'yicha yo'riqnoma"ga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 24-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3593-1*)
587. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo'mitasining 2025-yil 26-avgustdagi 21-son "Sanoat

xavfsizligi sohasida inson hayoti va sog'lig'iga yuqori xavf soluvchi omillar reyestriga kiritiladigan ma'lumotlar ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 24-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3680*)

588. O'zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2025-yil 8-sentabrdagi 283-mh-son "Havo kemalarida pochmani tashish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 26-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2530-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ****569 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-
га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
22 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 28 майда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги, шахсий ҳамда оилавий сири, шаъни ва кадр-қиммати ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда процессуал кодексларда ёпиқ суд мажлисларида иштирок этган шахслар маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилиши кўрсатилган. Бироқ, қонунчиликда бундай маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик чоралари назарда тутилмаган. Шу муносабат билан ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарликни жорий этиш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини ошкор қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақида огоҳлантирилган ёпиқ суд мажлисида иштирок этаётган шахслар томонидан уларни суднинг рухсатсиз ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун суд процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга, шунингдек ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотлари ҳамда тафсилотлари ошкор этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-мод-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

да; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда, № 8, 818-модда, № 9, 954, 964-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1079, 1083-моддалар, № 11, 1186-модда, № 12, 1280, 1287-моддалар; 2025 йил, № 2, 196-модда, № 3, 376, 377-моддалар) **239-моддасининг номи ва диспозицияси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«239-модда. Суриштирув, дастлабки тергов ёки ёпиқ суд мажлиси маълумотларини ошкор қилиш

Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг рухсатисиз, шунингдек ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилмаслик мажбурияти ўз зиммасига юклатилган шахс томонидан уларни ошкор қилиш».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда;

1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда, № 9, 964-модда, № 10, 1070, 1073, 1077, 1084-моддалар, № 12, 1286, 1292-моддалар; 2025 йил, № 1, 8-модда, № 2, 196, 201-моддалар, № 3, 376-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **19-модданинг еттинчи қисми** «ёпиқ мажлисларда текшириладиган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни» деган сўзлардан кейин «ва тафсилотларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **68-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эксперт била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчининг, терговчининг ёхуд прокурорнинг рухсатисиз, ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини эса суднинг рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек узр-сиз сабабларга кўра хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгар бўлади»;

3) **70-модданинг иккинчи қисми** «суриштирув ва дастлабки тергов материалларини» деган сўзлардан кейин «шунингдек ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **72-модданинг иккинчи қисми** «суриштирув ва дастлабки тергов материалларини» деган сўзлардан кейин «шунингдек ёпиқ суд мажлиси

муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **183-модданинг иккинчи қисми** «суриштирувчининг, терговчининг ёхуд прокурорнинг рухсатисиз» деган сўзлардан кейин «иш ёпиқ суд мажлисида кўрилганда эса ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **184-модданинг иккинчи қисмидаги** «суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги» деган сўзлар «суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчининг, терговчининг ёхуд прокурорнинг рухсатисиз, иш ёпиқ суд мажлисида кўрилганда эса ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **271-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«процесс иштирокчилари — суриштирув, дастлабки тергов маълумотларини ёки ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини ошкор қилганлик учун, агар улар маълумотларни ошкор қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақида тегишинча суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд суд томонидан огоҳлантирилган бўлса»;

8) қуйидаги мазмундаги **402¹-модда** билан тўлдирилсин:

«402¹-модда. Ёпиқ суд мажлиси маълумотларини ошкор қилмаслик мажбурияти

Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисида ажрим чиқарилганда ёпиқ суд мажлисида иштирок этаётган шахслар суд муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида огоҳлантирилиб, улардан тилхат олинади. Тилхатда мазкур мажбуриятни бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 239-моддасига мувофиқ жавобгарлик ҳақидаги огоҳлантириш ҳам акс эттирилади»;

9) **423-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекснинг 19-моддасида назарда тутилган ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш учун асослар мавжуд бўлганда суд ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисида ажрим чиқаради»;

тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

10) **560-модданинг матнидаги** «биринчи ва иккинчи» деган сўзлар «биринчи ва учинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9,

592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда, № 12, 1007-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда, № 8, 827-модда, № 9, 964, 969-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1280, 1286-моддалар; 2025 йил, № 1, 8-модда, № 3, 373-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **60-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Била туриб ёлғон хулоса берганлик, ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилганлик учун эксперт Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238, 239-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади»;

2) **62-модданинг иккинчи қисми** «ўзи бажараётган ҳаракатлар юзасидан тушунтиришлар бериши» деган сўзлардан кейин «ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилмаслиги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **64-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Таржимон била туриб нотўғри таржима қилганлик, ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238, 239-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгар бўлади, бу ҳақда у суд томонидан тилхат олиб огоҳлантирилади»;

4) **98-модданинг учинчи қисми** «эксперт била туриб ёлғон хулоса берганлиги» деган сўзлардан кейин «иш ёпиқ суд мажлисида кўрилганда ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилганлиги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **208-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишни ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиш тўғрисида ажрим чиқарилганда ёпиқ суд мажлисида иштирок этаётган шахслар суд муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида огоҳлантирилиб, улардан тилхат олинади. Тилхатда мазкур мажбуриятни бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 239-моддасига мувофиқ жавобгарлик ҳақидаги огоҳлантириш ҳам акс эттирилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 463-модда, № 6, 577-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда, № 12, 1008-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда,

№ 9, 964, 969-моддалар, № 12, 1280, 1286-моддалар, № 3, 373-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **56-модданинг учинчи қисми** «Эксперт била туриб нотўғри хулоса берганлиги» деган сўзлардан кейин «ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилганлиги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **58-модданинг иккинчи қисми** «ўзи бажараётган ҳаракатлар юзасидан тушунтиришлар бериши» деган сўзлардан кейин «ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилмаслиги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **60-модданинг учинчи қисми** «Таржимон била туриб нотўғри таржима қилганлик» деган сўзлардан кейин «ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилганлик» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **86-модданинг иккинчи қисми** «экспертнинг била туриб нотўғри хулоса берганлик» деган сўзлардан кейин «иш ёпиқ суд мажлисида кўрилганда ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилганлик» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **165-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Ишни ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиш тўғрисида ажрим чиқарилганда ёпиқ суд мажлисида иштирок этаётган шахслар суд муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида огоҳлантирилиб, улардан тилхат олинади. Тилхатда мазкур мажбуриятни бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 239-моддасига мувофиқ жавобгарлик ҳақидаги огоҳлантириш ҳам акс эттирилади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 8, 787-модда, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда, № 4, 269-модда, № 11, 923-модда, № 12, 1009-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда, № 9, 964, 969-моддалар, № 12, 1286-модда, № 3, 373-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **53-модданинг учинчи қисми** «Эксперт била туриб нотўғри хулоса берганлик» деган сўзлардан кейин «ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилганлик» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **55-модданинг иккинчи қисми** «ўзи бажараётган ҳаракатлар юзасидан тушунтиришлар бериши» деган сўзлардан кейин «ёпиқ суд мажли-

си муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилмаслиги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **57-модданинг учинчи қисми** «Таржимон била туриб нотўғри таржима қилганлик» деган сўзлардан кейин «ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилганлик» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **85-модданинг иккинчи қисми** «била туриб нотўғри хулоса берганлик» деган сўзлардан кейин «иш ёпиқ суд мажлисида кўрилганда ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилганлик» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **143-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишни ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиш тўғрисида ажрим чиқарилганда ёпиқ суд мажлисида иштирок этаётган шахслар суд муҳокамаси маълумотларини ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида огоҳлантирилиб, улардан тилхат олинади. Тилхатда мазкур мажбуриятни бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 239-моддасига мувофиқ жавобгарлик ҳақидаги огоҳлантириш ҳам акс эттирилади».

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 26 сентябрь,
ЎРҚ–1084-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ

570 Туркий давлатлар ташкилотининг Фуқаро муҳофазаси механизмини ташкил этиш тўғрисидаги Битимни (Бишкек, 2024 йил 6 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
29 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 26 июнда
маъқулланган

Туркий давлатлар ташкилотининг Фуқаро муҳофазаси механизмини ташкил этиш тўғрисидаги Битим (Бишкек, 2024 йил 6 ноябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 26 сентябрь,
ЎРҚ–1085-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ**571** Ядровий зарар учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида-
ги Вена конвенциясига (Вена, 1963 йил 21 май) Ўзбекис-
тон Республикасининг қўшилиши ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
27 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 26 июнда
маъқулланган

Ядровий зарар учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисидаги Вена конвен-
циясига (Вена, 1963 йил 21 май) қўшилисин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 26 сентябрь,
ЎРҚ–1086-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

572 Тadbиркорлик субъектларини янгича ёндашувлар асосида қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тadbиркорлар билан V очик мулоқотида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, тadbиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсад

1. Ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад этиб 2026-2027 йилларда «Тadbиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ (кейинги ўринларда — Компания) томонидан 4 триллион сўмлик молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш орқали 5 мингта тadbиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш белгилансин.

II. Тadbиркорлик лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ва янги инструментларни жорий этиш

2. 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб Компания томонидан тadbиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган қуйидаги қўшимча инструментлар жорий этилсин:

(а) тadbиркорлик субъектларини «чемпион» тadbиркор тоифасига олиб чиқишга кўмаклашиш учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларига тижорат банклари орқали 10 миллиард сўмгача миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш учун ресурс жойлаштириш;

(б) кичик тadbиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва «яшил» иқтисодиёт йўналишидаги микролойиҳаларига тижорат банклари томонидан 500 миллион сўмгача ажратилган кредитларни қуйидаги шарт ва ҳолларда қайта молиялаштириш:

(i) ажратилган кредитнинг фоиз ставкасини 6 фоизгача, бироқ Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкагача камайтириш;

(ii) камида бир йил фаолият юритган ва икки нафар ходими бўлган тadbиркорлик субъектларининг бешта ва ундан ортиқ янги иш ўринларини яратишни назарда тутган лойиҳаларига тақдим этиш.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 29 сентябрда эълон қилинган.

3. 2025 йил 1 декабрдан Компания томонидан қўшимча равишда кафолат ёки кафиллик қуйидаги шартларда тақдим этилиши белгилансин:

(а) йирик тадбиркорлик субъектларига 10 миллиард сўмгача, бироқ кредит, лизинг, банк кафолати ва аккредитивларнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

(б) Компаниянинг кузатув кенгаши қарори билан белгиланган тартибда ўрта ва йирик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва «яшил» иқтисодиёт йўналишидаги йирик лойиҳаларига уларнинг айланмасидан келиб чиқиб, 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлган миқдорда;

(в) аввал кафилликдан ижобий фойдаланган ва яхши кредит тарихига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига амалда белгиланган кафиллик миқдорини 1,5 бараваргача оширган ҳолда;

(г) гаров таъминоти бўйича юзага келган тақчилликни баргараф этиш учун барча тоифадаги тадбиркорлик субъектларига белгиланган миқдорлар доирасида ажратилган кредит, лизинг, банк кафолати ва аккредитивларга.

4. Компаниянинг кафолат ва кафиллик тақдим этиш тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, халқаро молия институтлари ва инвесторлардан маблағ жалб қилишни кенгайтириш мақсадида қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) Компания муассислигида акциядорлик жамияти шаклида кафолатлар бериш ташкилотини ташкил этиш;

(б) 2025 йил 1 декабрдан бошлаб кафолатлар бериш ташкилотига Компаниянинг кафолат ва кафиллик тақдим этиш билан боғлиқ функцияларини ўтказиш. Бунда олдин берилган кафолат ёки кафиллик бўйича мажбуриятлар Компания зиммасида қолади.

5. 2026 йил 1 январдан олис ва бориш қийин бўлган худудларда рўйхатдан ўтган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига уларга ажратилган кредитларнинг мос равишда 1,5 миллиард сўмгача ва 5 миллиард сўмгача бўлган қисмини Компания томонидан Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкасигача қайта молиялаштириш орқали компенсация тақдим этиш тартиби жорий этилсин. Бунда:

(а) Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларнинг аъзолари тадбиркорлик субъектларида банд бўлган ходимларнинг камида:

(i) 5 нафарини ташкил қилганда — 2 фоизгача;

(ii) 10 нафарини ташкил қилганда — 4 фоизгача;

(iii) 20 нафарини ташкил қилганда — 6 фоизгача миқдорда қайта молиялаштирилади;

(б) ушбу банднинг «а» кичик бандидаги ходимлар сони ҳисобот йилида белгиланган миқдорда сақланиб турса қайта молиялаштириш давом эттирилади, камайса — кредит фоизи бозор ставкасига ўтказилади;

(в) ушбу банднинг «а» кичик бандидаги ходимлар мазкур тадбиркорлик субъектига ишга жойлашгани ҳисобига Камбағал оилалар реестридан чиқарилганда ҳам қайта молиялаштириш тартиби сақлаб қолинади.

6. Компания кузатув кенгашига лойиҳаларнинг бизнес-режа ва самардорлик кўрсаткичлари паст бўлган ҳолларда тўхтатилган молиявий ёрдам-

ларни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда тармоқ уюшмалари томонидан белгиланган йўналишлар бўйича қайта тиклаш ҳуқуқи берилсин.

III. Молиявий ресурслар

7. Компания:

(а) 2026 — 2028 йилларда 500 миллиард сўм миқдорда корпоратив облигациялар чиқарсин;

(б) ўз даромадлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги ПФ–193-сон Фармони бўйича ажратилган бюджет ссудаси маблағлари ҳисобидан «қайта молиялаштириш» ҳамда «ресурс жойлаштириш» инструменти учун талабдан келиб чиқиб зарур маблағларни йўналтирсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Компанияга унинг буюртмасига асосан «қайта молиялаштириш» ва «ресурс жойлаштириш» инструментлари учун 7 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан Марказий банк асосий ставкасидан икки фоиз пунктга паст ставкада 300 миллиард сўмгача бюджет ссудасини ажратсин.

9. Компаниянинг 2024 — 2026 йиллар учун соф фойдасидан Давлат бюджетига ўтказиладиган дивиденд (ажратма) тўловлари Компанияда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг улушини ошириш ҳисобига қолдирилсин.

10. Белгилансинки:

(а) Компания тадбиркорликни ривожлантириш учун марказлаштирилган тартибда маблағлар жалб қилиш ҳамда унинг муассислигидаги ташкилотларга тақсимлаш вазифасини бажаради;

(б) Компания ўз муассислигидаги ташкилотларнинг асосий фаолияти учун методологияларни ишлаб чиқади ҳамда улар фаолиятининг таваккалчилик даражаларини белгилайди;

(в) Компанияга унинг муассислигидаги ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш инструментларининг фоиз ставкалари ва тарифларини белгилаш, уларнинг миқдори, параметр, қонда ва шартларига ўзгартириш киритиш ҳамда шу билан боғлиқ ички меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш ваколати берилади.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

11. 2026 йил 1 январга қадар Компаниянинг «Тадбиркор» ахборот тизими 1-иловада* келтирилган ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан ўрнатилган тартибда интеграция қилинсин.

12. Тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фар-

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 26 сентябрь,
ПФ–176-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

573 Иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик маълумотлардан фойдаланишни кенгайтириш ва қишлоқ хўжалиги қуйи бўғинида бошқарув тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

[Кўчирма]

Иқтисодиёт тармоқларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни бошқаришда самарадорликни ошириш, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мониторингини ривожлантириш, энергетика соҳасида назоратни кучайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик маълумотлардан фойдаланишни кенгайтиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) геология, ер муносабатлари ва экология соҳаларида қонунчилик бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш мақсадида йилига камида уч марта давлат космик мониторинги ўтказилишини йўлга қўйиш;

(б) масофавий назорат механизмларини жорий этишни жадаллаштириш орқали бошқарув жараёнида инсон омилини қисқартириш, ҳудудларда шакллантирилаётган маълумотлар аниқлигини ошириш;

(в) гидромодуль район ҳудудлари чегаралари ва хариталарини қайта кўриб чиқиш, янгилаш, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида самарадорликни ошириш;

(г) сув сатҳини ўлчайдиган ҳисоблагичларни ўрнатиш ва уларни аэрокосмик маълумотлар билан интеграция қилиш орқали ҳақиқий сув ҳажми бўйича ишлаш тизимига ўтиш.

II. Аэрокосмик маълумотлардан фойдаланишни кенгайтириш

2. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан қуйидаги ҳолатларни аниқлаш мақсадида йилига камида уч марта давлат космик мониторинги ўтказилади:

(а) геология соҳасида — ер қаъридан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, шу жумладан, рухсатномада кўрсатилган ҳудуддан ташқарига чиқиш;

(б) ер муносабатлари соҳасида — ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳамда уларда бино ва иншоотлар қуриш;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

(в) экология соҳасида — мавжуд чиқиндиларни сақлаш жойларида белгиланган ҳудуддан ташқарига чиқиш, шунингдек, ноқонуний янги чиқинди зоналари вужудга келиши.

3. Давлат космик мониторинги доирасида шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда (шу жумладан, маълумотлар эгасизлантирилган ҳолда) 2026 йил 1 мартга қадар 1-иловага* мувофиқ вазирлик ва идораларнинг электрон тизимларини Агентликнинг «Space Gov Monitoring» марказлашган ягона платформаси (кейинги ўринларда — SGM платформаси)га интеграция қилиш таъминлансин. Бунда вазирлик ва идоралар раҳбарлари интеграция қилинадиган ахборот тизимлари ҳамда бериладиган маълумотлардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш бўйича жавобгар этиб белгилансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2026 йил 1 мартдан бошлаб:

(а) Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда Кадастр агентлиги ўзи аниқлаган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича маълумотларни онлайн равишда тегишли контурлар кесимида рақамли кўринишда интеграция орқали SGM платформасига тақдим этиб боради. Бунда маълумотлар огоҳлантириш берилгани, ҳуқуқбузарлик бартараф этилгани, ҳужжатлар прокуратура ва суд органларида кўриб чиқиладигани тўғрисидаги белгиларни ўз ичига олади;

(б) Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда Кадастр агентлиги аниқлаган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича охириги юборилган маълумотлар билан Агентлик томонидан аниқланган ҳолатлар таққосланиб, фақат янги аниқланган ҳолатлар SGM платформасига киритилади. Бунда таққослаш натижалари бўйича киритилган қайдлар вазирлик ва идоралар томонидан жойига чиқиб ўрганиш учун якуний маълумот сифатида инобатга олинади;

(в) Агентлик Бош прокуратура билан биргаликда давлат космик мониторинги доирасида тақдим этилган космик маълумотлар асосида вазирлик ва идоралар томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бартараф этилган деб топилган ҳолатлар бўйича қайта назорат ўрнатади ва ҳақиқатда ҳуқуқбузарлик бартараф этилганлиги ҳолатини мониторинг қилиб боради.

5. Белгилансинки, Агентлик томонидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Ўрмон агентлиги) билан биргаликда 2026 йилдан бошлаб ҳар календарь йил якунига қадар республика бўйича космик технологиялар имкониятидан келиб чиққан ҳолда дарахтзорларнинг (бундан майдони 0,002 гектардан кичик участкалар ва чўллардаги дарахтзорлар мустасно) ноқонуний кесилишини космик мониторинг орқали аниқлаш йўлга қўйилади. Бунда Агентлик то-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

монидан амалга ошириладиган ишлар билан боғлиқ харажатлар Агентликка Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

6. Белгилаб қўйилсинки, Агентликнинг якуний маълумотлари асосида аниқланган ҳамда ваколатли органлар томонидан 2-иловадаги рўйхатда кўзда тутилган ҳолатлар бўйича қўлланган таъсир чоралари, шу жумладан, жарама ва зарар бўйича ундириладиган маблағларнинг 10 фоизи Агентликка йўналтирилади.

7. Белгилансинки, космик тадқиқотлар ўтказиш ва унинг натижаларидан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида 2026 йилдан бошлаб қўйидаги лойиҳалар синов тариқасида амалга оширилади:

(а) энергетика соҳасида — Энергетика вазирлиги томонидан Агентлик билан биргаликда Агентлик имкониятларидан фойдаланган ҳолда:

(i) электр узатиш тармоқларидаги носозликларни барвақт аниқлаш мақсадида 2026 йил 1 августга қадар Тошкент вилояти Бўқа туманида юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари ҳолати аэрокосмик мониторингдан ўтказилади;

(ii) «яшил» энергетикани ривожлантириш мақсадида 2026 йил 1 октябрга қадар Сурхондарё вилоятида қуёш панелларини жойлаштириш ва юқори самарадорликка эришиш имконияти мавжуд бўлган майдонлар аниқланади;

(б) транспорт соҳасида — Транспорт вазирлиги томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамда Агентлик билан биргаликда темир йўллар ҳолатини тезкор назорат қилишга ўтиш мақсадида Агентлик имкониятларидан фойдаланган ҳолда 2026 йил 1 октябрга қадар Тошкент — Ангрен йўналишидаги темир йўлда аэрокосмик мониторинг амалга оширилади;

(в) автомобиль йўллари соҳасида — Агентлик томонидан Автомобиль йўллари қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда автомобиль йўллари соҳасидаги қурилиш ва таъмирлаш ишларида шаффоликни ошириш мақсадида 2026 йил 1 октябрга қадар «А-373» Тошкент — Ангрен автомобиль йўлида аэрокосмик мониторинг ўтказилади. Бунда Автомобиль йўллари қўмитаси мазкур йўлни қуриш ва таъмирлаш бўйича тузилган барча ҳужжатларни Агентлик сўровига асосан тақдим этади;

(г) космик таълим йўналишида — Агентлик томонидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда худудларда космик таълимни кенг тарғиб қилиш ва ёшларни космик соҳага жалб қилиш мақсадида 2026 йил 1 декабрга қадар «мактабдан — олийгоҳгача» занжири асосида сунъий интеллект, STEMга асосланган ўқув дастури ва VRга асосланган «SpaceBuzz» мисолида ракета моделини жорий этиш орқали космик таълим лойиҳаси амалга оширилади. Бунда мазкур кичик бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон қарорига асосан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Рақамли технологиялар вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

(д) сув хўжалиги соҳасида — Агентлик Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 сентябрга қадар давлат космик мониторинги доирасида Қашқадарё вилоятидаги битта тумanning иқлим шароитларидан келиб

чиқиб, сув истеъмоли ҳажмини мослаштириш мақсадида давлат космик мониторинги учун ажратилган маблағлар доирасида ерусти назорат ускуналарини жойлаштиради. Бунда Сув хўжалиги вазирлиги ушбу назорат ускуналарининг узлуксиз ишлашини таъминлайди.

8. Агентлик тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг 7-бандида назарда тутилган лойиҳаларнинг натижалари асосида тегишли тажрибани бутун республика миқёсида татбиқ этиш юзасидан таклифларни 2026 йил 1 декабрга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Бош прокуратура Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, Кадастр агентлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Агентлик билан биргаликда 2026 йил 1 сентябрга қадар тегишли ҳудудларда аввал «яшил» ҳудудлар, спорт майдончаси, болалар ўйингоҳи, умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, тегишли ҳудудларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерларни бошқа мақсадлар, шу жумладан, бино-иншоотлар қуриш учун бериб юбориш ҳолатини аниқласин ҳамда тегишли чоралар кўриб, таҳлилий маълумотномани Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин. Бунда Агентлик томонидан амалга ошириладиган ишлар билан боғлиқ харажатлар Агентликка Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ўрмон агентлиги Агентликнинг космик мониторинг маълумотлари орқали аниқланган дарахтзорлар ноқонуний кесилиши ҳолати бўйича:

(i) маълумот тақдим этилган кундан бошлаб беш кун ичида жойига чиқиб ўрганиш ишларини ташкил этади ва тасдиқловчи ҳужжатларни интеграция орқали SGM платформасига киритади;

(ii) белгиланган тартибда қонуний чоралар кўрилган кундан сўнг бир кун ичида бу ҳақдаги маълумотларни Агентликка тақдим этади. Бунда 2026 йил 1 мартдан бошлаб ушбу маълумотлар интеграция орқали рақамли кўринишда SGM платформасига киритиб боради;

(б) 2026 йил 1 мартдан бошлаб бошоқли дон экинларидан бўшаган (ўримдан сўнг) ер майдонларида сомонпоялар ва уларнинг қолдиқларини ёқиш (далалар ёқилиши) каби салбий ҳолатларга чек қўйиш ва назорат тизимларини ривожлантириш мақсадида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Агентликнинг космик мониторинг маълумотлари асосида:

(i) ҳар йили сомонпояларни ёқиш ҳолатлари бўйича маълумот тақдим этилган кундан бошлаб бир кун ичида жойига чиқиб ўрганиш ишларини ташкил этади ва тасдиқловчи ҳужжатларни интеграция орқали SGM платформасига киритади;

(ii) белгиланган тартибда қонуний чоралар кўрилган кундан сўнг бир кун ичида бу ҳақдаги маълумотларни рақамли кўринишда Агентликка тақдим этади.

11. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб Давлат активларини

бошқариш агентлиги Агентлик билан ҳамкорликда қуйидаги йўналишларда лойиҳаларни амалга оширади:

(а) йилига икки марта ҳар календарь йил якунига қадар аукцион савдолари орқали реализация қилинган ер участкаларидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш ва иқтисодий айланмага киритиш;

(б) йилига бир марта календарь йил якунига қадар ҳудудларда фойдаланилмасдан бўш турган ер участкаларини аниқлаш ва ушбу ерларни тадбиркорлик, шаҳарсозлик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш фаолиятини амалга ошириш йўналишида аукцион савдоларига чиқариш учун таклифлар киритиш. Бунда мазкур йўналишларда лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Давлат активларини бошқариш агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

III. Ҳудудларда аэрокосмик маълумотлардан фойдаланишни ташкил этиш

12. Ҳудудларда аэрокосмик маълумотлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳамда соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотларнинг мавжуд штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан:

(а) Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича 2 та штат бирлигидан иборат ҳудудий вакиллари (жами 28 нафар) лавозими жорий этилсин;

(б) ҳудудий вакиллар фаолиятини мувофиқлаштириш, синов лойиҳаларини амалга ошириш, халқаро ҳамкорлик ва ахборот хизматини йўлга қўйиш мақсадида Агентликка қўшимча 8 та штат бирлиги ажратилсин. Бунда Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 60 нафар этиб белгилансин.

13. Қуйидагилар:

(а) Ҳудудларда аэрокосмик маълумотлардан кенг фойдаланишни ташкил этиш бўйича Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги зиммасига юкланадиган қўшимча вазифалар 3-иловага мувофиқ;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги ҳудудий вакилларининг асосий вазифалари 3а-иловага мувофиқ;

(в) Иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик маълумотлардан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Агентликнинг ҳудудий вакилларини ўзининг вазифаларига бевосита боғлиқ бўлмаган ишлар ва йиғилишга жалб қилиш, шунингдек, уларга топшириқлар бериш тақиқлансин.

15. Белгилансинки, 2026 йил 1 июлдан бошлаб ҳудудларда Агентликнинг аэрокосмик маълумотларидан самарали фойдаланиш ҳолати бўйича маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар рейтингини юритиш йўлга қўйилади.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

16. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг SGM платформасининг оператори этиб Агентлик ҳузуридаги Космик мониторинг ва геоахборот технологиялари марказини белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда Агентлик SGM платформасининг лозим даражада юритилиши учун жавобгар ҳисобланади ва у билан боғлиқ харажатлар Агентликка давлат космик мониторинги учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

IV. Қишлоқ хўжалиги соҳасида илм-фан ютуқлари ва инновацияларни кенг жорий этиш

17. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг биттадан туманларида синов тариқасида Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг туман филиалини ташкил этиш;

(б) ташкил этилаётган туман филиалларига қишлоқ хўжалиги корхоналарида илм-фан ютуқларидан келиб чиқиб, агрохизматларни кўрсатиш, ҳосилдорликни оширишга қаратилган илмий ишланмаларни жорий этиш, фермер хўжаликлари ходимларининг малакасини ошириш вазифаларини юклаш;

(в) ташкил этилаётган туман филиалларига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлардан мақбуллаштирилган штат бирликлари ҳисобидан 5 тадан штат бирлигини ажратиш.

V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 5-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритилсин.

19. Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов, сув хўжалиги вазири Ш.Р. Ҳамраев, рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов ва Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги директори Ш.М. Кадиров ҳамда Бош прокурор ўринбосари — Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи Ж.Ж. Хатамов белгилансин.

20. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 26 сентябрь,
ПФ–177-сон

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 26 сентябрдаги
ПФ-177-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Агентликнинг яқуний маълумотлари асосида аниқланган
ҳамда ваколатли органлар томонидан қўлланган таъсир чоралари,
жарима ва зарар бўйича ундириладиган маблағларнинг 10 фоизи
Агентликка йўналтириладиган ҳолатлар
РЎЙХАТИ**

1. Геология соҳасида — ер қаъридан рухсатномасиз фойдаланиш ва рухсатномада белгиланган чегарадан ташқарига чиқиб қазиш ҳамда норуда фойдали қазилма конларидан нормадан ортиқ ва ҳақиқатда қазиб олинган ҳажми яшириш ҳолатлари.

2. Ер муносабатлари соҳасида — ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳамда уларда бино ва иншоотлар қуриш ҳолатлари.

3. Экология соҳасида:

(а) мавжуд чиқиндилар сақлаш жойларида белгиланган ҳудуддан ташқарига чиқиш ҳолатлари ҳамда янги чиқинди зоналарининг вужудга келиши;

(б) бошоқли дон экинларидан бўшаган (ўримдан сўнг) ер майдонларида сомонпояр ва улар қолдиқларининг ёқиши (далалар ёқиши);

(в) дарахтзорларнинг ноқонуний кесилиши ҳолатлари.

4. Ўрмон хўжалиги соҳасида — дарахтзорларнинг ноқонуний кесилиши ҳолати.

5. Сув ресурсларидан рухсат берувчи ҳужжатларсиз фойдаланиш ҳолати, шу жумладан, сув истеъмолчилари томонидан белгиланган сувдан фойдаланиш лимитларидан ортиқча фойдаланиш ҳолатлари.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 26 сентябрдаги
ПФ–177-сон Фармониغا
3-ИЛОВА

Худудларда аэрокосмик маълумотлардан кенг фойдаланишни ташкил этиш бўйича Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги зиммасига юкланаётган қўшимча вазифалар

1. Аэрокосмик технологиялар имкониятларини иқтисодиёт тармоқларида қўллаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан доимий ҳамкорлик қилиш.

2. Давлат космик мониторинги доирасида ва аэрокосмик технологиялар орқали аниқланган ҳолатлар бўйича масъул вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда прокуратура органлари ходимлари билан биргаликда жойига чиқиб ўрганишлар ўтказиш.

3. Иқтисодиёт тармоқларида, шу жумладан, қишлоқ ва сув хўжалиги, экология, геология, ер муносабатлари соҳаларида аэрокосмик технологияларни қўллаган ҳолда муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича маҳаллий ҳокимликларга таклифлар бериш.

4. Вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан худудларда «Ўзбеккосмос» агентлигининг аэрокосмик маълумотларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш.

5. Қишлоқ ва сув хўжалиги, экология, геология, ер муносабатлари, энергетика ва бошқа тегишли соҳаларга масъул вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини ҳар йилнинг январь ойида тасдиқланадиган режа-график асосида аэрокосмик маълумотлар ва геоахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича шартномавий асосда қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 26 сентябрдаги
ПФ-177-сон Фармонига
За-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри
бўйича Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги ҳудудий
вакиллариининг асосий вазифалари**

1. Иш фаолиятини бевосита ҳудудларда ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларини аэрокосмик маълумотлар асосида тармоқ ва соҳалардаги жорий ҳолат юзасидан ҳар ойда таҳлилий ахборотлар (шу жумладан, аэрокосмик суратлар таҳлили) билан доимий таъминлаш.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари талабига мувофиқ «Ўзбеккосмос» агентлиги имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиёт тармоқларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, геология соҳаларидаги амалдаги ҳолат бўйича ўрганишлар ўтказиш, таҳлилий маълумотлар (шу жумладан, аэрокосмик суратлар таҳлили) тайёрлаш.

3. Давлат космик мониторинги доирасида ва аэрокосмик технологиялар орқали аниқланган ҳолатлар бўйича масъул вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда прокуратура органлари ходимлари билан биргаликда жойига чиқиб ўрганишлар ўтказиш.

4. Давлат космик мониторинги доирасида ҳамда аэрокосмик технологиялар орқали турли соҳаларда аниқланган ҳолатлар бўйича масъул вазирлик ва идоралар томонидан кўрилган чоралар натижадорлигини ўрганиш ва бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига ахборот киритиш.

5. Масъул вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмаларида «Ўзбеккосмос» агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотлардан фойдаланиш даражасини ўрганиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**574** Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. 2024 йил 4 июль куни Остона шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ушбу халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартноманинг кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома юборсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга кирганидан кейин унинг қоидалари белгиланган тартибда унинг қоидалари амалга оширилиши устидан назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 26 сентябрь,
ПҚ–292-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

575 Айрим тоифадаги объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлашда давлат харидларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат томонидан қўриқланиши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа қобилятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш объектларини, шунингдек, алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлашда давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ давлат томонидан қўриқланиши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлашда давлат сирлари билан боғлиқ давлат харидларининг тартибини қонунчиликка мувофиқ белгилаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Айрим тоифадаги объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш фаолияти билан шуғулланувчи лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага;

Алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларда амалга ошириладиган лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари билан боғлиқ давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Давлат томонидан қўриқланиши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа қобиляти, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш ҳамда алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларини (кейинги ўринларда — алоҳида муҳим ва тоифаланган объектлар) лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ давлат харидлари ушбу қарор билан белгиланган тартибда амалга оширилади;

объектларни алоҳида муҳим ва тоифаланган объектлар рўйхатига ки-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

ритиш қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади, бунда ушбу қарор билан белгиланган тартибда давлат харидлари амалга оширилишида объектларнинг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектлар рўйхатига киритилганлигига буюртмачи ташкилотлар жавобгар ҳисобланади;

алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича давлат харидларини ташкил этишда оммавий ахборот воситалари ва очиқ электрон платформаларда эълон берилмайди;

алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича давлат харидларида лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар жалб этилади;

алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича давлат харидлари натижаларига мувофиқ тузилган шартномада назарда тутилган шартларнинг ўзгариши белгиланган тартибда харид комиссиясининг тегишли баёни билан тасдиқланганидан кейин қабул қилинган деб ҳисобланади.

4. Қонунчилик ҳужжатлари билан алоҳида тартиб белгиланган буюртмачилар учун мазкур қарор тавсиявий тусга эга ҳисобланади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 февралдаги 69-сон қарори билан тасдиқланган Давлат харидларида энг яхши таклифларни танлашнинг алоҳида тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур Низом давлат томонидан қўриқланиши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, муҳофаза қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш ҳамда алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича давлат сирлари билан боғлиқ давлат харидларини амалга оширишда энг яхши таклифларни танлаш тартибига нисбатан татбиқ этилмайди».

7. Мазкур қарорнинг 3-банди иккинчи ва бешинчи хатбошилари, 5-банди ва қарорга 2-илова қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ва Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 22 сентябрь,
600-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 22 сентябрдаги 600-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Айрим тоифадаги объектларни лойиҳалаштириш, қуриш,
реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш фаолияти
билан шуғулланувчи лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат
ташкilotлари реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Давлат томонидан қўриқланиши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа қобилияти, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш ҳамда алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларини (кейинги ўринларда — алоҳида муҳим ва тоифаланган объектлар) лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш фаолияти билан шуғулланувчи лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкilotлари реестрини (кейинги ўринларда — Реестр) шакллантириш ҳамда юритиш тартибини белгилайди.

2. Реестрга фақат «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимидаги лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкilotларининг электрон рейтингда (кейинги ўринларда — Рейтинг) мавжуд бўлган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкilotлари киритилишига рухсат берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда — Ваколатли орган) лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкilotларини Реестрга киритиш юзасидан мурожаатларни қўриб чиқиш, унга ташкilotларни киритиш ва ундан чиқариш ҳамда Реестрни юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

Реестр бўйича юкланган вазифаларни бажариш Ваколатли орган томонидан ушбу низомга мувофиқ ташкilot этилади.

Реестрга кириш истагида бўлган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкilotлари Ваколатли органга ариза билан мурожаат қилади. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкilotлари ва Ваколатли орган ўртасидаги ариза ва бошқа ҳужжатлар алмашинуви почта орқали амалга оширилади.

4. Алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш фақат Реестрга кирган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкilotлари томонидан амалга оширилади.

5. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкilotларнинг Реестрга киритилишига йўл қўйилмайди.

Рейтингдан чиқарилган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкilotлари Реестрдан ҳам чиқарилади.

Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкilotлари Рейтингдан чиқарилгандан кейин объектни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, му-

каммал ва жорий таъмирлашнинг амалдаги шартномаларини бекор қилишга асос бўлмайди (қонунчиликда белгиланган талаблар бундан мустасно).

6. Реестрга лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари 5 йил муддатга киритилади. Бунда Рейтингдан чиқарилганлиги сабабли лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрдан чиқарилган бўлса, у ҳолда ушбу лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрга кириш учун Ваколатли органга қайтадан ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

2-боб. Реестрга кириш учун зарур ҳужжатлар

7. Реестрга кириш учун Ваколатли органга қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

юридик шахснинг номи, СТИРи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), юридик шахс томонидан лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланаётган соҳа тури акс этирилган Реестрга киритиш тўғрисидаги ариза;

ташкилотда фаолият юритаётган ходимларга тегишли бўлган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), уларнинг эгаллаб турган лавозимлари, маълумоти бўйича мутахассислиги ҳамда шу мутахассислиги бўйича иш стажи, яшаш жойи, ушбу ходимлар иштирокида лойиҳалаштирилган, қурилган, реконструкция қилинган, мукамал ва жорий таъмирланган объектлар рўйхати.

8. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлардан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан тегишли ҳужжатлар ариза билан бирга Ваколатли органнинг почта манзилига юборилади.

10. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

3-боб. Реестрга кириш учун аризани кўриб чиқиш тартиби

11. Реестрга кириш мазкур Низомга иловасидаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларини Реестрга киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисидаги жавоб хати лойиҳа-қидирув ёки қурилиш-пудрат ташкилотининг аризасига асосан Ваколатли органда кирим рўйхатига олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда уларга юборилади.

Ваколатли орган уч иш куни мобайнида лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларнинг аризасини кўриб чиқади ва ўрганиб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматига юборади.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Лойиха-қидирув ёки қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрга Давлат хавфсизлик хизматининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда киритилади.

12. Реестрга киритиш рад этилган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги хат лойиха-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларга бир иш кунда ёзма шаклда юборилади.

13. Реестрга киритишни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лойиха-қидирув ёки қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан бартараф этилган тақдирда, ушбу Низом талабларига мувофиқ лойиха-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари қайтадан мурожаат этишга ҳақли.

4-боб. Реестр талаблари ва унга риоя этилишини назорат қилиш тартиби

14. Реестрга кирган лойиха-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари қуйидаги талабларга амал қилиши лозим:

алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни лойихалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш фаолият тури соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

объект режимида белгиланган қодаларга риоя қилиш ва уларни бажариш;

алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни лойихалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш фаолият турини амалга оширишда ўзига маълум бўладиган давлат сирлари сақланишини таъминлаш.

15. Реестрга киритилган лойиха-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилоти томонидан Реестр талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат ўз ваколатлари доирасида тегишлигига кўра Ваколатли орган ва Давлат хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриб боради.

5-боб. Реестрни юритиш

16. Ваколатли орган томонидан Реестрни «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг электрон рейтинг платформасида электрон шаклда юритилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефон рақами;

раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

Реестрга киритилган сана ва тартиб рақами;

Реестрдан чиқарилган санаси.

Бунда Реестрнинг юритилиши, ушбу Реестрдаги лойиха-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари ҳақидаги маълумотларни фақат алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларнинг буюртмачиларига очиқланади ҳамда Реестрни рақамлаштириш бўйича методика Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланади.

17. Реестр маълумотлари давлат буюртмачилари учун «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида акс эттирилади.

6-боб. Лойиҳа-қидирув ёки қурилиш-пудрат ташкилотларни Реестрдан чиқариш

18. Қуйидаги ҳолларда лойиҳа-қидирув ёки қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрдан чиқарилади:

лоyiҳа-қидирув ёки қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан Реестрдан ихтиёрий чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

лоyiҳа-қидирув ёки қурилиш-пудрат ташкилотлари Рейтингдан чиқарилганда.

Лойиҳа-қидирув ёки қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрдан мазкур банднинг иккинчи хатбошиси бўйича ариза келиб тушган кундан эътиборан беш иш кунида чиқарилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

19. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

20. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 22 сентябрдаги 600-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларда амалга
ошириладиган лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш,
мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари билан боғлиқ давлат
харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат томонидан қўриқланиши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш ҳамда алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларида амалга ошириладиган лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари бўйича давлат сирлари билан боғлиқ давлат харидларини амалга оширишда энг яхши таклифларни танлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий ва ишлаб чиқариш давлат дастурлари ҳамда бошқа мақсадли дастурларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан молиялаштириладиган алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича буюртмачилар томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари учун татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилган:

алоҳида муҳим ва тоифаланган объектлар — давлат томонидан қўриқланиши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа қобилияти, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш ҳамда алоҳида муҳим ва тоифаланган объектлар;

баҳолаш мезонлари — оферентларни танлаш ҳамда офертани баҳолаш ва харид ғолибини аниқлаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар;

бошланғич нарх — буюртмачи томонидан ёки унинг буюртмаси бўйича жалб этилган ташкилот аниқлайдиган харид предметининг қўшимча қиймат солиғи (кейинги ўринларда — ҚҚС) билан қиймати;

буюртмачи — харидларни амалга оширувчи юридик шахс;

захирадаги ғолиб — харид қилиш тартиб-таомиллари якуни бўйича харид комиссиясининг қарорига мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган деб топилган оферент;

лойиҳа-қидирув ташкилотларининг соҳавий электрон рейтинги — «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида лойиҳа-қидирув ташкилотларининг кадрлар билан таъминланганлиги, молиявий кўрсаткичлари, рақобатбардошлиги, иш тажрибаси ва лицензия кўрсаткичлари бўйича мезонлар-

га мувофиқ малака талабларини белгилловчи рейтинг кўрсаткичларини ўзида акс эттирадиган электрон платформа;

оферент — Реестрда мавжуд бўлган, офертаси харид савдолари ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилган талабгор;

оферта — харид ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тақдим этилган, харид предметига нисбатан оферентнинг таклифи;

Реестр — алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш фаолияти билан шуғулланувчи Рейтингда мавжуд бўлган ва Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда — Ваколатли орган) томонидан белгиланган тартибда шакллантирилган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларнинг рўйхати;

талабгор — Реестрда мавжуд бўлган, харид савдолари ташкилотчиси томонидан таклиф юборилган ва офертаси рўйхатдан ўтказилгунга қадар таклифномада кўрсатилган шартларга мувофиқ харидларда иштирок этиш истаги бўлган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилоти;

харид таклифномаси — Реестрда мавжуд бўлган қурилиш-пудрат ва лойиҳа-қидирув ташкилотларига алоҳида муҳим ва тоифаланган объектлар бўйича давлат харидларида иштирок этиш учун юбориладиган таклифномалар;

харид таклифи — харид ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ харид предметига нисбатан талабгор томонидан тақдим этилган таклиф;

харид таклифини таъминлаш кафолати — харид предметининг ҚҚС билан бошланғич нархидан 2 фоиздан ортиқ бўлмаган харид таклифини таъминлаш кафолати суммаси;

харид ҳужжатлари — харидларнинг техник, молиявий, тижорат, ташкилий ва бошқа тавсифлари тўғрисидаги ҳамда харидларни ташкил этиш ва ўтказиш шартлари, тартиб-қоидалари тўғрисидаги ахборот, шунингдек, талабгорлар томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб мавжуд бўлган ҳужжатлар туркуми;

харид комиссияси — мазкур Низомнинг 9-бандида санаб ўтилган вазибаларни бажариш учун буюртмачи томонидан ташкил этиладиган доимий ёки вақтинчалик орган;

харид предмети:

а) лойиҳалаштириш топшириғига мувофиқ қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва жорий таъмирланадиган алоҳида муҳим ва тоифаланган объект бўйича ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета ҳужжатлари;

б) лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича ваколатли орган томонидан берилган ижобий экспертиза хулосаси мавжуд бўлган қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва мукамал таъмирланадиган алоҳида муҳим ва тоифаланган объект;

харид савдолари ташкилотчиси — буюртмачининг ўзи ёки буюртмачи томонидан қурилиш соҳасида товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш бўйича белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиладиган алоҳида

муҳим ва тоифаланган объектларнинг ҳужжатлари билан ишлаш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган ташкилот;

қурилиш-пудрат ташкилотларининг соҳавий электрон рейтинги — «Шаф-фоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг соҳалар бўйича қурилиш-пудрат ташкилотларининг кадрлар билан таъминланганлиги, молиявий кўрсаткичлари, рақобатбардошлиги, иш тажрибаси, моддий-техник базаси ва меҳнат муҳофазаси бўйича мезонларга мувофиқ малака талабларини белгиловчи рейтинг кўрсаткичларини ўзида акс эттирадиган электрон платформа.

3. Алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича давлат харидларида Реестрда мавжуд бўлган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари қатнашишлари мумкин.

4. Алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича давлат харидлари молиялаштириш манбаи аниқ бўлган тақдирда ўтказилади.

2-боб. Харид қатнашчилари

5. Буюртмачи, харид савдолари ташкилотчиси, харид комиссияси ва оффендерлар алоҳида муҳим ва тоифаланган объект бўйича давлат харидининг қатнашчилари ҳисобланади.

6. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мустақил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этган ҳолда, харид предметининг ҚҚС билан бошланғич қийматини белгилаш;

харидни ўтказиш санасини белгилаш ҳамда қарор қабул қилиш;

харид савдолари ташкилотчиси функциясини бажариш ёки заруратга кўра алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларнинг ҳужжатлари билан ишлаш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган ташкилотни белгиланган тартибда жалб этиш.

7. Буюртмачи қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

харид комиссияси таркибини ва иш регламентини шакллантиради, тасдиқлайди, унинг ишида қатнашади;

харид савдоларини мазкур Низомда белгиланган тартибда ташкил этади (харид савдоларини ташкил этиш учун ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этиш ҳоллари бундан мустасно);

харид предметининг ҚҚС билан бошланғич нархидан 2 фоиздан ортиқ бўлмаган харид таклифини таъминлаш кафолати суммасини белгилайди;

харид ғолиби билан шартнома тузади;

харидни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни танлов ғолиби ёки захирадаги ғолиб (ғолиб деб топилганда) томонидан қопланиши таъминланади;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг Реестрда мавжудлигини ўрганади ва тегишли қарор қабул қилади;

қонунчиликда назарда тутилган ваколатлар доирасида бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

8. Қўйидагилар харид савдолари ташкилотчисининг асосий вазифалари ҳисобланади:

харид ҳужжатларини ишлаб чиқади;

Реестрга асосан лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтинг кўрсаткичларини ўрганиб, харид жараёнида иштирок этиш учун харид таклифномаларини лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларига юборади;

оферталарни қабул қилади, уларнинг ҳисобга олиниши ва махфийлигини таъминлайди;

жалб этиладиган экспертлар ёки эксперт ташкилотларининг ишларини ташкил этади;

оферентлар томонидан тақдим этилган оферталарни харид комиссияси йиғилишида очади ва харид комиссиясига ўрганиб чиқиш учун тақдим этади;

оферталарнинг асл нусхаларини улар очилгандан кейин белгиланган тартибда буюртмачига топширади (буюртмачи томонидан харид савдоларини амалга ошириш учун ихтисослаштирилган ташкилот жалб этилган тақдирда);

йиғилиш баённомаларини расмийлаштиради ва харид комиссиясига тасдиқлаш учун тақдим этади.

9. Харид комиссияси қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

ўзининг иш юритиш тартибини белгилайди;

оферталарни қабул қилишнинг охириги куни ва вақтини белгилайди;

Реестрда мавжуд бўлган таклифнома юбориладиган камида 10 та лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг рўйхатини шакллантиради ҳамда харид савдолари ташкилотчисига тақдим этади, бунда рўйхатни шакллантириш кунда реестрда харид предмети бўйича талаб этиладиган рейтинг кўрсаткичли лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари сони 10 тадан кам бўлган тақдирда, рейтинг кўрсаткичи тўғри келадиган мавжуд ташкилотлар рўйхатини шакллантиради;

оферталар харид ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади (ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилиши, расмийлаштириш ва бошқалар) ва ташкилотчи томонидан расмийлаштирилган баённомаларни имзолайди ҳамда тасдиқлайди;

мустақил экспертларни (маслаҳатчиларни) жалб этиш зарурлигини белгилайди;

харид ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

буюртмачи ва оферент ўртасидаги ҳамда оферентлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви, шу жумладан, аффилиланганлик ҳолатларини аниқлайди ва тегишли қарор қабул қилади;

харидни ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган эътирозларни кўриб чиқади.

3-боб. Харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш

10. Харид комиссияси танловни ташкил этиш ва ўтказиш чоғида буюртмачи томонидан шакллантириладиган коллегиял органдир.

Харид комиссияси аъзолар сони ва таркиби буюртмачи томонидан белги-

ланади. Бироқ, харид комиссияси аъзолари сони беш нафардан кам бўлмаслиги лозим. Харид комиссияси тоқ сонли аъзолардан ташкил топади.

11. Харид комиссияси аъзолари харид қилиш тартиб-таомилини ўтказишда бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаслиги керак.

12. Харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилади, у харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни ўқиб эшиттиради, шунингдек, харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини тасдиқлайди. Харид комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

Харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкил этади.

13. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки бетараф қолиши мумкин. Харид комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас.

Харид комиссияси мажлислари харид предметининг махфийлиги лозим даражада таъминланган ҳолда ўтказилади.

14. Харид комиссияси давлат харидининг предметидан келиб чиққан ҳолда, ўз фаолиятини амалга ошириш учун экспертларни, шунингдек, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва давлат буюртмачисининг юқори турувчи ташкилоти мутахассисларини жалб этиши мумкин.

15. Харид комиссияси унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади ҳамда ҳар бир мажлис ва қабул қилинган қарор баённомалар билан расмийлаштирилади.

16. Харидни ўтказиш тартиб-қоидалари бўйича қарор харид комиссиясининг умумий сони томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Бунда ғолиб мазкур Низомнинг 38-бандида кўрсатилган тартибда аниқланади.

Овозлар тенг бўлган тақдирда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

4-боб. Харидни ўтказишга тайёргарлик

17. Алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш ушбу Низомга иловадаги* тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Харид савдолари ташкилотчиси лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотини аниқлаш санасидан камида беш иш куни, бироқ харид суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг бараваридан ошган ҳолларда камида ўн икки иш куни олдин кўпи билан ўттиз иш куни олдин харидларда қатнашиш учун таклифномани жўнатади.

Бунда оферталарни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида бир иш куни олдин харид комиссияси қарори билан таклифларни бериш муддати уч иш кунига, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг бараваридан ошганда камида ўн иш кунига узайтирилиши мумкин. Бу ҳақда таклифнома

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жўнатилган лойиҳа-кидирув ёки қурилиш-пудрат ташкилоти огоҳлантирилиши шарт.

Агар харид буюртмачи томонидан ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этган ҳолда ташкил этилган тақдирда, ихтисослаштирилган ташкилотнинг харажатлари танлов ғолиби ёки захирадаги ғолиб (ғолиб деб топилганда) томонидан тўланади.

Бунда харажатлар танлов предметининг ҚҚС билан бошланғич нархидан 0,1 фоиз (1 БҲМдан кам бўлмаган ва 50 БҲМдан ошмаган ҳолда) қилиб белгиланади.

18. Харидда иштирок этиш таклифномасида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

харид предмети номи;

ишларни амалга ошириш тури ва ҳажми (лойиҳалаштириш, қурилиш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш);

ҚҚС билан бошланғич нархи ва ишларни яқунлаш муддати;

харид таклифини таъминлаш кафолатининг аниқ миқдори;

молиялаштириш манбаи;

агар харид предмети ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) билан боғлиқ фаолият қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ лицензияланадиган бўлса, лицензия мавжудлиги ҳақидаги талаб;

харид ҳужжатларини олиш ва оферталарни топшириш жойи ҳамда муддати;

оферталарни очиш жойи, куни ва вақти.

19. Буюртмачи томонидан ҚҚС билан ҳисобланган нарх билан харид ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, харид предметининг ҚҚС билан бошланғич нархи таклифномада кўрсатилади.

20. Зарур бўлган ҳолларда, харид комиссияси қарори билан харид таклифларини бериш муддати маълум вақтга узайтирилиши мумкин. Бунда ушбу муддат мазкур Низомнинг 17-бандида белгиланган энг кўп муддатдан ошиб кетмаслиги керак.

21. Харид предметининг ҚҚС билан бошланғич нархига ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги хавф-хатар тоифасига қараб, Реестрда мавжуд бўлган қурилиш-пудрат ташкилотлари — талабгорларга буюртмачи томонидан қўйиладиган минимал рейтинг талаблари қуйидагилардан иборат:

а) I хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 минг бараваригача — «D» ва ундан юқори;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 минг баравари ва ундан юқори — «C» ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

б) II хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 минг бараваригача — «D» ва ундан юқори;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 минг бараваридан 40 минг бараваригача — «C» ва ундан юқори;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 минг бараваридан 80 минг бараваригача — «СС» ва ундан юқори;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 80 минг баравари ва ундан юқори — «ССС» ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

в) III хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 минг бараваригача — «С» ва ундан юқори;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 минг бараваридан 80 минг бараваригача — «СС» ва ундан юқори;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 80 минг бараваридан 240 минг бараваригача — «ССС» ва ундан юқори;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 240 минг баравари ва ундан юқори — «В» ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

г) IV хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 240 минг бараваригача — «ССС» ва ундан юқори;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 240 минг бараваридан 400 минг бараваригача — «В» ва ундан юқори;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 минг баравари ва ундан юқори — «ВВ» ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга.

5-боб. Оферталарни тақдим этиш тартиби

22. Талабгорлар харид бўйича оферталарини харид таклифномасида кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар. Тақдим этиш муддати тугагандан кейин оферта қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Офертанинг амал қилиш муддати харид ҳужжатларида белгиланади.

Харид таклифномасида кўрсатилган муддат ва вақтда оферталарни қабул қилиш тўхтатилади.

23. Оферталарни очиш муддати етиб келгунга қадар уларнинг талабгорлар, шунингдек, харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан очилишига йўл қўйилмайди, ушбу таклифларни тақдим этган талабгор бундан мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига харид савдолари ташкилотчиси жавобгар ҳисобланади.

24. Талабгор битта харид предмети бўйича фақат битта офертани беришга ҳақли.

Талабгор тақдим этилган офертани тақдим этиш муддати тугагунига қадар берилган офертани ушбу харидда қатнашишдан воз кечиш ёки унга ўзгартиришлар киритиш учун тегишли хат билан қайтариб олишга ҳақли.

Офертани тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагач офертанинг ўзгартирилишига рухсат этилмайди.

25. Талабгорнинг имзоси қўйилган оферта харид савдолари ташкилотчисига конвертга солиб елимланган ҳолда топширилади.

26. Талабгорнинг офертасидаги маълумотлар харид таклифномасида кўрсатилган маълумотларга мос келиши керак.

27. Талабгор тақдим этилаётган ахборот (маълумот) ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавоб беради.

28. Талабгор оферта таркибида харид предметининг ҚҚС билан бошланғич нархидан 2 фоиздан ортиқ бўлмаган харид таклифини таъминлаш кафолати суммасини миллий валютада буюртмачининг ҳисобрақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

29. Тўланган харид таклифини таъминлаш кафолати харид якунидан сўнг буюртмачи томонидан лойиха-қидирув ёки қурилиш-пудрат ташкилотларининг ҳисобрақамларига қайтарилади.

Харид савдоларида қатнашишга таклифни таъминлаш кафолати:

харид ғолибига — шартнома тузилгандан кейин уч иш куни;

қолган оферентларга — харид ғолиби билан шартнома тузилгандан кейин, уч иш куни;

харидда иштирок этишдан воз кечган оферентга — харидда қатнашишдан воз кечиш ҳақидаги хати берилган кундан бошлаб уч иш куни ичида қайтарилади.

30. Харид таклифини таъминлаш кафолати қўйидаги ҳолатларда қайтарилмайди:

оферентга — офертани тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагач, оферент томонидан оферта қайтариб олинганда;

харид ғолибига — танлов ҳужжатларида белгиланган шартларда шартнома тузиш рад этилганда.

31. Харид савдолари ташкилотчиси талабгорнинг сўров хатига кўра харид жараёни билан боғлиқ бўлган саволларга талабгорнинг сўров хати келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида ёзма равишда жавоб бериши лозим.

Буюртмачи талабгорнинг сўров хатига кўра харид ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ бўлган саволларга талабгорнинг сўров хати келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида ёзма равишда жавоб бериши лозим.

Бунда харид бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6-боб. Харид савдоларини ўтказиш ва якунлаш

32. Харид савдолари, қоида тариқасида, буюртмачи томонидан белгиланган манзилда (бинода) ўтказилади.

33. Харид комиссияси мажлиси ва қарорлари белгиланган тартибда ёпиқ ўтказилади.

Алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича давлат харидлари комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ёки махфийликни таъминлаш имконини бермайдиган бошқа усуллар) шаклида ўтказилиши мумкин эмас.

Харид комиссияси мажлислари харид предметининг махфийлигини лозим даражада таъминланган ҳолда ўтказилади.

Мажлис вақтида оферталар солинган конвертлар очилади, шартлар ва тартиботларга риоя қилиниши, харид ҳужжатларида кўрсатилган ҳужжатларнинг мавжудлиги текширилади.

Конвертларни очиш жараёнларини харид савдолари ташкилотчиси видеоёзувга олади ва видеоёзув икки йил давомида сақланишини таъминлайди.

34. Оферентнинг ваколатли вакили таклифлар солинган конвертларни очиш тартиб-таомилида иштирок этишга ҳақли.

Харид комиссияси мажлис натижалари баённома билан расмийлаштирилади.

Харид савдолари ташкилотчиси баҳолаш натижаларига кўра харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарор ҳақидаги маълумотларни ёзма шаклда уч иш кунда юборилишини таъминлайди.

35. Офертада харид ҳужжатлари талаблари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг мазмуни мазкур оферентнинг ўзига маълум қилинган ҳолда харид савдоларидан четлаштирилади.

36. Харид комиссияси мажлисида офертани кўриб чиқиш давомида оферент томонидан офертанинг мазмуни тушунтириб берилишига йўл қўйилади.

Бунда офертанинг мазмунини, шу жумладан, нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

37. Оферент ғолиб бўлган тақдирда, танлов шартларига мувофиқ харид савдолари ташкилотчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларидаги иш ҳажмларини тўлиқ бажариш мажбуриятини олади.

38. Харид савдолари ғолиби харид комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади.

Оферентнинг умумий баллари йиғиндисини якуний ҳисоблаш учун хар бир оферент бўйича харид комиссияси томонидан ҳисобланадиган қуйидаги формула қўлланилади:

а) қурилиш-пудрат йўналишидаги оферент бўйича:

$$ЯБ = (РБ \times 0,8 + (ББН - ОН) \times 20 / (ББН - ББН \times 0,95)) - О \times (РБ \times 0,05) + 1.$$

Бунда:

ЯБ — оферентнинг якуний балли;

РБ — электрон соҳабай рейтинг доирасида ҳисобланган балл;

0,8 — электрон соҳабай рейтинг доирасида олинган баллнинг умумий якуний баллдаги улушини аниқловчи коэффициент;

ББН — алоҳида муҳим ва тоифаланган объект буюртмачисининг ҚҚС билан бошланғич нархи. Бунда агар қонунчиликда белгиланган тартибда ҚҚС билан бошланғич нарх ҚҚСсиз бўлса, ушбу формулада белгиланган тартибдаги ҚҚСсиз қийматлар ҳисобга олинади;

ОН — оферент томонидан таклиф этилган ҚҚС билан нарх. Бунда агар қонунчиликда белгиланган тартибда таклиф нархи ҚҚСсиз бўлса, ушбу формулада белгиланган тартибдаги ҚҚСсиз қийматлар ҳисобга олинади;

20 — оферент томонидан таклиф этилган ҚҚС билан нарх учун интерполяция йўли билан бериладиган балл. Бунда ҚҚС билан бошланғич нархнинг

5 фоиздан ошиб кетмаган энг кам ҚҚС билан таклиф нархга 20 балл ҳисобланади, ҚҚС билан энг кўп таклиф нархга 0,0 балл ҳисобланади, ушбу ҚҚС билан энг кам ҳамда энг кўп таклиф нархлар орасидаги ҚҚС билан таклиф нархларга балл 0,0 билан 20 балл оралиғидаги интерполяция йўли билан ҳисобланади;

0,95 — ҚҚС билан таклиф нархининг ҚҚС билан бошланғич нархдан 5 фоиздан кўп камайтирилиши мумкин эмаслиги коэффициенти;

О — оферентнинг жорий календарь йил давомида электрон тендер платформасида ютиб олган объектлари сони;

0,05 — объектлар бўйича харид/тендерда ғолиб бўлган ёки тўғридан-тўғри шартнома имзолаган ҳамда ушбу шартнома бўйича ишларни якунламаган ёки жорий йил мажбуриятларини бажармаган пудрат ташкилоти календарь йил давомида алоҳида муҳим ва тоифаланган объект бўйича давлат харидида иштирок этган тақдирда, ҳар бир якунланмаган шартнома бўйича унинг рейтингидagi жами баллига нисбатан (уларнинг рейтинг кўрсаткичи туширилмаган ҳолда) 5 фоиз чегирма қўлланилади;

1 — алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларда иш тажрибасига эга бўлган оферентга қўшиб бериладиган балл.

Талабгор ўз таклифини юборганда, унинг ҚҚС билан нарх чегирмаси ҚҚС билан бошланғич нархга нисбатан 5 фоиздан кўп ҳамда бошланғич қурилиш, реконструкция қилиш ҳамда мукамал ва жорий таъмирлаш муддатидан кўп ёки кам бўлган тақдирда, харид комиссияси томонидан ушбу таклиф қабул қилинмайди;

б) лойиха-қидирув йўналишидаги оферент бўйича:

$$\text{ЯБ} = (\text{РБ} \times 0,8 + (\text{ББН} - \text{ОН}) \times 20 / (\text{ББН} - \text{ББН} \times 0,95 / 0,90 / 0,85 / 0,80)) - \text{О} \times (\text{РБ} \times 0,02) + 1.$$

Бунда:

ЯБ — оферентнинг якуний балли;

РБ — электрон рейтинг доирасида ҳисобланган балл;

0,8 — лойиха-қидирув ташкилотларининг электрон рейтинги доирасида олинган баллнинг умумий якуний баллдаги улушини аниқловчи коэффициент;

ББН — алоҳида муҳим ва тоифаланган объект бўйича давлат буюртмасининг ҚҚС билан бошланғич нархи. Бунда агар қонунчиликда белгиланган тартибда бошланғич нарх ҚҚСсиз бўлса, ушбу формулада белгиланган тартибдаги ҚҚСсиз қийматлар ҳисобга олинади;

ОН — оферент томонидан таклиф этилган ҚҚС билан нарх. Бунда агар қонунчиликда белгиланган тартибда таклиф нархи ҚҚСсиз бўлса, ушбу формулада белгиланган тартибдаги ҚҚСсиз қийматлар ҳисобга олинади;

20 — оферент томонидан таклиф этилган ҚҚС билан нарх учун интерполяция йўли билан бериладиган балл. Бунда ҚҚС билан бошланғич нархнинг 5 фоиздан ошиб кетмаган энг кам ҚҚС билан таклиф нархга 20 балл ҳисобланади, ҚҚС билан энг кўп таклиф нархга 0,0 балл ҳисобланади, ушбу ҚҚС билан энг кам ҳамда энг кўп таклиф нархлар орасидаги ҚҚС билан таклиф

нархларга балл 0,0 билан 20 балл оралиғидаги интерполяция йўли билан ҳисобланади;

0,95 / 0,90 / 0,85 / 0,80 — таклиф нархининг (ҚҚС билан) бошланғич нархдан (ҚҚС билан) ушбу Низом 38-банди «б» кичик бандининг ўн тўртинчи — ўн саккизинчи хатбошиларига мувофиқ 5, 10, 15 ва 20 фоиздан кўп камайтирилиши мумкин эмаслиги коэффициенти;

О — оферентнинг жорий календарь йил давомида электрон тендер платформасида ютиб олган объектлари сони;

0,02 — объектлар бўйича тендерда ҳолиб бўлган ёки тўғридан-тўғри шартнома имзолаган ҳамда ушбу шартнома бўйича ишларни якунламаган лойиҳа-қидирув ташкилоти календарь йил давомида платформа орқали яна бошқа объект бўйича тендерда иштирок этган тақдирда, ҳар бир якунланмаган шартнома бўйича унинг рейтингигадаги жами баллига нисбатан (уларнинг рейтинг кўрсаткичи туширилмаган ҳолда) қўлланиладиган 2 фоиз чегирма;

1 — алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларда иш тажрибасига эга бўлган оферентга қўшиб бериладиган балл.

Оферентнинг ҚҚС билан таклиф нархининг ҚҚС билан бошланғич нархдан баланд эмаслигини ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ):

300 бараваригача бўлган танлов предметининг ҚҚС билан бошланғич нархидан 5 фоиздан паст эмаслигини;

1500 бараваригача бўлган танлов предметининг ҚҚС билан бошланғич нархидан 10 фоиздан паст эмаслигини;

3000 бараваригача бўлган танлов предметининг ҚҚС билан бошланғич нархидан 15 фоиздан паст эмаслигини;

3000 бараваридан юқори бўлган танлов предметининг ҚҚС билан бошланғич нархидан 20 фоиздан паст эмаслигини харид комиссияси ўрганиб чиқади.

15-нуқтадан чегара чизиғи тўғри чизик билан жануби-ғарбий йўналишда Китоб давлат ўрмон хўжалигига қарашли ерлар бўйлаб 119 метр масофани кесиб ўтиб, 16-нуқтага туташади (шимолий кенглик 39°8'40.09», шарқий узунлик 66°53'28.23»).

16-нуқтадан чегара чизиғи тўғри чизик билан ғарби-жанубий йўналишда Китоб давлат ўрмон хўжалигига қарашли ерлар бўйлаб 830 метр масофани кесиб ўтиб, 17-нуқтага туташади (шимолий кенглик 39°8'13.23», шарқий узунлик 66°53'25.71»).

17-нуқтадан чегара чизиғи тўғри чизик билан жануби-ғарбий йўналишда «Ostonova Charos Azamat qizi» деҳқон хўжалигига қарашли ерлар бўйлаб

289 метр масофани ўтиб, 18-нуқтага туташади (шимолий кенглик 39°8'10.98», шарқий узунлик 66°53'13.99»).

18-нуқтадан чегара чизиғи тўғри чизиқ билан жануби-ғарбий йўналишда «Usmanov Asror Subonovich» фермер хўжалигига қарашли ерлар бўйлаб 197 метр масофани ўтиб, 19-нуқтага туташади (шимолий кенглик 39°8'11.61», шарқий узунлик 66°53'5.93»).

19-нуқтадан чегара чизиғи тўғри чизиқ билан ғарби-жанубий йўналишда дала йўли бўйлаб 38 метр масофани кесиб ўтиб, 20-нуқтага туташади (шимолий кенглик 39°8'10.35», шарқий узунлик 66°53'6.09»).

20-нуқтадан чегара чизиғи тўғри чизиқ билан жануби-ғарбий йўналишда Гулистон 1-тор қўчаси ва Гулистон 2-тор қўчаси бўйлаб 482 метр масофани кесиб ўтиб, 21-нуқтага туташади (шимолий кенглик 39°8'9.15», шарқий узунлик 66°52'46.11»).

21-нуқтадан чегара чизиғи тўғри чизиқ билан ғарби-шимолий йўналишда қабристонга қарашли ер бўйлаб 150 метр масофани кесиб ўтиб, 22-нуқтага туташади (шимолий кенглик 39°8'13.82», шарқий узунлик 66°52'44.52»).

22-нуқтадан чегара чизиғи тўғри чизиқ билан шимоли-ғарбий йўналишда ички йўллар ҳамда «Avangard gidro ekspres» масъулияти чекланган жамиятига қарашли ерлар бўйлаб 251 метр масофани ўтиб, 23-нуқтага туташади (шимолий кенглик 39°8'15.04», шарқий узунлик 66°52'34.22»).

23-нуқтадан чегара чизиғи тўғри чизиқ билан ғарби-шимолий йўналишда Китоб давлат ўрмон хўжалиги ва «O'g'ovon Bekzodxo'ja» хусусий корхонасига қарашли ерлар бўйлаб 532 метр масофани ўтиб, 1-нуқтага туташади (шимолий кенглик 39°8'32.23», шарқий узунлик 66°52'32.12»).

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 22 сентябрдаги 601-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Косон туманининг Қўнғиртоғ маҳалласидаги
40 гектар ҳудуд чегараларининг
ТАВСИФИ**

Қашқадарё вилоятининг Косон туманида жойлашган Қўнғиртоғ маҳалласи ҳудудида амалга ошириладиган мастер-режа учун шимоли-шарқий бурчагидаги нуқта бошланғич 1-нуқта (WGS-84 координаталар тизимида, шимолий кенглик координаталари 38°55'19.31», шарқий узунлик координаталари 65°47'4.46») деб қабул қилинди.

1-нуқтадан чегара чизиги тўғри чизик билан шимоли-ғарбий йўналишда йўл бўйлаб 169 метр масофани кесиб ўтиб 2-нуқтага туташади (шимолий кенглик 38°55'19.72», шарқий узунлик 65°46'57.48»В).

2-нуқтадан чегара чизиги тўғри чизик билан ғарби-жанубий йўналишда «Shohrux Yorgin» фермер хўжалиги дала майдони бўйлаб 466 метр масофани кесиб ўтиб, 3-нуқтага туташади (шимолий кенглик 38°55'8.81», шарқий узунлик 65°46'44.15»).

3-нуқтадан чегара чизиги тўғри чизик билан жануби-шарқий йўналишда «Shohrux Yorgin» фермер хўжалиги дала йўли бўйлаб 357 метр масофани кесиб ўтиб, 4-нуқтага туташади (шимолий кенглик 38°55'0.02», шарқий узунлик 65°46'53.85»).

4-нуқтадан чегара чизиги тўғри чизик билан жануби-шарқий йўналишда «Shohrux Yorgin» фермер хўжалиги дала йўли бўйлаб 163 метр масофани кесиб ўтиб, 5-нуқтага туташади (шимолий кенглик 38°54'57.36», шарқий узунлик 65°46'59.68»).

5-нуқтадан чегара чизиги тўғри чизик билан шарқи-шимолий йўналишда аҳоли уйлари бўйлаб 73 метр масофани кесиб ўтиб, 6-нуқтага туташади (шимолий кенглик 38°54'59.24», шарқий узунлик 65°47'1.59»).

6-нуқтадан чегара чизиги тўғри чизик билан шимоли-шарқий йўналишда аҳоли уйлари бўйлаб 116 метр масофани кесиб ўтиб, 7-нуқтага туташади (шимолий кенглик 38°54'56.68», шарқий узунлик 65°47'5.17»).

7-нуқтадан чегара чизиги тўғри чизик билан шимоли-шарқий йўналишда аҳоли уйлари бўйлаб 103 метр масофани кесиб ўтиб, 8-нуқтага туташади (шимолий кенглик 38°54'55.19», шарқий узунлик 65°47'8.96»).

8-нуқтадан чегара чизиги тўғри чизик билан шарқи-шимолий йўналишда ички йўл бўйлаб 328 метр масофани кесиб ўтиб, 9-нуқтага туташади (шимолий кенглик 38°55'3.25», шарқий узунлик 65°47'17.88»).

9-нуқтадан чегара чизиги тўғри чизик билан шарқи-шимолий йўналишда йўл бўйлаб 345 метр масофани кесиб ўтиб, 10-нуқтага туташади (шимолий кенглик 38°55'12.43», шарқий узунлик 65°47'9.71»).

10-нуқтадан чегара чизиги тўғри чизик билан шимоли-жанубий йўналишда аҳоли уйлари бўйлаб 36 метр масофани кесиб ўтиб, 11-нуқтага туташади (шимолий кенглик 38°55'12.16», шарқий узунлик 65°47'8.26»).

11-нуқтадан чегара чизиғи тўғри чизик билан шимоли-жанубий йўналишда коллектор бўйлаб 196 метр масофани кесиб ўтиб, 12-нуқтага туташади (шимолий кенглик $38^{\circ}55'7.60$ », шарқий узунлик $65^{\circ}47'2.59$ »).

12-нуқтадан чегара чизиғи тўғри чизик билан жануби-ғарбий йўналишда коллектор бўйлаб 226 метр масофани кесиб ўтиб, 13-нуқтага туташади (шимолий кенглик $38^{\circ}55'12.46$ », шарқий узунлик $65^{\circ}46'55.55$ »).

13-нуқтадан чегара чизиғи тўғри чизик билан ғарби-шимолий йўналишда аҳоли уйлари бўйлаб 259 метр масофани кесиб ўтиб, 14-нуқтага туташади (шимолий кенглик $38^{\circ}55'16.58$ », шарқий узунлик $65^{\circ}47'4.99$ »).

14-нуқтадан чегара чизиғи тўғри чизик билан ғарби-шимолий йўналишда аҳоли уйлари ва дала бўйлаб 85 метр масофани кесиб ўтиб, 1-нуқтага туташади (шимолий кенглик $38^{\circ}55'19.31$ », шарқий узунлик $65^{\circ}47'4.46$ »).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

577 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 14 апрелдаги ПФ–66-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий назорат қилиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ходимларининг идоравий формали кийим-бошлари ва фарқлаш белгилари намуналари ҳамда тавсифи 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи С.Қ. Эшқувватов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 22 сентябрь,
602-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

** 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 22 сентябрдаги 602-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат
қилиш инспекцияси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда — Инспекция) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш, раҳбарларининг функционал вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

Инспекция ўз ваколатлари доирасида қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги (автомобиль йўллари ва йўл сунъий иншоотлари бундан мустасно), шунингдек, кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш (хўжалик юритувчи субъектларнинг молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, молия-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда), иссиқлик таъминотидан фойдаланиш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматини кўрсатиш ҳамда ундан фойдаланиш юзасидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

2. Инспекция бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси) бўйсунди ва ўз фаолияти тўғрисида ҳисобдор бўлади.

3. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Инспекция ўз фаолиятини республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Инспекциянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Инспекция Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ҳамда бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузури-

даги Ғазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

7. Инспекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси;

қисқартирилган номи — Қурилиш ва коммунал хўжалиги назорати инспекцияси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Инспекция по контролю в сфере строительства и жилищно-коммунального хозяйства при Кабинете Министров Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи — Узстройкомхознадзор;

8. Инспекциянинг жойлашган манзили (почта манзили): Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани Абай кўчаси 6-уй.

9. Инспекция ҳудудий назорат қилиш инспекциялари (кейинги ўринларда — ҳудудий инспекциялар) фаолиятини ташкил этади, назорат қилади ва уларга умумий раҳбарлик қилади.

2-боб. Инспекциянинг асосий вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) қурилиш соҳасида:

тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари бўйича қурилиш-монтаж ишларининг амалга оширилишида ва қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектларнинг фойдаланишга қабул қилинишида (автомобиль йўллари ва йўл сунъий иншоотлари бундан мустасно) шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ҳамда ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари қўлланишининг олдини олиш;

буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини, пудрат ташкилотининг ички назорат тизимининг ишлаши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва мониторинг қилиш;

янги қуриладиган бино ва иншоотларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш, мавжуд бинолар ва иншоотларнинг инструментал-техник текширувдан шартнома асосида ўтказилишини таъминлаш ҳамда ҳудудий инспекцияларнинг синов лабораториялари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳудудий инспекциялар томонидан қурилиш-монтаж ишларини бошлаш, қурилиш ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома бе-

риш бўйича ҳамда қурилиш объектларини онлайн кузатиш марказлари орқали келиб тушган маълумотларни таҳлил қилиш;

б) кўп квартирали уй-жой фондиди бошқариш соҳасида:

кўп квартирали уйларни бошқариш, уларга туташ ер участкаларини сақлаш ва улардан фойдаланишда техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда мулкдорлар томонидан жойларнинг ўзбошимчалик билан қайта қурилишига ва қайта режалаштирилишига йўл қўймаслик;

кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулк ва унга туташ ер участкаларини мавсумий фойдаланишга тайёрлаш бўйича бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг манзилли дастурларига мувофиқлиги устидан амалга ошириладиган назорат ишларини мувофиқлаштириш;

кўп квартирали уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш қоидаларига риоя этилишида давлат назоратини мувофиқлаштириш;

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари ва жойлар мулкдорлари томонидан иссиқлик таъминотидан фойдаланишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

кўп квартирали уйларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва зилзилага бардошлилиги мониторингини мувофиқлаштириш;

в) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида:

ичимлик сувини самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш, реализация қилиш, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

ичимлик сувини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ер ости сувлари қудуқларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш шартларига ҳамда казишнинг (бурғилашнинг) белгиланган қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги ва тозалаш иншоотларидаги оқова сувлар таркибида ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган меъёрлар даражасида чиқариб юборилиши ҳамда тозаланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизими объектларининг технологик аудитдан ўтказилиши юзасидан назоратни мувофиқлаштириш;

истеъмолчиларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан қамраб олиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш.

11. Инспекция ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) қурилиш соҳасида:

а) тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари бўйича қурилиш-монтаж ишла-

рининг амалга оширилишида ва қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектларнинг фойдаланишга қабул қилинишида (автомобиль йўллари ва йўл сунъий иншоотлари бундан мустасно) шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича:

тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари бўйича шаҳарсозлик субъектлари (буюртмачи, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари) томонидан қурилиш жараёнини қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилишида ҳудудий инспекциялар томонидан амалга ошириладиган назорат тадбирларини мувофиқлаштиради;

ҳудудий инспекцияларда рўйхатдан ўтган қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишида қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши бўйича таъсирчан назоратни ўрнатади;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан қурилишда қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этишлари юзасидан назорат ўрнатилишида таҳлилий маълумотларни юритади;

б) объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ҳамда ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари қўлланишининг олдини олиш бўйича:

ҳудудий инспекцияларда рўйхатдан ўтган қурилиш объектларида қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялари ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатини текшириш учун шаҳарсозлик фаолияти субъектларидаги лойиҳа, технологик ва ижро ҳужжатлари, шунингдек, бошқа зарур маълумотларни белгиланган тартибда ўрганади;

қурилиш объектларидаги авариялар ҳолатларини текшириш бўйича идоралараро комиссиялар ишида иштирок этади;

в) буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини, пудрат ташкилотининг ички назорат тизимининг ишлаши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва мониторинг қилиш бўйича:

қурилиш объектларида буюртмачининг техник, лойиҳа ташкилотларида муаллифлик ва пудрат ташкилотида ички назорат амалга оширилиши бўйича ҳудудий инспекциялар фаолиятини назорат қилади;

объектларни қуриш ва реконструкция қилишда тегишли мутахассислар бириктирилгани ёки ушбу фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахснинг шартнома асосида жалб қилингани ҳамда уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатга эгаллигини ўрганади;

г) янги қурилаётган бино ва иншоотларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш, мавжуд бинолар ва иншоотларнинг инструментал-техник текширувдан шартнома асосида ўтказилишини таъминлаш ҳамда ҳудудий

инспекцияларнинг синов лабораториялари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича:

сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган барча турдаги бинолар ва иншоотларнинг, шунингдек, кўп квартиралари турар жойларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни ўз ичига олган электрон техник паспортларнинг буюртмачилар томонидан расмийлаштирилишини мувофиқлаштиради;

худудий инспекцияларда рўйхатдан ўтиб қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигини таъминлаш, зарур ҳолларда инструментал-техник текширувдан ўтказиш ҳамда зилзилага бардошлилигини таъминлаш бўйича бажарилган ишларни ўрганади;

худудий инспекцияларнинг синов-лабораторияларининг иш юритиш фаолиятини ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилган ишларни мувофиқлаштиради;

д) худудий инспекциялар томонидан қурилиш-монтаж ишларини бошлаш, қурилиш ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш бўйича ҳамда қурилиш объектларини онлайн кузатиш марказлари орқали келиб тушган маълумотларни таҳлил қилиш бўйича:

қурилиш-монтаж ишларини бошлаш, қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тартибига риоя этилишини ўрганади;

қурилиш объектларини онлайн кузатиш марказларига мобил видеокамералар (бодикамера), махсус планшетлар ва қурилиш объектларидаги видеокамералардан келиб тушган маълумотларнинг тезкор таҳлил қилингани ҳамда натижасига кўра тегишли чоралар кўрилганлигини ўрганади;

2) кўп квартиралари уй-жой фондини бошқариш соҳасида:

а) кўп квартиралари уйларни бошқариш, уларга туташ ер участкаларини сақлаш ва улардан фойдаланишда техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда мулкдорлар томонидан жойларнинг ўзбошимчалик билан қайта қурилишига ва қайта режалаштирилишига йўл қўймаслик бўйича:

мавжуд кўп квартиралари уйлардаги таянч ва (ёки) тўсиқ конструкцияларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни бузган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) реконструкция қилиш, бузиш ҳамда бинонинг зилзилага бардошлилигига салбий таъсир қиладиган ишларни бажаришга йўл қўйилмаслиги устидан амалга оширилган назорат тадбирларини мувофиқлаштиради;

кўп квартиралари уйлар ва уларга туташ ер участкаларидан фойдаланишда техник фойдаланиш қоидалари ва нормалари талабларига амал қилиниши юзасидан таҳлилий маълумотларни юритади;

кўп квартиралари уйларда ва унга туташ ер участкаларида ўзбошимчалик билан иморатлар (иншоотлар) қуришга йўл қўйилмаслиги устидан давлат назоратини амалга оширади;

кўп квартиралари уй-жой фондини бошқариш, жумладан, муҳандислик тармоқлари, кўп квартиралари уйлар ускуналаридан фойдаланиш, авария ҳолат-

ларининг бартараф этилишини тизимли ташкил этиш юзасидан мониторинг юритади;

б) кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулк ва унга туташ ер участкаларини мавсумий фойдаланишга тайёрлаш бўйича бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг манзилли дастурларига мувофиқлиги устидан амалга ошириладиган назорат ишларини мувофиқлаштириш бўйича:

кўп квартирали уйлардаги умумий мулк ва унга туташ ер участкаларида давлат дастурлари асосида амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг бажарилишини мониторинг қилади;

умумий фойдаланиладиган жойлар, фасадлар, уйларнинг ички муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш-тиклаш ишларини тизимли ўтказиш қоидаларига риоя этилишини ўрганади;

в) кўп квартирали уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш қоидаларига риоя этилишидаги давлат назоратини мувофиқлаштириш бўйича:

жойлар мулкдорларига ҳисоботларнинг белгиланган шартлар, тартиб ва муддатларда бериб борилишини мониторинг қилади ва улар юзасидан ўтказиладиган назорат тадбирларини мувофиқлаштиради;

умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш учун хизматлар ҳамда ишлар шакллантирилганлиги ва белгиланган тартибда тасдиқланганлиги юзасидан ўтказилган ўрганиш ишларини мувофиқлаштиради;

кўп квартирали уйларни «Биллинг» тизими орқали бошқариш, мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш, шунингдек, авария-диспетчерлик хизматларини ташкил этиш ва кўрсатиш чоралари таъминлангани юзасидан ўтказиладиган назорат ишларини мувофиқлаштиради;

олти ойда бир марта кўп квартирали уйлардаги таянч ва тўсиқ конструкцияларнинг бутлигини хатловдан ўтказиш чоралари таъминлангани устидан давлат назоратини мувофиқлаштиради;

кўп квартирали уйларни бошқариш ҳуқуқини берувчи малака сертификатининг мавжудлигини ўрганиш бўйича амалга ошириладиган назорат тадбирини мувофиқлаштиради;

г) кўп квартирали уйларни бошқариш органлари ва жойлар мулкдорлари томонидан иссиқлик таъминотидан фойдаланишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича:

уй ичидаги иссиқлик тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олиш, иссиқлик ва иссиқ сув таъминотининг уй ичидаги тизимларига ўзгартиришлар киритиш ҳолатини мониторинг қилади ва ушбу ҳолат юзасидан ўтказиладиган давлат назорати тадбирини мувофиқлаштиради;

уйнинг иситиш асбобларини ўзбошимчалик билан демонтаж қилиш орқали иситиш тизимидан узиб қўйиш ҳолати юзасидан ўтказиладиган давлат назорати тадбирини мувофиқлаштиради;

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари томонидан иситиш тизимидан иссиқлик манбаини чиқариб ташлаш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан амалга ошириладиган давлат назорати ишларини мониторинг қилади ва мувофиқлаштиради;

уй ичидаги иссиқлик энергиясидан унинг бевосита вазифасидан (иситиш, иссиқ сув таъминоти) бошқа мақсадда фойдаланиш ҳолати юзасидан ўтказиладиган назорат тадбирларини мувофиқлаштиради;

уй ичидаги иситиш тизимини гидравлик пресслаши ва кейинчалик уни тармоқдаги сув билан тўлдирган ҳолда ювиш ишлари таъминланганлигини аниқлаш юзасидан ўтказиладиган назорат тадбирларини мувофиқлаштиради;

иситиш тизимидан тармоқ сувининг оқиши ва чиқиб кетишининг олдини олишни таъминлаш мақсадида кўрилган чоралар юзасидан ўтказиладиган назорат ишларини мувофиқлаштиради;

д) кўп квартирали уйларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва зилзилага бардошлилиги мониторингини мувофиқлаштириш бўйича:

кўп квартирали уйларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва зилзилага бардошлилигини аниқлаш бўйича визуал тартибда ўтказиладиган хатлов ишларини мувофиқлаштиради;

кўп квартирали уйларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва зилзилага бардошлилиги ҳолати юзасидан ўтказилган хатлов натижалари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиради;

таҳлил натижаларига асосан эксплуатация муддатини ўтаб бўлган сейсмик заиф ва авария аломатлари аниқланган кўп квартирали уйлар ўрнида босқичма-босқич янги уй-жойлар қуриш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига киритиб боради;

3) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида:

а) ичимлик сувини самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш, реализация қилиш, ичимлик сувидан оқилонга фойдаланиш, шунингдек, оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларига уланишда техник шартлар талабларига риоя этилиши, шунингдек, ичимлик суви ва оқова сув тармоқларига ўзбошимчалик билан уланишнинг олдини олиш чораларини кўради;

истеъмолчилар томонидан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишга оид талабларга амал қилинишини мониторинг қилади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги ва бошқа иншоотлардаги авариялар бартараф этилишини, улар юзага келишининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилади;

ичимлик сувининг технологик жиҳатдан сарфланиши ва йўқотилишининг йўл қўйиладиган нормаларига риоя этилиши устидан давлат назорати амалга оширилишини таъминлайди;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида хизмат кўрсатиш қоидаларига амал қилинишини назорат қилади;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан иншоотларда ичимлик

сувининг технологик ҳисоби юритилиши таъминланганлигини ва ҳисоблаш ускуналари ишлашини назорат қилади;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан ичимлик сувини йўқотишларнинг белгиланган меъёрларига риоя этилиши назорат қилинишини таъминлайди;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, сув таъминоти ташкилотлари томонидан аҳолига етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати, стандартлар ва белгиланган талабларга жавоб бериши устидан назоратни мувофиқлаштиради;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати, сувни тозалаш, зарарсизлантириш ускуналари билан таъминланганлиги ва белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганади;

б) ичимлик сувини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ер ости сувлари қудуқларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш шартларига ҳамда қазишнинг (бурғилашнинг) белгиланган қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича:

ичимлик суви эҳтиёжлари учун ер ости сувларидан фойдаланишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатади;

ичимлик суви эҳтиёжлари учун ер ости сув қудуқларини қазишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

в) оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги ва тозалаш иншоотларидаги оқова сувлар таркибида ифлослантирувчи моддаларни рухсат этилган меъёрлар даражасида чиқариб юборилиши ҳамда тозаланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича:

оқова сувларни тозалаш иншоотларидаги оқова сувлар таркибидаги ифлослантирувчи моддаларни рухсат этилган меъёрлар даражасида тозаланиши устидан давлат назорати амалга оширилишини таъминлайди;

оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига меъёрдан ортиқ ифлослантирилган оқова сувларни оқизганлик ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидан фойдаланиш қоидаларининг бошқача тарзда бузилиши ҳолатларига чора кўрилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

г) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизими объектларининг технологик аудитдан ўтказилиши юзасидан назоратни мувофиқлаштириш бўйича:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизими таркибидаги объектлар ва тармоқларнинг самарадорлигини ошириш (техник жараён ва энергияни тежаш) бўйича технологик аудитдан ўтказилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

д) истеъмолчиларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан қамраб олиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича:

инвестиция дастурлари ва бошқа дастурлар асосида ичимлик суви таъми-

ноти ва оқова сув объектларида амалга оширилган қурилиш, реконструкция ва модернизация ишлари натижасида истеъмолчиларнинг сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари билан қамраб олиниши ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, сув таъминоти ташкилотлари билан истеъмолчилар ўртасида шартномавий муносабатлар йўлга қўйилгани устидан давлат назоратини амалга оширишни таъминлайди.

12. Инспекция қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита ҳамда ҳудудий инспекциялар орқали амалга оширади.

3-боб. Инспекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

14. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) объектларда ўтказиладиган текширишларни ташкил этиш соҳасида: ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, давлат назоратини амалга ошириш юзасидан ваколат доирасига кирувчи масалаларда белгиланган тартибда текширув ўтказиш;

тадбиркор ҳамда ҳудудий инспекциялар ўртасида шартнома (оммавий оферта) тузилган тадбиркорлик субъектларининг қурилиш объектларида қисқа муддатли давлат қурилиш назорати тадбирларини шартнома шартлари доирасида «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида рўйхатдан ўтказмаган ҳолда амалга ошириш;

«хавфни таҳлил этиш» тизими доирасида тадбиркорлик субъектларининг қонунчилик ҳужжатларини бузиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилиш;

давлат назоратини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш;

ҳудудий инспекциялар томонидан ўтказилган назорат тадбирлари бўйича таҳлилий маълумотларни юритиш;

назорат ишларини электрон тизим ҳамда қурилиш объектларини онлайн кузатиш марказлари орқали таҳлил қилиш, умумлаштириш ва мониторинг қилиб бориш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича ҳудудий инспекцияларга тегишли кўрсатмалар бериш;

ўз функционал вазифалари ва функцияларини бажариш учун кўп қаватли уйлардаги хонадонларга мулкдорни олдиндан хабардор қилган ҳолда, унинг розилиги асосида кўп квартирали уйларни бошқариш органи билан бирга кириш;

б) ўтказилган текширишларнинг натижадорлигини таъминлаш соҳасида: қуйидаги ҳолатларда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар киритиш:

бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шу-

нингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив бузилишлар аниқланган ҳолатларда, қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж (буздириш) ишларини амалга оширишни талаб қилиш бўйича;

кўп квартиралли уйларни бошқариш органларига ва мулкдорларига кўп квартиралли уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш ҳамда уйлاردан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларига, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларининг ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ кўп квартиралли уйларга туташ ер участкасини сақлашга доир талабларнинг бузилиш ҳолатларини ўн беш кун муддатда бартараф этиш бўйича;

кўп квартиралли уйларнинг конструктив қисмларининг таянч қобилиятини ҳамда зилзилага бардошлилигини бузадиган, шунингдек, инсон ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ва атроф-муҳитга зарар етказилиши ҳамда таҳдид солувчи ўзбошимчалик билан амалга оширилаётган ўзгартириш ва реконструкция ишлари аниқланган ҳолларда, уларни тўхтатиш ва уларнинг оқибатларини ўттиз кун муддатда ихтиёрий равишда бартараф этиш бўйича;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича;

ер ости сувларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда ер ости сувларини олишни тўхтатиш ёки бу борада ажратилган лимитни белгиланган тартибда қисқартириш бўйича;

Инспекция ўз ваколатлари доирасида:

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва махсус ваколатли давлат органининг ҳудудий бўлинмаларига шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузган ҳолда қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ҳақида;

шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензияларнинг ҳамда рухсат берувчи ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уларни бекор қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда;

бинолар ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари, конструкциялари ҳамда буюмлари қўлланилгани аниқланган ҳолларда, қурилиш материалларини, конструкцияларини ва буюмларини ишлаб чиқаришни, реализация қилиш ҳамда қўллашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли давлат органлари ва ташкилотларга;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларга кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш бўйича ишларни кўриб чиқиш учун суд мажлисида ёки процессуал ҳаракатларда эксперт, мутахассис сифатида иштирок этиши ва хулосалар бериши мумкин;

сув таъминоти ташкилотларининг «Биллинг» тизимидаги истеъмолчиларнинг манзили ва сони, сув ҳисоблагичлари кўрсаткичлари, сарфланган сув миқдори ва қарздорлик, оқова сувларни чиқариш, янги қамраб олинган истеъмолчилар тўғрисида ва бошқа маълумотлардан фойдаланади;

қуйидаги ҳолатларда судларга даъво аризалари киритади:

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотларга нисбатан кўп квартирали уйларни бошқариш, иссиқлик таъминотидан фойдаланиш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича;

ҳудудий инспекциядан рўйхатдан ўтган ва тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига риоя қилмаган ҳолда қурилиш ишларини бажарганлик ҳолати аниқланганда, қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб қўйиш, демонтаж ёки буздириш ишларини амалга ошириш тўғрисида;

ўтказилган текширув натижасида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар талаблари бажарилмаган ҳолатларда жисмоний ёхуд юридик шахс фаолиятини қисман ёки тўлиқ тўхтатиш ёхуд тақиқлаш тўғрисида;

инспекция манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида;

в) фаолият йўналишлари бўйича самарадорликни таъминлаш соҳасида:

норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқади ёки бошқа ваколатли органлар билан ишлаб чиқишда иштирок этади;

Инспекция ва ҳудудий инспекциялар фаолиятида фойдаланиши учун услубий ва методик қўлланмалар, йўриқномалар ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

қурилиш соҳасида ва кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш юзасидан электрон ахборот тизимини ташкил этади;

Инспекция ва ҳудудий инспекцияларда қурилиш объектларини онлайн кузатиш марказлари фаолиятини ташкил этади;

Инспекция ва ҳудудий инспекциялар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини узлуксиз оширишни ташкил этади;

хорижий давлатлар мутахассисларини жалб қилган ҳолда тажриба алмашиш ҳамда Инспекция ва ҳудудий инспекциялар ходимларининг хорижий мамлакатларда малакасини оширишни ташкил этади;

ходимларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказишни ва уларнинг натижаларига кўра тегишли махсус гувоҳномалар беришни ташкил этади;

қурилиш, уй-жой фондини бошқариш ва ичимлик суви таъминоти ҳамда оқова сувларни чиқариб юбориш масалалари бўйича ўқув-семинарларни ташкил қилади ва ўтказиши.

15. Инспекция ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича эътироз билдирилганда ишни кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш тартибинини сақлаб қолган ҳолда, қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

16. Қўп квартиралари турар жойни нотурар жой тоифасига ёки қўп квартиралари нотурар жойни турар жой тоифасига ўтказишга рухсатнома беришда хулоса беради.

17. Инспекция:

унга юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш, шунингдек, қурилиш, қўп квартиралари уй-жой фондиди бошқариш, иссиқлик таъминотидан фойдаланиш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизмати соҳасида давлат назоратини самарали амалга ошириш;

Вазирлар Маҳкамасига Инспекция томонидан киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Инспекция томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати ва пировард натижалари учун жавобгардир.

4-боб. Инспекция раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

18. Қўйидагилар Инспекция бошлигининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

Инспекция фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Инспекцияга юкланган вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Инспекция фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс чора-тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

бошлиқ ўринбосарлари ва таркибий тузилмалар раҳбарларининг ваколатларини белгилаш ва вазифаларини тақсимлаш;

Инспекция фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, Инспекциянинг даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, тегишли республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан Инспекция фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларнинг кўриб чиқилишида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси топшириқларига ва ўз ташаббусига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини, улар Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республика-

си Президенти Администрацияси Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, уларни Вазирлар Маҳкамасининг раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасида ишлаб чиқилишида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилишини таъминлаш, Инспекция фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон ҳамда «Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сон фармонларига ҳамда «Ijro.gov.uz» ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига мувофиқ таркибий бўлинма раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Инспекция раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Инспекция ваколатига кирадиган масалалар бўйича кўрсатмалар чиқариш, буйруқлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, зарур бўлганда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

Инспекция ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Инспекция ходимлари одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намуна-

вий низомга мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсий қабуллар ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари жойларга чиқиб қабул қилишни ташкил этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси судларида, шунингдек, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакат вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Инспекция номидан иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ва коррупцияга қарши курашишга доир бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш, фаолиятда коррупциявий хавф-хатарларни ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишга доир ишларга раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга доир ишларга раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этиш, Инспекция раҳбарлари ва ходимлари уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишини, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқишини таъминлаш;

Инспекция Ҳайъат мажлисларида раислик қилиш;

қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун марказий аппаратнинг мансабдор шахслари ва ҳудудий инспекциялар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чора-тадбирларини белгилаш;

ҳудудий инспекциялар фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини танқидий таҳлилни мунтазам равишда ўтказиш, уларнинг ҳисоботларини Инспекция мажлисларида эшитиш, яқунлари бўйича, зарур ҳолларда, уларни белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

Инспекцияга юкланган вазифаларни бажариш учун шартнома асосида жалб этиладиган малакали хорижий мутахассислар хизматига ҳақ тўлаш шартларини халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда белгилаш ҳамда уларга Инспекциянинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловларни амалга ошириш;

Инспекция ходимларини уларнинг кўп йиллик ва самарали фаолияти, алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун белгиланган тартибда тақлифлар киритишни таъминлаш ва тавсиялар бериш;

Инспекция мулкни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

Инспекция ваколатига кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини белгиланган тартибда имзолаш;

Инспекциянинг ички ташкилий масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш;

Инспекция ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, меҳнат шартномалари (буйруқлари)ни имзолаш;

Инспекция ходимларига вазифаларни юклаш;

Инспекция ходимларининг малакасини ошириш ва уларни хорижий давлатларга стажировка ва тажриба алмашиш учун юборишни ташкил этиш;

Инспекция ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, бошлиқ ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини, шу жумладан, келгусида унинг эгаллаб турган лавозимида қолишининг мақсадга мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чоралар кўриш;

Инспекциянинг ташқи ва ички ташкилий фаолияти устидан доимий ва қатъий назорат ўрнатиш;

Инспекцияга киритилган таклифлар ва тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда келишилишини (виза қўйилиши) таъминлаш;

давлат сири тоифасига киритилган ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш;

бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Инспекция штат бирликлари ҳамда харажатлар сметасини тасдиқлаш, заруратга кўра уларга штат бирликларининг умумий чекланган сонидан чиқмаган ҳолда ўзгартириш киритиш;

Инспекциянинг таркибий бўлинмалари низомлари, лавозим йўриқномаларини ва ҳудудий инспекциялар тўғрисидаги низомларни ҳамда Инспекциянинг бошқа ички ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

ушбу Низомда ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

19. Қуйидагилар Инспекция бошлиғи ўринбосарларининг ўзлари мутасаддилик қиладиган соҳалар бўйича асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

Инспекция бошлиғи муайян сабабларга кўра (хизмат сафари, меҳнат таътили, бетоблиги даврида) йўқлигида унинг вазифаларини бажариш;

Инспекциянинг ўзи назорат қиладиган таркибий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат ва бевосита раҳбарлик қилиш, ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Инспекция фаолиятининг ўзи мутасаддилик қиладиган йўналишларини янада такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тасдиқланган комплекс дастур ва комплекс чора-тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

мутасаддилигидаги таркибий тузилмалар бўлинма раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш ва белгиланган кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

Инспекция бошлиғининг қонунчилик доирасидаги буйруқ ҳамда топшириқлари ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш;

Инспекцияга киритилган таклифлар ва тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

кадрларни белгиланган тартибда танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Инспекция бошлиғига таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш, мутасаддилик бўйича таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилишини таъминлаш, Инспекция фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон ҳамда «Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сон фармонларига ҳамда «Ijgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига мувофиқ таркибий бўлинма раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Инспекция раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Инспекция ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хиз-

матчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Инспекция ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсий қабуллар ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга чиқиб қабул қилишни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ва коррупцияга қарши курашишга доир бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонунига риоя қилиш ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга доир ишларни мувофиқлаштириш;

таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича Инспекция бошлиғига таклифлар киритиш;

Инспекция фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий чоралар кўриш, ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиб, кўриб чиқиш учун Инспекция бошлиғига киритиш;

хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан соҳани ривожлантириш ва тартибга солиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;

давлат сири тоифасига киритилган ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш;

ушбу Низомда ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

5-боб. Инспекция раҳбарларининг жавобгарлиги

20. Инспекция бошлиғи:

Инспекцияга юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун;

Инспекциянинг ушбу Низомда назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича ҳамда мазкур Низомнинг 18-бандида кўрсатилган ўз функционал мажбуриятлари сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

21. Инспекция бошлиғи ўринбосарлари:

мутасаддилик қилинадиган йўналиш ва таркибий бўлинмаларда Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун;

ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

6-боб. Инспекция фаолиятини ташкил этиш

22. Инспекцияга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

23. Инспекция бошлиғининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

24. Инспекция бошлиғи:

Инспекция фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

ўринбосарлар ўртасида аниқ вазифалар ва функцияларни тақсимлайди, ходимлар ўртасида ваколатларни белгилайди ва мажбуриятларни тақсимлайди, ҳудудий инспекциялар мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилайди;

Инспекция марказий аппарати ходимлари, ҳудудий инспекцияларнинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

ҳудудий инспекцияларнинг комплаенс-назорат бўйича мутахассисларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

малакали хорижий мутахассислар ва экспертларни шартномавий-ҳуқуқий асосда Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда жалб қилади;

ҳудудий инспекциялар фаолиятини мувофиқлаштиради, уларга моддий-техник базасини ташкил этиш ва ривожлантиришда кўмаклашади;

Инспекция ва ҳудудий инспекциялар ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради ҳамда уларнинг бажарилиши назоратини ташкил этади;

лаборатория ва биноларни техник кўрикдан ўтказиш хизматлари қийматини аниқлаш методикасини тасдиқлайди;

ҳудудий инспекциялардан рўйхатдан ўтган объектлар сонидан, ҳажмидан ва масофасидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудий инспекциялар тузилмаси ва штат бирликлари нормативларини тасдиқлайди;

ҳудудий инспекцияларнинг харажатлар сметасини келишади;

ҳудудий инспекцияларнинг кўрсатадиган хизматларидан оладиган даромадлари ҳисобидан Инспекциянинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига йўналтириладиган маблағлар миқдорини белгилайди;

зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, Инспекция тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритади, шунингдек, ҳудудий инспекцияларнинг шаҳарсозлик соҳасида кўрсатадиган хизматлари ва бажарадиган ишларидан олинган даромадларини қайта тақсимлайди.

Инспекция бошлиғи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

25. Инспекция бошлиғи бўлмаган вақтда, унинг ваколатлари Инспекция бошлиғининг биринчи ўринбосари томонидан, у бўлмаган вақтда эса Инспекция бошлиғининг тегишли буйруғига асосан бошқа ўринбосар томонидан амалга оширилади.

7-боб. Инспекция ҳайъати

26. Ҳайъат Инспекциянинг коллегиял органи ҳисобланиб, Инспекция бошлиғи (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозим бўйича), шунингдек, Инспекция фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалар раҳбарларидан иборат таркибда ташкил этилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

27. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Инспекция вазифаларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини назорат қилиш;

Инспекция фаолияти билан боғлиқ долзарб масалаларнинг жойларда муҳокама этилишини таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни ўз ваколатлари доирасида бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Инспекция таркибига кирувчи лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва топшириқларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Инспекция раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат, шунингдек, Инспекция ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳақли.

28. Инспекция бошлиғининг қарори билан қуйидагилар:

ҳайъат иш режалари ва белгиланган вазифаларни бажариш муддатлари; таклифлар ташаббуси билан чиқиш, лойиҳаларни бошлаш ва ҳисобот бериш тартиблари;

ҳайъатнинг фаолиятини самарали таъминлаш учун Инспекция масъул таркибий бўлинмаларининг вазифалари тасдиқланиши мумкин.

29. Ҳайъат йиғилишига Инспекция ваколатига тегишли масалалар юзасидан республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва эксперт мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

30. Ҳайъат мажлиси аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади. Ҳайъат қарорлари оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

31. Инспекция бошлиғи ва Ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Инспекция бошлиғи ушбу келишмовчиликлар хусусида Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот бериб, мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикрларини Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига билдиришлари мумкин.

32. Ҳайъат ўз фаолияти учун зарур бўлган ҳужжатлар, ҳисоботлар ва бошқа маълумотларни сўраб олишга ҳақли.

33. Ҳайъат қарорлари Ҳайъат раиси томонидан имзоланади ва Инспекция буйруғи (қарори) билан амалга оширилади.

**8-боб. Инспекция фаолияти самарадорлиги ва
натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари**

34. Инспекция фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланади.

35. Инспекция фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳо Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Инспекция фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

36. Инспекция фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича:

Инспекция раҳбарлари ва ходимларини қўшимча рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Инспекция фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

37. Инспекция фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услуги қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

**9-боб. Инспекция фаолиятини молиялаштириш, ходимлари
меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш**

38. Инспекция фаолиятини молиялаштириш, ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади;

харажатлар сметаси асосида бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

Инспекциянинг бюджетдан ташқари маблағлари;

ҳомийлик маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

39. Инспекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни молиялаштиришда республика бюджетидан қуйидагилар назарда тутилади:

а) ягона тариф сеткаси бўйича тасдиқланган разрядларга мувофиқ лавозим маоши, бунда лавозим маошини ҳисоблашда, тасдиқланган тариф разрядлари тариф коэффициенти 1,8 бараварга оширилган миқдориди қўлланади;

б) 40 фоиз миқдориди меҳнатни рағбатлантириш (рағбатлантирувчи коэффициент) учун оширилган тариф коэффициентни ҳисобга олган ҳолда устама ҳақ;

в) йилди бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдориди моддий ёрдам;

г) йилди икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдориди мукофот пули;

д) 15 фоизлик моддий рағбатлантириш фонди;

е) Инспекция бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи ҳамда бошқа ходимларига кўп йиллик хизмати учун ҳар ойлик қўшимча устама ҳақи:

2 йилдан 5 йилгача — 10 фоиз миқдориди;

5 йилдан 10 йилгача — 20 фоиз миқдориди;

- 10 йилдан 15 йилгача — 30 фоиз миқдорда;
- 15 йилдан 20 йилгача — 40 фоиз миқдорда;
- 20 йилдан 25 йилгача — 50 фоиз миқдорда;
- 25 йил ва ундан ортиқ — 60 фоиз миқдорда.

40. Инспекция ходимларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан меҳнатига ҳақ тўлашда лавозим маошларига устама ҳақлар, мукофот, моддий ёрдам пули ҳамда бошқа барча қўшимча тўловлар қуйидагилардан иборат:

а) қуйидаги миқдорлардаги ҳар ойлик устама ҳақлардан:

Инспекция бошқарув ходимларининг лавозим маошига 40 фоиз миқдорда;

инспекция ходимларига меҳнат фаолиятини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) натижаларига кўра қабул қилинадиган Инспекция бошлиғи буйруғига асосан тайинланадиган 200 фоизгача ҳар ойлик белгиланадиган қўшимча устама тўлови;

лавозим маошига (жамоа шартномасида белгиланган миқдорда) шахсий устама;

б) қуйидагиларни ўз ичига оладиган рағбатлантирувчи, мукофот, компенсация ва бошқа тўловлардан:

меҳнат қонунчилигида белгиланган байрам саналари муносабати билан ходим лавозим маошининг икки бараваригача миқдорда;

ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда йўл транспорти харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари (хизмат автотранспорти бириктирилган ходимлар бундан мустасно) ҳамда ходимларнинг овқатланиши харажатларига кўмаклашиш мақсадида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорда компенсация тўловлари;

зарур ҳолларда базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорда (ходимнинг даволаниши, юбилей ёши муносабати билан, шунингдек, пенсияга чиққанда, тўй, дафн маросими ва бошқалар учун) ходимларга касабача уюшмаси билан келишган ҳолда моддий ёрдам пули;

ходимларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун ҳар йили бир марта базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваригача миқдорда тўлов;

йил якуни бўйича ходимларнинг самарали меҳнатларини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошининг икки баравари миқдоригача мукофотлаш;

в) базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваригача миқдорда қуйидагиларни ўз ичига оладиган моддий ёрдам ва бошқа тўловлардан:

ходим вафот этган ҳолларда, моддий ёрдам (агар ходим вафот этган йилда бевосита унга моддий ёрдам кўрсатилмаган бўлса) унинг турмуш ўртоғига, турмуш ўртоғи йўқлигида — у билан бирга яшовчи вояга етган фарзандларига ёки қонуний вакилларига (васийлар ва ҳомийларга) ёхуд вояга етмаган болаларни (болалиқдан ногиронлиги бўлганлар шахсларни — ёшидан қатъи назар) фарзандликка олганларга, шунингдек, агар ходимлар никоҳда бўлма-

ганда ва фарзандлари бўлмаган ҳолларда, ходимнинг қарамоғидаги шахсларга ёки ота-оналарига тенг улушда тўлаб берилади.

Истисно тариқасида, ходимнинг асослантирилган аризасига асосан Инспекция раҳбарининг розилиги билан меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ажратилган маблағлар доирасида қуйидаги ҳолларда қўшимча тарзда моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин:

яқин қариндошлари вафот этганда — ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нусхасига асосан;

алоҳида эҳтиёж туғилганда (бахтсиз ҳодиса, авария, узоқ муддатли касаллик сабабли махсус даволаниш ёки оиласи оғир моддий аҳволда бўлса).

41. Давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича лавозим маошига устама ҳақлар, байрам пули, чораклик мукофот пули ҳамда бошқа қўшимча тўловлар оширилган тариф ва рағбатлантирувчи коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда тўланади.

42. Инспекция ходимларига қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари қўлланади.

10-боб. Яқунловчи қоидалар

43. Инспекция қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

44. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 22 сентябрдаги 602-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат
қилиш инспекциясининг ҳудудий назорат қилиш
инспекциялари тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий назорат қилиш инспекциялари (кейинги ўринларда — Ҳудудий инспекция) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш, раҳбарларининг функционал вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

Ҳудудий инспекция ўз ваколатлари доирасида қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги (автомобиль йўллари ва йўл сунъий иншоотлари бундан мустасно), шунингдек, кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш (хўжалик юритувчи субъектларнинг молиялаштириш манбаларидан қатъи назар молия-хўжалик фаолиятига арашмаган ҳолда), иссиқлик таъминотидан фойдаланиш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматини кўрсатиш ҳамда фойдаланиш юзасидан давлат назорати ва текширувини амалга оширади.

2. Ҳудудий инспекция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) таркибига киради ва бўйсунди ҳамда ўз фаолияти юзасидан ҳисобдор бўлади.

3. Ҳудудий инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек, Инспекциянинг буйруқлари, қарорларига ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Ҳудудий инспекция ўз фаолиятини республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Ҳудудий инспекция хўжалик ҳисобидаги ташкилот ҳисобланади.

6. Ҳудудий инспекция Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, банкларда ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги шахсий ҳисобварақларига эга бўлади.

7. Худудий инспекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг худудий назорат қилиш инспекцияси;

қисқартирилган номи — Худудий қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги назорати инспекцияси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Территориальная инспекция Инспекции по контролю в сфере строительства и жилищно-коммунального хозяйства при Кабинете Министров Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи — Территориальная инспекция по контролю в сфере строительства и жилищно-коммунального хозяйства.

2-боб. Худудий инспекциянинг вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Худудий инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) қурилиш соҳасида:

Худудий инспекцияда рўйхатдан ўтган, тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари бўйича қурилиш-монтаж ишларининг амалга оширилишида ва қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектларнинг фойдаланишга қабул қилинишида (автомобиль йўллари ва йўл сунъий иншоотлари бундан мустасно) шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини танлаб амалга ошириш;

объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ҳамда ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари қўлланишининг олдини олиш;

буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини, пудрат ташкилотининг ички назорат тизимининг ишлаши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

янги қуриладиган бино ва иншоотларни сейсмик жиҳатдан техник баҳолаш, мавжуд бинолар ва иншоотларнинг инструментал-техник текширувдан шартнома асосида ўтказилишини таъминлаш ҳамда синов лабораториялари фаолиятини амалга ошириш;

қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рўйхатдан ўтказиш ҳамда қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга рухсат бериш;

б) кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш соҳасида:

кўп квартирали уйларни бошқариш, уларга туташ ер участкаларини сақлаш ва улардан фойдаланишда техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда мулкдорлар томонидан жойларнинг ўзбошимчалик билан қайта қурилишига ва қайта режалаштирилишига йўл қўймаслик;

кўп квартирали уй-жой фондидаги умумий мулк ва унга туташ ер участ-

каларини мавсумий фойдаланишга тайёрлаш бўйича бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг манзилли дастурларга мувофиқлиги устидан давлат назоратини амалга ошириш;

кўп квартирали уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш қоидаларига риоя этилишидаги давлат назоратини таъминлаш;

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари ва жойлар мулкдорлари томонидан иссиқлик таъминотидан фойдаланишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

кўп квартирали уйларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва зилзилага бардошлилигини мониторинг қилиш;

в) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида:

ичимлик сувини самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш, реализация қилиш, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

ичимлик суви ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ер ости сувлари қудукларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш шартларига ҳамда қазининг (бурғилашнинг) белгиланган қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги ва тозалаш иншоотларидаги оқова сувлар таркибида ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган меъёрлар даражасида чиқариб юборилиши ҳамда тозаланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизими объектларининг технологик аудитдан ўтказилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

истеъмолчиларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан қамраб олиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш.

9. Худудий инспекция ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) қурилиш соҳасида:

а) Худудий инспекцияда рўйхатдан ўтган, тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари бўйича қурилиш-монтаж ишларининг амалга оширилишида ва қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектларнинг фойдаланишга қабул қилинишида (автомобиль йўллари ва йўл сунъий иншоотлари бундан мустасно) шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини танлаб амалга ошириш бўйича:

Худудий инспекцияда рўйхатдан ўтган қурилиш объектларида тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари бўйича шаҳарсозлик субъектлари (буюртма-

чи, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари) томонидан қурилиш жараёнини қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилади;

ҳудудий инспекцияда рўйхатдан ўтган қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишида қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши бўйича таъсирчан давлат назоратини амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан қурилишда қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилади;

қонунчиликда белгиланган тартибда лойиҳа ҳужжатларига ўзгартириш киритмасдан ёки қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини бузган ҳолда бино ва иншоотлар қурилиши устидан назорат ўрнатади;

б) объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ҳамда ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари қўлланишининг олдини олиш бўйича:

ҳудудий инспекцияда рўйхатдан ўтган қурилиш объектларида қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялари ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатини текшириш учун шаҳарсозлик фаолияти субъектларидаги лойиҳа, технологик ва ижро ҳужжатлари, шунингдек, бошқа зарур маълумотларни белгиланган тартибда ўрганади;

объектларда уларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлари қўлланишининг олдини олишда давлат назоратини амалга оширади;

қурилиш объектларида қўлланаётган қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялари ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатини текшириш учун шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан белгиланган тартибда лойиҳа, технологик ва ижро ҳужжатлари, шунингдек, бошқа зарур маълумотларни сўрайди ва ўрганади;

қурилиш объектларидаги авариялар ҳолатларини текшириш бўйича идоралараро комиссиялар ишида иштирок этади;

в) буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини, пудрат ташкилотининг ички назорат тизимининг ишлаши устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича:

қурилиш объектларида буюртмачининг техник, лойиҳа ташкилотларида муаллифлик ва пудрат ташкилотиди ички назорат амалга оширилишини назорат қилади;

объектларни қуриш ва реконструкция қилишда тегишли мутахассислар бириктирилганлиги ёки ушбу фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахснинг шартнома асосида жалб қилинганлиги ҳамда уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатга эгаллигини ўрганади;

қурилиш объектида буюртмачи, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари томонидан ижро ҳужжатлари «Қурилишда давлат назорати» электрон тизимида юритилишининг ҳамда қурилиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган лицензияли фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг мавжудлигини назорат қилади;

лойиҳа ташкилоти томонидан буюртмачига қурилиш-монтаж ишлари давомида лойиҳага мувофиқ бериладиган мажбурий кўрсатмаларининг бажарилишини ўрганади, аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан чоралар кўради;

г) янги қурилаётган бино ва иншоотларни сейсмик жиҳатдан техник баҳолаш, мавжуд бинолар ва иншоотларнинг инструментал-техник текширувдан шартнома асосида ўтказилишини таъминлаш ҳамда синов лабораториялари фаолиятини амалга ошириш бўйича:

сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган барча турдаги бинолар ва иншоотларнинг, шунингдек, кўп квартирали уйларнинг сейсмик жиҳатдан техник баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни ўз ичига олган электрон техник паспортларнинг буюртмачилар томонидан расмийлаштирилишини текширади;

худудий инспекцияда рўйхатдан ўтиб қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигини таъминлаш, зарур ҳолларда инструментал-техник текширувдан ўтказиш ҳамда зилзилага бардошлилигини таъминлаш бўйича бажарилган ишлар устидан давлат назоратини амалга оширади;

қурилиш объектларида синов-лаборатория ишларини ҳамда мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини шартнома асосида ўрганади ва тегишли хулоса беради;

д) қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рўйхатдан ўтказиш ҳамда қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга рухсат бериш бўйича:

қурилиш-монтаж ишларини бошлаш, қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома беради;

қурилиш объектларини онлайн кузатиш марказларига мобил видеокамералар (бодикамера), махсус планшетлар ва қурилиш объектларидаги видеокамералардан келиб тушган маълумотларни тезкор таҳлил қилади ҳамда натижасига кўра тегишли чоралар кўради;

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган дастурларга киритилган лойиҳалар ва намунавий лойиҳалар бўйича қуриладиган, шунингдек, ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари асосида молиялаштириладиган, хавф-хатар тоифасидан қатъи назар, барча бино ва иншоотларда қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишини (жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш бундан мустасно) тўғридан-тўғри рўйхатдан ўтказиш;

2) кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш соҳасида:

а) кўп квартирали уйларни бошқариш, уларга туташ ер участкаларини сақлаш ва улардан фойдаланишда техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда мулкдорлар томонидан жой-

ларнинг ўзбошимчалик билан қайта қурилишига ва қайта режалаштирилишига йўл қўймаслик бўйича:

мавжуд кўп квартирали уйлардаги таянч ва (ёки) тўсиқ конструкцияларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни бузган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) реконструкция қилиш, бузиш ҳамда бинонинг зилзилага бардошлилигига салбий таъсир қиладиган ишларни бажаришга йўл қўймаслик устидан давлат назоратини амалга оширади;

кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларидан фойдаланишда техник фойдаланиш қоидалари ва нормалари, санитария нормалари ва қоидалари, кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларини сақлаш бўйича талабларига риоя қилинишини назорат қилади;

кўп квартирали уйларда ва унга туташ ер участкаларида ўзбошимчалик билан иморатлар (иншоотлар) қуришга йўл қўйилмаслигини таъминлайди;

кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш, жумладан муҳандислик тармоқлари, кўп квартирали уйлар усқуналаридан фойдаланиш, авария ҳолатлари бартараф этилишини тизимли назорат қилади;

б) кўп квартирали уй-жой фондидаги умумий мулк ва унга туташ ер участкаларини мавсумий фойдаланишга тайёрлаш бўйича бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг манзилли дастурларга мувофиқлиги устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича:

кўп квартирали уйлардаги умумий мулк ва унга туташ ер участкаларида давлат дастурлари асосида амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг бажарилишини мониторинг қилади;

умумий фойдаланиладиган жойлар, фасадлар, уйларнинг ички муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш-тиклаш ишларини тизимли ўтказиш қоидаларига риоя этилишини ўрганади;

кўп квартирали уй-жой фонди, кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларининг умумий мулки ва унга туташ ҳудудлардан мавсумий фойдаланишга тайёрлаш тадбирларининг ўтказилишини назорат қилади;

в) кўп квартирали уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш қоидаларига риоя этилишидаги давлат назоратини таъминлаш бўйича:

жойлар мулкдорларига ҳисоботларнинг белгиланган шартлар, тартиб ва муддатларда бериб борилиши юзасидан назорат тадбирларини ўтказиш;

умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш учун хизматлар ҳамда ишлар шакллантирилгани ва белгиланган тартибда тасдиқланганлигини назорат қилади;

кўп квартирали уйларни «Биллинг» тизими орқали бошқариш, мукамал ва жорий таъмирлаш ишларининг амалга ошириш, шунингдек, авария-диспетчерлик хизматларини ташкил этиш ва кўрсатиш чоралари таъминланганлигини назорат қилади;

олти ойда бир марта кўп квартирали уйлардаги таянч ва тўсиқ конструкцияларнинг бутлигини хатловдан ўтказилганлигини назорат қилади;

кўп квартирали уйларни бошқариш ҳуқуқини берувчи малака сертификатининг мавжудлигини назорат қилади;

г) кўп квартирали уйларни бошқариш органлари ва жойлар мулкдор-

лари томонидан иссиқлик таъминотидан фойдаланишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича:

уй ичидаги иссиқлик тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олиш иссиқлик ва иссиқ сув таъминотининг уй ичидаги тизимларига ўзгартиришлар киритиш ҳолати юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

уйнинг иситиш асбобларини ўзбошимчалик билан демонтаж қилиш орқали иситиш тизимидан узиб қўйиш ҳолати юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари томонидан иситиш тизимидан иссиқлик манбаини чиқариб ташлаш ҳолатлари юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

уй ичидаги иссиқлик энергиясидан унинг бевосита вазифасидан (иситиш, иссиқ сув таъминоти) бошқа мақсадда фойдаланиш ҳолати юзасидан назорат тадбирларини амалга оширади;

уй ичидаги иситиш тизимини гидравлик пресслаш ва кейинчалик уни тармоқдаги сув билан тўлдирган ҳолда ювиш ишлари таъминланганлигини аниқлаш юзасидан назорат тадбирларини амалга оширади;

иситиш тизимидан тармоқ сувининг оқиши ва чиқиб кетишининг олдини олиш чоралари кўрилганлигини назорат қилади;

д) кўп квартирали уйларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва зилзилага бардошлилигини мониторинг қилиш бўйича:

кўп квартирали уйларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва зилзилага бардошлилигини аниқлаш бўйича визуал тартибда ўтказиладиган хатлов ишларини мониторинг қилади;

кўп квартирали уйларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва зилзилага бардошлилиги ҳолати юзасидан ўтказилган хатлов натижалари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиради;

таҳлил натижаларига асосан эксплуатация муддатини ўтаб бўлган сейсмик заиф ва авария аломатлари аниқланган кўп квартирали уйлар ўрнида босқичма-босқич янги уй-жойлар қуриш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига киритиб боради;

3) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида:

а) ичимлик сувини самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш, реализация қилиш, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларига уланишда техник шартлар талабларига риоя этилиши, шунингдек, ичимлик суви ва оқова сув тармоқларига ўзбошимчалик билан уланишнинг олдини олиш чораларини кўради;

истеъмолчилар томонидан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни

чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишга оид талабларга амал қилинишини мониторинг қилади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги ва бошқа иншоотлардаги авариялар бартараф этилишини, улар юзага келишининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар амалга оширилишини назорат қилади;

ичимлик сувининг технологик жихатдан сарфланиши ва йўқотилишининг йўл қўйиладиган нормаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида хизмат кўрсатиш қоидаларига амал қилинишини назорат қилади;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан иншоотларда ичимлик сувининг технологик ҳисоби юритилиши таъминланганлиги ва ҳисоблаш ускуналари ишлаши ва мавжудлигини назорат қилади;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан ичимлик сувини йўқотишларнинг белгиланган меъёрларига риоя этилишини назорат қилади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, сув таъминоти ташкилотлари томонидан аҳолига етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати, стандартлар ва белгиланган талабларга жавоб беришини назорат қилади;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати, сувни тозалаш, зарарсизлантириш ускуналари билан таъминланганлиги ва белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганади;

б) ичимлик суви ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ер ости сувлари қудуқларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш шартларига ҳамда қазишнинг (бурғилашнинг) белгиланган қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича:

ичимлик суви эҳтиёжлари учун ер ости сувларидан фойдаланишда техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатади;

в) оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги ва тозалаш иншоотларидаги оқова сувлар таркибида ифлослантирувчи моддаларни рухсат этилган меъёрлар даражасида чиқариб юборилиши ҳамда тозаланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича:

оқова сув тозалаш иншоотларидаги оқова сувлар таркибидаги ифлослантирувчи моддаларни рухсат этилган меъёрлар даражасида тозаланиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига меъёрдан ортиқ ифлослантирилган оқова сувларни оқизганлик ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидан фойдаланиш қоидаларининг бошқача тарзда бузилиши ҳолатлари юзасидан чоралар кўради;

г) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизими объектларининг технологик аудитдан ўтказилиши юзасидан назоратни амалга ошириш бўйича:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизими таркибидаги объектлар ва тармоқларнинг самарадорлигини ошириш (техник жараён ва энергияни тежаш) бўйича технологик аудитдан ўтказиш;

д) истеъмолчиларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан қамраб олиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича:

ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ва бошқа дастурлар асосида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув объекларида амалга оширилган қурилиш, реконструкция ва модернизация ишлари натижасида истеъмолчиларнинг сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари билан қамраб олиниши ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, сув таъминоти ташкилотлари билан истеъмолчилар ўртасида шартномавий муносабатлар йўлга қўйилганлиги устидан давлат назоратини амалга оширади.

10. Худудий инспекция қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Худудий инспекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

11. Худудий инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) объектларда ўтказиладиган текширишларни ташкил этиш соҳасида:

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, давлат назоратини амалга ошириш юзасидан ваколат доирасига кирувчи масалаларда белгиланган тартибда текширув ўтказиш;

тадбиркор ҳамда худудий инспекциялар ўртасида шартнома (оммавий оферта) тузилган тадбиркорлик субъектларининг қурилиш объекларида қисқа муддатли давлат қурилиш назорати тадбирларини шартнома шартлари доирасида «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида рўйхатдан ўтказмаган ҳолда амалга ошириш;

«хавфни таҳлил этиш» тизими доирасида тадбиркорлик субъектларининг қонунчилик ҳужжатларини бузиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилиш;

давлат назоратини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш;

ўтказилган назорат тадбирлари бўйича таҳлилий маълумотларни юритиш;

назорат ишларини электрон тизим ҳамда қурилиш объектларини онлайн кузатиш марказлари орқали таҳлил қилиш, умумлаштириш ва мониторинг қилиб бориш;

ўз функционал вазифалари ва функцияларини бажариш учун кўп квартирали уйлардаги хонадонларга мулкдорни олдиндан хабардор қилган ҳолда,

унинг розилиги асосида кўп квартиралли уйларни бошқариш органи билан бирга кириш;

пудрат ташкилотларига конструкцияларнинг алоҳида деталларини очиш, пойдевордаги ва қайта тўлдириладиган тупроқни текшириш ишларини топшириш, зарурат бўлганда тегишли хулоса тайёрлаш учун илмий-тадқиқот ташкилотларидан эксперт-мутахассисларни жалб қилиш;

авария ҳолатидаги бинолар, иншоотлар, уларнинг қисмлари, конструктив элементлари ва аварияга олиб келган сабабларни текшириш, уларни нотураар жой тоифасига ўтказиш бўйича техник комиссиялар ишида иштирок этиш;

қурилиш объектларида синов лаборатория ишларини ҳамда мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини шартнома асосида ўрганиш ва тегишли хулоса бериш;

зарурат бўлганда ичимлик суви ва оқова сувларни, ускуна ҳамда материалларни тегишли ташкилотлар томонидан назорат синовидан ва таҳлилдан ўтказишни тайинлаш;

б) ўтказилган текширишларнинг натижадорлигини таъминлаш соҳасида: қуйидаги ҳолатларда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар киритиш:

бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив бузилишлар аниқланган ҳолатларда, қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж (буздириш) ишларини амалга оширишни талаб қилиш бўйича;

юридик ва жисмоний шахсларга объектдаги ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш учун мос равишда, бироқ олтмиш кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгиллаган ҳолда, аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича;

бажарилган ишлар лойиҳа ечимлари, техник регламентлар, шахарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги аниқланган ҳолларда, шунингдек, қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини лабораторияда синовдан ўтказишнинг салбий натижаларига ҳамда талаблари бузилган ҳужжатга асосланган ҳолда қурилиши ниҳоясига етказилган босқичда бажарилган ишларнинг номувофиқлиги бўйича;

кўп квартиралли уйларни бошқариш органларига ва мулкдорларига кўп квартиралли уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш ҳамда уйлاردан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларига, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларининг ҳамда шахарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ, кўп квартиралли уйларга туташ ер участкасини сақлашга доир талабларнинг бузилиш ҳолатларини ўн беш кун муддатда бартараф этиш бўйича;

кўп квартиралли уйларнинг конструктив қисмларининг таянч қобилиятини ҳамда зилзилага бардошлилигини бузадиган, шунингдек, инсон ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ва атроф-муҳитга зарар етказилиши ҳамда таҳдид солувчи ўзбошимчалик билан амалга оширилаётган ўзгартириш ва

реконструкция қилиш ишлари аниқланган ҳолларда, уларни тўхтатиш ва уларнинг оқибатларини ўттиз кун муддатда ихтиёрий равишда бартараф этиш бўйича;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича;

ер ости сувларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда ер ости сувларини олишни тўхтатиш ёки бу борада ажратилган лимитни белгиланган тартибда қисқартириш бўйича;

Худудий инспекция ўз ваколатлари доирасида:

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва махсус ваколатли давлат органининг худудий бўлинмаларига шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузган ҳолда қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ҳақида;

шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензияларнинг ҳамда рухсат берувчи ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уларни бекор қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда;

бинолар ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари, конструкциялари ҳамда буюмлари қўллангани аниқланган ҳолларда, қурилиш материалларини, конструкцияларини ва буюмларини ишлаб чиқаришни, реализация қилиш ҳамда қўллашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли давлат органлари ва ташкилотларга;

қурилиш объектларининг барча босқичларида пудрат ташкилотининг ички, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик ва техник назоратни амалга оширувчи мутахассисларнинг махсус сертификатлари мавжудлигини текшириш, назорат давомида сертификат мавжуд бўлмаганда буюртмачи, пудрат ва лойиҳа ташкилотларига масъул шахсларни қурилиш объектларидан четлаштириш ва тегишли сертификатни бекор қилиш юзасидан;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларга кўп квартирали уй-жой фондиди бошқариш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш бўйича ишларни кўриб чиқиш учун суд мажлисида ёки процессуал ҳаракатларда эксперт, мутахассис сифатида иштирок этиши ва ҳулосалар бериши мумкин;

сув таъминоти ташкилотларининг «Биллинг» тизимидаги истеъмолчиларнинг манзили ва сони, сув ҳисоблагичлари кўрсаткичлари, сарфланган сув миқдори ва қарздорлик, оқова сувларни чиқариш, янги қамраб олинган истеъмолчилар тўғрисида ва бошқа маълумотлардан фойдаланади;

қуйидаги ҳолатларда судларга аризалар киритади:

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотларга нисбатан кўп квартирали уйларни бошқариш, иссиқлик таъминотидан фойдала-

ниш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича;

Худудий инспекцияда рўйхатдан ўтган ва тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига риоя қилмаган ҳолда қурилиш ишларини бажарганлик ҳолати аниқланганда, қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб қўйиш, демонтаж ишларини амалга ошириш ёки буздириш ишларини амалга ошириш тўғрисида;

ўтказилган текширув натижасида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар талаблари бажарилмаган ҳолатларда жисмоний ёхуд юридик шахс фаолиятини қисман ёки тўлиқ тўхтатиш ёхуд тақиқлаш тўғрисида;

Худудий инспекция манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида;

в) фаолият йўналишлари бўйича самарадорликни таъминлаш соҳасида:

назорат натижаларини таҳлил қилади, халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда, норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича Инспекцияга таклифлар тақдим этади;

Худудий инспекция фаолиятида фойдаланиши учун услубий ва методик қўлланмалар, йўриқномалар ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

қурилиш соҳасида ва кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш юзасидан электрон ахборот тизимини ташкил этади;

Худудий инспекцияда қурилиш объектларини онлайн кузатиш марказлари фаолиятини ташкил этади;

Худудий инспекция ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини узлуксиз оширишни ташкил этади, шунингдек, бу масалалар бўйича Инспекцияга аниқ таклифлар киритади;

хорижий давлатлар мутахассисларини жалб қилган ҳолда тажриба алмашиш ҳамда ходимларнинг хорижий мамлакатларда малакасини оширишни ташкил этади;

ходимларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказишни ва уларнинг натижаларига кўра тегишли махсус гувоҳномалар беришни ташкил этади;

қурилиш, уй-жой фондини бошқариш ва ичимлик суви таъминоти ҳамда оқова сувларни чиқариб юбориш масалалари бўйича ўқув-семинарларни ташкил қилади ва ўтказиши;

Худудий инспекцияни замонавий синов-лаборатория ўлчов асбоблари билан таъминлайди;

шартнома асосида қурилиш объектидаги қурилиш маҳсулотлари, материаллари, буюмлари, конструкцияларидан танлаб намуналар олади, синовдан ўтказиши ва баённомалар расмийлаштиради;

мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини шартнома асосида ўрганади ва тегишли хулоса беради;

қурилиш ишларида мустаҳкамлик, сейсмик қоидаларнинг бузилиши натижасида аҳоли соғлиғи ва ҳаётига зарар етказилиши ёки оғир оқибатларга олиб келишининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-

ларга чоралар кўриш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабар беради;

электрон рейтингларни жорий этиш учун белгиланган муддатларда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида маълумотларни тақдим этади.

12. Худудий инспекция ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича эътироз билдирилган ҳолларда ишни кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш тартибини сақлаб қолган ҳолда, ўз ваколати доирасида қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

13. Кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватини нотурар жой тоифасига ёки нотурар жойни кўп квартирали турар жой тоифасига ўтказишга рухсатнома беришда хулоса беради.

14. Худудий инспекция:

унга юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш, шунингдек, қурилиш, кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш, иссиқлик таъминотидан фойдаланиш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизмати соҳасида давлат назоратини самарали амалга ошириш;

қурилиш объектларида ишлатилаётган қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

қурилиш соҳасида қонунчиликнинг ижро этилиши, аниқланган қонунбузарлик ҳолатларининг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш ҳамда ўз ваколати доирасида тегишли чоралар кўриш;

ҳар ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар, маълумотлар ва статистика маълумотларининг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш (хўжалик юритувчи субъектларнинг молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, молия-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда), иссиқлик таъминотидан фойдаланиш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматини кўрсатиш ҳамда фойдаланиш юзасидан давлат назорати ва текширувини амалга ошириш (автомобиль йўллари ва йўл сунъий иншоотлари бундан мустасно);

соҳада аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш ҳамда умумлаштириш асосида ҳудудларда тегишли соҳани ривожлантиришга доир таклифлар тайёрлаш учун жавобгардир.

4-боб. Худудий инспекция раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

12. Қуйидагилар Худудий инспекция бошлиғининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

Худудий инспекция фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкама-

сининг қарорлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳамда Инспекциянинг ҳужжатлари билан Худудий инспекцияга юкланган вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

бошлиқ ўринбосарлари ва таркибий тузилмалар раҳбарларининг ваколатларини белгилаш ва вазифаларни тақсимлаш;

Худудий инспекция фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, Худудий инспекциянинг даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилишини таъминлаш, Инспекция фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон ҳамда «Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сон фармонларига ҳамда «Ijgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига мувофиқ таркибий бўлинма раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Худудий инспекция раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Худудий инспекция ваколатига кирадиган масалалар бўйича кўрсатмалар чиқариш, буйруқлар қабул қилиш;

Худудий инспекция ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Инспекция ходимлари одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсий қабуллар ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари жойларга чиқиб қабул қилишни ташкил этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси судларида, шунингдек, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакат вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Худудий инспекция номидан иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ва коррупцияга қарши курашишга доир бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш, фаолиятда коррупциявий хавф-хатарларни ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишга доир ишларга раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга доир ишларга раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этиш, Инспекция раҳбарлари ва ходимлари уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишини, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқишини таъминлаш;

Худудий инспекция ходимларини уларнинг кўп йиллик ва самарали фаолияти, алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун белгиланган тартибда таклифлар киритишни таъминлаш ва тавсиялар бериш;

Худудий инспекция мулкани қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

Худудий инспекциянинг ички ташкилий масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш;

Худудий инспекция ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, меҳнат шартномалари (бўйруқлари)ни имзолаш;

Худудий инспекция ходимларига вазифаларни юклаш;

Худудий инспекция ходимларининг малакасини ошириш ва уларни хорижий давлатларга стажировка ва тажриба алмашиш учун юборишни ташкил этиш;

Худудий инспекция ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, бошлиқ ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини, шу жумладан, келгусида унинг эгаллаб турган лавозимида қолишининг мақсадга мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқиш тўғрисида Инспекцияга таклифлар киритиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чоралар кўриш;

Худудий инспекциянинг ташқи ва ички ташкилий фаолияти устидан доимий ва қатъий назорат ўрнатиш;

давлат сири тоифасига киритилган ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш;

Ҳудудий инспекция харажатлари сметасини Инспекция билан келишган ҳолда тасдиқлаш;

ушбу Низомда ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

13. Қўйидагилар Ҳудудий инспекция бошлиғи ўринбосарларининг ўзлари мутасаддилик қиладиган соҳалар бўйича асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

Ҳудудий инспекция бошлиғи муайян сабабларга кўра (хизмат сафари, меҳнат таътили, бетоблиги даврида) йўқлигида унинг вазифаларини бажариш;

Ҳудудий инспекциянинг ўзи назорат қиладиган таркибий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат ва бевосита раҳбарлик қилиш, ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Ҳудудий инспекция фаолиятининг ўзи мутасаддилик қиладиган йўналишларини янада такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тасдиқланган комплекс дастур ва комплекс чора-тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

мутасаддилигидаги таркибий тузилмалар бўлинма раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш ва белгиланган кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

Ҳудудий инспекция бошлиғининг қонунчилик доирасидаги буйруқ ҳамда топшириқлари ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш;

Ҳудудий инспекцияга киритилган таклифлар ва тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

кадрларни белгиланган тартибда танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Ҳудудий инспекция бошлиғига таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионалиги, ўз ишини билиши, юсак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, мутасаддилик бўйича таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

Ҳудудий инспекция ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Инспекция ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намуна-

вий низомга мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсий қабуллар ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари жойларга чиқиб қабул қилишни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ва коррупцияга қарши курашишга доир бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонунига риоя қилиш ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш юзасидан чоралар кўриб бориш;

Худудий инспекция фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий чоралар кўриш, ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиб, кўриб чиқиш учун Худудий инспекция бошлиғига киритиш;

давлат сири тоифасига киритилган ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларда ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Худудий инспекция бошлиғига таклифлар киритиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича Худудий инспекция бошлиғига таклифлар киритиш;

ушбу Низомда ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

5-боб. Худудий инспекция раҳбарларининг жавобгарлиги

14. Худудий инспекция бошлиғи:

Худудий инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун;

Худудий инспекциянинг ушбу Низомда назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича ҳамда мазкур Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ўз функционал мажбуриятлари сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

15. Худудий инспекция бошлиғи ўринбосарлари:

мутасаддилик қилинадиган йўналиш ва таркибий бўлинмаларда Худудий инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун;

ушбу Низомнинг 13-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

6-боб. Худудий инспекция фаолиятини ташкил этиш

16. Худудий инспекцияларнинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари Инспекция бошлиғи томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

17. Худудий инспекция бошлиғи:

Худудий инспекция ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Ўринбосарлар ўртасида аниқ вазифалар ва функцияларни тақсимлайди, ходимлар ўртасида ваколатларни белгилайди ва мажбуриятларни тақсимлайди, таркибий бўлинмалар мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилайди;

Худудий инспекция бўлим бошлиқларини Инспекция билан келишган ҳолда лавозимга тайинлайди;

Худудий инспекция ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

Худудий инспекция ходимлари фаолиятини рағбатлантириш учун тегишли буйруқлар чиқаради;

Худудий инспекция фаолиятини, шу жумладан, моддий-техник базасини ташкил этиш ва ривожлантиришни ташкил этади;

Худудий инспекцияни малакали, амалий тажрибага эга кадрлар билан тўлдириш, шунингдек, уларни саралаб олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг узлуксиз малакасини ошириш соҳасида кадрлар сиёсатини юритади.

Худудий инспекция бошлиғи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

18. Худудий инспекция бошлиғи бўлмаган вақтда, унинг ваколатлари Худудий инспекция бошлиғининг биринчи ўринбосари томонидан, у бўлмаган вақтда эса Худудий инспекция бошлиғининг тегишли буйруғига асосан бошқа ўринбосар томонидан амалга оширилади.

19. Худудий инспекциялар тузилмаси ва штат жадваллари (меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари Инспекция марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларидан бир поғона паст миқдорда қўлланади) Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланади.

7-боб. Худудий инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари

20. Худудий инспекция фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланади.

21. Худудий инспекция фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳо Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Худудий инспекция фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

22. Худудий инспекция фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича:

Худудий инспекция раҳбарлари ва ходимларини қўшимча рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Худудий инспекция фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

23. Худудий инспекция фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услуби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

8-боб. Худудий инспекция фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш

24. Худудий инспекция фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

давлат қурилиш назорати амалга ошириладиган барча объектлар учун Худудий инспекцияга ажратмаларнинг қурилиш-монтаж ишлари қийматининг (қўшилган қиймат солиғисиз) Худудий инспекция ихтиёрида қолдириладиган маблағлар;

Инспекциянинг бюджетдан ташқари маблағлари;

мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш бўйича шартнома асосида ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан, шунингдек, лаборатория хизматлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган хизматларнинг бошқа турларини кўрсатишдан олинган даромадлар;

Худудий инспекция хўжалик фаолияти ҳисобидан молиялаштирилади ва уларнинг инспекторлари сони рўйхатдан ўтган объектларнинг умумий сонидан, ҳажмидан ва масофасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

25. Мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш бўйича бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг, шунингдек, синов-лаборатория хизматлари ва Инспекция томонидан кўрсатилаётган хизматлар бошқа турларининг қийматини аниқлаш методикаси Инспекция томонидан тасдиқланади.

26. Худудий инспекция ходимларига меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишда Инспекция марказий аппарати ходимларини меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартибда белгиланган барча тўловлар татбиқ этилган ҳолда, Худудий инспекция маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Худудий инспекциянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ходимларини моддий рағбатлантириш, шу жумладан, қўшимча тўловлар, устама ҳақлар, мукофотлар, ижтимоий ва бошқа тўловларни тўлаш Худудий инспекциялар ва Инспекциянинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўшимча молиялаштириш орқали амалга оширилиши мумкин.

27. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасидан фойдаланадиган хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга уларнинг молиявий имкониятларидан ва хўжалик фаолияти натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилаш ҳуқуқи берилиши мумкин.

9-боб. Яқунловчи қоидалар

28. Худудий инспекция қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

29. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**578** **Драматурглар учун Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги мукофот ҳамда Ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофот тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 22 ноябрдаги ПҚ–399-сон қарорига мувофиқ театр санъатида ижодий ҳамкорликни ривожлантириш, драматурглар ва ёш режиссёрларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябрдаги ПҚ–399-сон қарорига мувофиқ:

драматурглар учун Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги мукофот ҳамда ёш режиссёрлар учун Ўзбекистон Республикаси халқ артисти ва санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофот (кейинги ўринларда — мукофотлар) таъсис этилганлиги;

ушбу мукофотлар бўйича танловлар ҳар икки йилда ўтказилиб, уларнинг ғолибларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 50 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирлаш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2026 йилдан бошлаб мукофотлар бўйича танловлар ғолибларини пул мукофоти, диплом ва статуэткалар билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Қуйидагилар:

Драматурглар учун Маҳмудхўжа Бехбудий ҳамда ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофотларга тавсия этилган номзодларни кўриб чиқиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага** мувофиқ;

Драматурглар учун Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги мукофот тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофот тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

мукофотлар ўзбек драматургияси ва режиссураси соҳасида фаол ижод қилаётган моҳир драматурглар ва ёш режиссёрларга театр санъатини ривожлантириш ва театрлар репертуарини долзарб мавзудаги сахна асарлари билан бойитишга қўшган муносиб ҳиссаси учун берилади;

мукофотларнинг диплом ва статуэткаларини тайёрлаш ҳамда ғолибларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Маданият вазирлигига Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 2 октябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда мукофотларнинг диплом ва статуеткалари намунаси Маданият вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Бадий академия билан келишган ҳолда тасдиқланади.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси маданият вазири О.А. Назарбеков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 27 сентябрь,
606-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 27 сентябрдаги 606-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Драматурглар учун Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги
мукофот тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом драматурглар учун Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги мукофот (кейинги ўринларда — мукофот)га номзодларни кўриб чиқиш, ғолибларни аниқлаш ва уларни тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Мукофот билан драматургия соҳасида фаол ижод қилаётган моҳир драматурглар театр санъатини ривожлантириш ва театрлар репертуарини долзарб мавзудаги сахна асарлари билан бойитишга қўшган муносиб ҳиссаси учун тақдирланади.

Мукофот билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин. Бир шахс мукофот билан бир марта мукофотланади.

3. Мукофот ғолибларини аниқлаш учун ҳар икки йилда бир мартаба ушбу Низомга мувофиқ танлов ўтказилади.

4. Мукофот ғолибига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 50 (эллик) баробари миқдорида бир марталик пул мукофоти ҳамда мукофотнинг диплом ва статуеткалари берилади.

**2-боб. Мукофотга номзодларни тақдим этиш ва кўриб
чиқиш тартиби**

5. Мукофотга номзодларни тақдим этиш, кўриб чиқиш ва тақдирлаш ушбу Низомга иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

6. Фаол ижод қилаётган драматургларни мукофот билан тақдирлаш бўйи-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ча таклифлар вазирлик ва идоралар, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан танлов ўтказиладиган йилнинг 15 январига қадар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига тақдим этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги номзодлар бўйича таклифларни кўриб чиқади ҳамда танлов ўтказиладиган йилнинг 1 февралига қадар Драматурглар учун Маҳмудхўжа Бехбудий ҳамда ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофотларга тавсия этилган номзодларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга (кейинги ўринларда — Комиссия) тақдим этади.

8. Комиссия танлов ўтказиладиган йилнинг 1 мартига қадар номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, уларни қўйидаги мезонлар асосида баҳолайди ҳамда энг муносиб бир нафар номзод бўйича якуний қарор қабул қилади:

ўз асарлари билан ўзбек адабиёти ва театр санъати ривожига ҳисса қўшгани, уни жаҳонга танитиш орқали миллий қадриятларимиз, миллатимизнинг улуғлигини дунёга тараннум этгани;

ўз асарларида ёшларнинг аждодларга муносиб авлод бўлиб етишишини, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳини тараннум этгани, замон қаҳрамонлари тимсолини акс эттиргани ҳамда миллий қаҳрамонлар сиймосини гавдалантиргани;

ўз асарларида миллий ғурур тушунчаси билан ҳамоҳанг тарзда умуминсоний ғояларни тарғиб қилгани, театрлар репертуарини мавзу ва ғоя жиҳатидан пухта бўлган долзарб мавзудаги сахна асарлари билан бойитишга муносиб ҳисса қўшгани.

Комиссия мукофотга тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатлари холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

9. Комиссия қарори асосида Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг мукофот билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи танлов ўтказиладиган йилнинг 10 мартига қадар қабул қилинади.

10. Мукофот 27 март — Халқаро театр куни арафасида Ўзбекистон Республикаси маданият вазири ёки унинг тегишли ўринбосари томонидан тантанали тарзда топширилади.

11. Бир марталик пул мукофоти ҳамда диплом ва статуеткаларни тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

3-боб. Якунловчи қоида

12. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 27 сентябрдаги 606-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев номидаги
мукофот тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофот (кейинги ўринларда — мукофот)га номзодларни кўриб чиқиш, ғолибларни аниқлаш ва уларни тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Мукофот билан режиссура соҳасида фаол ижод қилаётган, ижтимоий фаоллиги ва истеъдоди билан тенгдошларига ўрناк бўлиб келаётган ўттиз беш ёшдан ошмаган иқтидорли режиссёрлар театрлар репертуарини долзарб мавзудаги сахна асарлари билан бойитишга қўшган муносиб ҳиссаси учун тақдирланади.

Мукофот билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин. Бир шахс мукофот билан бир марта мукофотланади.

3. Мукофот ғолибларини аниқлаш учун ҳар икки йилда бир мартаба ушбу Низомга мувофиқ танлов ўтказилади.

4. Мукофот ғолибига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 50 (эллик) баробари миқдорида бир марталик пул мукофоти ҳамда мукофотнинг диплом ва статуеткалари берилади.

**2-боб. Мукофотга номзодларни тақдим этиш ва кўриб
чиқиш тартиби**

5. Мукофотга номзодларни тақдим этиш, кўриб чиқиш ва тақдирлаш ушбу Низомга иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

6. Фаол ижод қилаётган ёш режиссёрларни мукофот билан тақдирлаш бўйича таклифлар вазирлик ва идоралар, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан танлов ўтказиладиган йилнинг 15 январига қадар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига тақдим этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги номзодлар бўйича таклифларни кўриб чиқади ҳамда танлов ўтказиладиган йилнинг 1 февралига қадар Драматурглар учун Маҳмудхўжа Бехбудий ҳамда ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофотларга тавсия этилган номзодларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга (кейинги ўринларда — Комиссия) тақдим этади.

8. Комиссия танлов ўтказиладиган йилнинг 1 мартага қадар номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, уларни қуйидаги мезонлар асосида баҳолайди ҳамда энг муносиб бир нафар номзод бўйича якуний қарор қабул қилади:

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ёш истеъдод эгаларининг қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида фидокорона меҳнат қилган ва юқори натижаларга эришгани;

ўз ижодий фаолияти давомида янги, замонавий мавзудаги миллий мумтоз ҳамда жаҳон классик асарларини сахналаштиргани, шу билан бир қаторда, янги талқиндаги экспериментал асарларга қўл ургани;

мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, ўзбек миллий маданияти ва театр санъати нуфузини жаҳон миқёсида оширишда муносиб ҳисса қўшгани;

турли жанр ва йўналишдаги спектаклларни сахналаштиргани ҳамда республика ва халқаро миқёсдаги давлат тадбирлари, фестивалларни ташкил этиш ва ўтказишда режиссёр сифатида иштирок этгани.

Комиссия мукофотга тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатлари холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

9. Комиссия қарори асосида Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг мукофот билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи танлов ўтказиладиган йилнинг 10 мартига қадар қабул қилинади.

10. Мукофот 27 март — Халқаро театр куни арафасида Ўзбекистон Республикаси маданият вазири ёки унинг тегишли ўринбосари томонидан тантанали тарзда топширилади.

11. Бир марталик пул мукофоти ҳамда диплом ва статуэткаларни тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликка Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

3-боб. Яқунловчи қоида

12. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I****579 Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan
chiqarish to‘g‘risida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
22-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3677*

O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ–3666-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 9-oktabrdagi 469-son “Vazirliklar va idoralar me‘yoriy hujjatlarining qonuniyligini ta‘minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori hamda Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni tayyorlash va qabul qilish qoidalariga (ro‘yxat raqami 2565, 2014-yil 28-fevral) muvofiq **buyuraman:**

1. Quyidagilar:

O‘zbekiston Respublikasi “Davlat tili haqida”gi Qonunining 8-moddasiga asosan davlat hokimiyati va boshqaruv organlarining hujjatlari davlat tilida qabul qilinishi va e‘lon etilishi kerakligi;

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 9-oktabrdagi 469-son qarori bilan tasdiqlangan Vazirliklar va idoralar tomonidan qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlarni huquqiy ekspertizadan va davlat ro‘yxatidan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga asosan Adliya vazirligiga vazirlik va idoralarning qonunchilikka nomuvofiq bo‘lgan normativ-huquqiy hujjatlarini Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarishga haqli ekanligi belgilanganligi ma‘lumot uchun qabul qilinsin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan ilovaga muvofiq chiqarilsin.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2025-yil 18-sentabr,
22-mh-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 23-sentabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2025-yil 18-sentabrdagi
22-mh-son buyrug'iga
ILOVA

**Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan
chiqarilayotgan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar
RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi "Tog'kontexnazorat"ning 1996-yil 12-dekabrda va Geologiya va mineral resurslar davlat qo'mitasining 1996-yil 25-noyabrda 84-son qarori bilan tasdiqlangan Geologiya-qidiruv ishlarida xavfsizlik qoidalari (ro'yxat raqami 304, 1997-yil 29-yanvar).

2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Yer qa'rini geologik o'rganish, sanoatda, konchilikda va kommunal-maishiy sektorda ishlarning bexatar olib borilishini nazorat qilish davlat inspeksiyasi hamda O'zbekiston Respublikasi Davlat geologiya va mineral resurslar qo'mitasining 2010-yil 21-dekabrda 360, 18-1966-son "Geologiya-qidiruv ishlarida xavfsizlik qoidalariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qarori (ro'yxat raqami 304-1, 2011-yil 13-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 1-2-son, 21-modda).

3. O'zbekiston pochta va telekommunikatsiya agentligining bosh direktori tomonidan 1997-yil 30-sentabrda tasdiqlangan Telekommunikatsiya tarmoqlarini umumiy foydalanish telekommunikatsiya tarmoqlariga ulash tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 377, 1997-yil 12-dekabr).

4. O'zbekiston Respublikasi Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo'mitasining 2013-yil 13-iyunda 28-mh-son "Telekommunikatsiya tarmoqlarini umumiy foydalanish telekommunikatsiya tarmoqlariga ulash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 377-1, 2013-yil 12-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 28-son, 369-modda).

5. O'zbekiston Respublikasi axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirining 2015-yil 27-martda 103-mh-son "Telekommunikatsiya tarmoqlarini umumiy foydalanish telekommunikatsiya tarmoqlariga ulash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 377-2, 2015-yil 30-mart) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-y., 13-son, 164-modda).

6. O'zbekiston Respublikasi Davlat geologiya va mineral resurslar qo'mitasi raisi tomonidan 1999-yil 22-fevralda tasdiqlangan Yer osti boyliklarini geologik o'rganish bo'yicha ishlarni davlat ro'yxatiga olish va davlat hisobiga olish tartibi to'g'risidagi yo'riqnoma (ro'yxat raqami 692, 1999-yil 5-aprel).

7. O'zbekiston pochta va telekommunikatsiya agentligining bosh direktori o'rinbosari tomonidan 1999-yil 5-avgustda tasdiqlangan Umumiy foydalanish telekommunikatsiya tarmog'i operatorlari o'rtasida birgalikda ko'rsatilgan xizmatlar va tarmoq resurslari uchun o'zaro hisob-kitob yuritishning asosiy qoidalari (ro'yxat raqami 863, 2000-yil 4-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi

vazirliklari, davlat qo'mitalari va idoralarning me'yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2000-y., 1-son).

8. O'zbekiston Respublikasi Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo'mitasining 2013-yil 1-maydagi 21-mh-son "Umumiy foydalanish telekommunikatsiya tarmog'i operatorlari o'rtasida birgalikda ko'rsatilgan xizmatlar va tarmoq resurslari uchun o'zaro hisob-kitob yuritishning asosiy qoidalariga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 863-1, 2013-yil 8-may) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 19-son, 244-modda).

9. O'zbekiston Respublikasi axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirining 2015-yil 11-martdagi 98-mh-son "Umumiy foydalanish telekommunikatsiya tarmog'i operatorlari o'rtasida birgalikda ko'rsatilgan xizmatlar va tarmoq resurslari uchun o'zaro hisob-kitob yuritishning asosiy qoidalariga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 863-2, 2015-yil 12-mart) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-y., 10-son, 125-modda).

10. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2002-yil 7-fevraldagi 2002-01-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1108, 2002-yil 13-mart) (O'zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo'mitalari va idoralarning me'yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2002-y., 5-son).

11. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2008-yil 2-iyundagi 2008-10-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi nizomga qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1108-1, 2008-yil 10-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 24-25-son, 235-modda).

12. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2008-yil 26-sentabrdagi 2008-21-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqqa o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1108-2, 2008-yil 22-oktabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 43-son, 437-modda).

13. O'zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi bosh direktorining 2013-yil 3-dekabrda 2013-09-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqqa o'zgartirish va qo'shimcha kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1108-3, 2013-yil 10-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 50-son, 656-modda).

14. O'zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo'mitasi huzuridagi qimmatli qog'ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi bosh direktorining

2017-yil 27-iyuldagi 2017-05-son “Qimmatli qog‘ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1108-4, 2017-yil 22-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 34-son, 905-modda).

15. O‘zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo‘mitasi huzuridagi qimmatli qog‘ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi bosh direktorining 2018-yil 30-oktabrdagi 2018-12-son “Qimmatli qog‘ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1108-5, 2018-yil 30-noyabr) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 01.12.2018-y., 10/18/1108-5/2254-son).

16. O‘zbekiston Respublikasi Kapital bozorini rivojlantirish agentligi direktorining 2019-yil 26-fevraldagi 2019-04-son “Qimmatli qog‘ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to‘g‘risidagi nizomning 1-bandiga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1108-6, 2019-yil 6-mart) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 07.03.2019-y., 10/19/1108-6/2718-son).

17. O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo‘mitasi huzuridagi Qimmatli qog‘ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2002-yil 13-martdagi 2002-2-son “Depozitar faoliyat to‘xtatilgan va tugatilgan taqdirdagi harakatlar tartibi to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1130, 2002-yil 23-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me‘yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2002-y., 8-son).

18. O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo‘mitasi huzuridagi Qimmatli qog‘ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2008-yil 22-oktabrdagi 2008-26-son “Depozitar faoliyat to‘xtatilgan va tugatilgan taqdirdagi harakatlar tartibi to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1130-1, 2008-yil 18-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2008-y., 47-son, 467-modda).

19. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2003-yil 28-yanvardagi 19-son “Sug‘urta agentlari to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1213, 2003-yil 1-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me‘yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2003-y., 3-son).

20. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2007-yil 31-maydagi 63-son “Sug‘urta agentlari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1213-1, 2007-yil 21-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 25-26-son, 272-modda).

21. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2017-yil 7-iyuldagi 95-son “Sug‘urta agentlari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1213-2, 2017-yil 17-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 29-son, 712-modda).

22. O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo‘mitasi huzuridagi Qimmatli qog‘ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2003-yil 30-dekabrda 2003-19-son “Boshqaruvchi kompaniyalar

o'z mablag'lari miqdorining hisobi va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1322, 2004-yil 5-mart) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2004-y., 9-son, 111-modda).

23. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2009-yil 1-iyundagi 2009-30-son “Boshqaruvchi kompaniyalar o'z mablag'lari miqdorining hisobi va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish to'g'risida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1322-1, 2009-yil 20-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 26-son, 302-modda).

24. O'zbekiston Respublikasi Kapital bozorini rivojlantirish agentligi direktorining 2019-yil 5-martdagi 2019-12-son “Boshqaruvchi kompaniyalar o'z mablag'lari miqdorining hisobi va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomning 1-bandiga o'zgartirish kiritish to'g'risida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1322-2, 2019-yil 12-mart) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 13.03.2019-y., 10/19/1322-2/2768-son).

25. O'zbekiston Respublikasi Kapital bozorini rivojlantirish agentligi direktorining 2020-yil 20-yanvardagi 2020-03-son “Boshqaruvchi kompaniyalar o'z mablag'lari miqdorining hisobi va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomning 24-bandiga o'zgartirish kiritish to'g'risida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1322-3, 2020-yil 5-fevral) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 05.02.2020-y., 10/20/1322-3/0128-son).

26. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish va tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash davlat qo'mitasi, Madaniyat ishlari vazirligi, Moliya vazirligining 2004-yil 23-apreldagi 01/06-09, 1 va 65-son “Respublika teatr va tomosha muassasalari binolarini chet tashkilotlarga ijaraga berish va ijara haqini belgilash tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro'yxat raqami 1375, 2004-yil 23-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2004-y., 25-son, 295-modda).

27. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish va tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash davlat qo'mitasining 2004-yil 27-iyuldagi 01/06-15-son “Davlat ulushlarini boshqarish bo'yicha ishonchli boshqaruvchilar faoliyati samaradorligi monitoringini yuritish tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro'yxat raqami 1394, 2004-yil 30-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2004-y., 30-son, 351-modda).

28. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish davlat qo'mitasining 2005-yil 1-noyabrdagi 01/06-18/06-son “Davlat ulushlarini boshqarish bo'yicha davlatning ishonchli vakillari, boshqaruvchi kompaniyalar va ishonchli boshqaruvchilar faoliyati samaradorligi monitoringini yuritish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida”gi qarori (ro'yxat raqami 1394-1, 2005-yil 11-noyabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2005-y., 45-son, 348-modda).

29. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish davlat qo'mitasining

2007-yil 22-noyabrdagi 01/12-18/17-son “Davlat ulushlarini boshqarish bo‘yicha davlatning ishonchli vakillari, boshqaruvchi kompaniyalar va ishonchli boshqaruvchilar faoliyati samaradorligi monitoringini yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1394-2, 2007-yil 15-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 50-51-son, 528-modda).

30. O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish davlat qo‘mitasining 2010-yil 12-martdagi 01/12-02-son “Davlat ulushlarini boshqarish bo‘yicha davlatning ishonchli vakillari, boshqaruvchi kompaniyalar va ishonchli boshqaruvchilar faoliyati samaradorligi monitoringini yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1394-3, 2010-yil 15-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 14-15-son, 123-modda).

31. O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish davlat qo‘mitasining 2011-yil 24-oktabrdagi 01/12-18/09-son “Davlat ulushlarini boshqarish bo‘yicha ishonchli boshqaruvchilar faoliyati samaradorligi monitoringini yuritish tartibi to‘g‘risida nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1394-4, 2011-yil 7-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 49-son, 505-modda).

32. O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish davlat qo‘mitasining 2012-yil 15-avgustdagi 01/12-18/12-son “Davlat ulushlarini boshqarish bo‘yicha ishonchli boshqaruvchilar faoliyati samaradorligi monitoringini yuritish tartibi to‘g‘risida nizomga o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1394-5, 2012-yil 27-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 35-son, 405-modda).

33. O‘zbekiston Respublikasi Xususiylashtirish, monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo‘mitasining 2013-yil 22-oktabrdagi 01/09-26/19-son “Davlat ulushlarini boshqarish bo‘yicha ishonchli boshqaruvchilar faoliyati samaradorligi monitoringini yuritish tartibi to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1394-6, 2013-yil 28-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 48-son, 630-modda).

34. O‘zbekiston Respublikasi Xususiylashtirish, monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo‘mitasining 2016-yil 28-noyabrdagi 01/09-26/43-son “Davlat ulushlarini boshqarish bo‘yicha ishonchli boshqaruvchilar faoliyati samaradorligi monitoringini yuritish tartibi to‘g‘risida nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1394-7, 2016-yil 16-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 50-son, 574-modda).

35. O‘zbekiston Respublikasi Xususiylashtirilgan korxonalariga ko‘maklashish va raqobatni rivojlantirish davlat qo‘mitasining 2017-yil 17-iyuldagi 01/29-10/19-son “Davlat ulushlarini boshqarish bo‘yicha ishonchli boshqaruvchilar faoliyati samaradorligi monitoringini yuritish tartibi to‘g‘risida nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1394-8, 2017-yil 11-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 32-son, 828-modda).

36. O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2019-yil 19-martdagi 01/10-10/55-son "Davlat ulushlarini boshqarish bo'yicha ishonchli boshqaruvchilar faoliyati samaradorligi monitoringini yuritish tartibi to'g'risida nizomga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1394-9, 2019-yil 2-aprel) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 02.04.2019-y., 10/19/1394-9/2864-son).

37. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2004-yil 15-iyuldagi 2004-16-son "Qimmatli qog'ozlar bilan repo bitishuvlarni amalga oshirish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1396, 2004-yil 6-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2004-y., 31-son, 361-modda).

38. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2008-yil 3-oktabrdagi 2008-24-son "Qimmatli qog'ozlar bilan repo bitishuvlarni amalga oshirish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqqa o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1396-1, 2008-yil 22-oktabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 43-son, 439-modda).

39. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2009-yil 20-noyabrdagi 2009-45-son "Qimmatli qog'ozlar bilan repo bitishuvlarni amalga oshirish to'g'risidagi nizomga qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1396-2, 2009-yil 15-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 50-51-son, 548-modda).

40. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2010-yil 25-iyundagi 2010-12-son "Qimmatli qog'ozlar bilan repo bitishuvlarni amalga oshirish to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimcha kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1396-3, 2010-yil 8-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 26-27-son, 228-modda).

41. O'zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi bosh direktorining 2014-yil 3-martdagi 2014-12-son "Qimmatli qog'ozlar bilan repo bitishuvlarni amalga oshirish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1396-4, 2014-yil 11-mart) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2014-y., 11-son, 133-modda).

42. O'zbekiston Respublikasi Kapital bozorini rivojlantirish agentligi direktorining 2019-yil 5-martdagi 2019-07-son "Qimmatli qog'ozlar bilan repo bitishuvlarni amalga oshirish to'g'risidagi nizomning 2-bandiga o'zgartirish kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1396-5, 2019-yil 11-mart) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 12.03.2019-y., 10/19/1396-5/2753-son).

43. O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligining 2004-yil 25-avgustdagi 286-son "O'zbekiston Respublikasi televideniye va radio eshittirish dasturlarini uzatish hamda tarqatish xizmatlarini ko'rsatish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash

haqida”gi buyrug’i (ro’yxat raqami 1409, 2004-yil 15-sentabr) (O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to’plami, 2004-y., 37-son, 415-modda).

44. O’zbekiston Respublikasi Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo’mitasining 2013-yil 16-avgustdagi 47-mh-son “O’zbekiston Respublikasi televideniya va radio eshittirish dasturlarini uzatish hamda tarqatish xizmatlarini ko’rsatish to’g’risidagi nizomga o’zgartirish kiritish haqida”gi qarori (ro’yxat raqami 1409-1, 2013-yil 19-avgust) (O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to’plami, 2013-y., 34-son, 459-modda).

45. O’zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish va tadbirkorlikni qo’llab-quvvatlash davlat qo’mitasining 2004-yil 3-sentabrdagi 01/18-48-son “Davlat aksiyalar paketi (ulushlari)ni ishonchli boshqaruvga berish bo’yicha tanlovlar o’tkazish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi qarori (ro’yxat raqami 1410, 2004-yil 16-sentabr) (O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to’plami, 2004-y., 37-son, 416-modda).

46. O’zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish davlat qo’mitasining 2007-yil 8-yanvardagi 01/12-18/01-son “Davlat aksiyalar paketi (ulushlari)ni ishonchli boshqaruvga berish bo’yicha tanlovlar o’tkazish qoidalariga o’zgartirish va qo’shimchalar kiritish to’g’risida”gi qarori (ro’yxat raqami 1410-1, 2007-yil 7-fevral) (O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to’plami, 2007-y., 4-6-son, 58-modda).

47. O’zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish davlat qo’mitasining 2008-yil 27-maydagi 01/12-18/05-son “Davlat aksiyalar paketi (ulushlari)ni ishonchli boshqaruvga berish bo’yicha tanlovlar o’tkazish qoidalariga o’zgartirish va qo’shimchalar kiritish to’g’risida”gi qarori (ro’yxat raqami 1410-2, 2008-yil 18-iyun) (O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to’plami, 2008-y., 24-25-son, 245-modda).

48. O’zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish davlat qo’mitasining 2010-yil 12-martdagi 01/12-03-son “Davlat aksiyalar paketi (ulushlari)ni ishonchli boshqaruvga berish bo’yicha tanlovlar o’tkazish qoidalariga o’zgartirish va qo’shimchalar kiritish to’g’risida”gi qarori (ro’yxat raqami 1410-3, 2010-yil 14-aprel) (O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to’plami, 2010-y., 14-15-son, 121-modda).

49. O’zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish davlat qo’mitasining 2012-yil 5-apreldagi 01/12-18/08-son “Davlat aksiyalar paketi (ulushlari)ni ishonchli boshqaruvga berish bo’yicha tanlovlar o’tkazish qoidalariga o’zgartirish va qo’shimchalar kiritish to’g’risida”gi qarori (ro’yxat raqami 1410-4, 2012-yil 4-may) (O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to’plami, 2012-y., 18-son, 207-modda).

50. O’zbekiston Respublikasi Xususiylashtirish, monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo’mitasining 2014-yil 22-yanvardagi 01/09-26/03-son “Davlat aksiyalar paketi (ulushlari)ni ishonchli boshqaruvga berish bo’yicha tanlovlar o’tkazish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi qarorga o’zgartirishlar kiritish to’g’risida”gi qarori (ro’yxat raqami 1410-5, 2014-yil 3-fevral) (O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to’plami, 2014-y., 6-son, 70-modda).

51. O’zbekiston Respublikasi Xususiylashtirish, monopoliyadan chiqarish

va raqobatni rivojlantirish davlat qo‘mitasining 2015-yil 20-iyuldagi 01/09-26/18-son “Davlat aksiyalar paketi (ulushlari)ni ishonchli boshqaruvga berish bo‘yicha tanlovlar o‘tkazish qoidalarining 3-ilovasiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1410-6, 2015-yil 23-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 29-son, 394-modda).

52. O‘zbekiston Respublikasi Xususiylashtirish, monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo‘mitasining 2016-yil 14-martdagi 01/09-26/30-son “Davlat aksiyalar paketi (ulushlari)ni ishonchli boshqaruvga berish bo‘yicha tanlovlar o‘tkazish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1410-7, 2016-yil 24-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 12-son, 115-modda).

53. O‘zbekiston Respublikasi Xususiylashtirilgan korxonalariga ko‘maklashish va raqobatni rivojlantirish davlat qo‘mitasining 2017-yil 23-noyabrdagi 01/09-10/32-son “Davlat aksiyalar paketi (ulushlari)ni ishonchli boshqaruvga berish bo‘yicha tanlovlar o‘tkazish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1410-8, 2017-yil 30-noyabr) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 01.12.2017-y., 10/17/1410-8/0343-son).

54. O‘zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi bosh direktorining 2004-yil 12-noyabrdagi 374-son “Ma‘lumotlarni uzatish tarmoqlarida Internet-provayderlarning tarmoqlararo o‘zaro hamkorligini tartibga solish tartibi to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1423, 2004-yil 18-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2004-y., 45-46-son, 480-modda).

55. O‘zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi bosh direktorining 2011-yil 28-fevraldagi 4-Yu-son “Ma‘lumotlarni uzatish tarmoqlarida Internet-provayderlarning tarmoqlararo o‘zaro hamkorligini tartibga solish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1423-1, 2011-yil 5-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 10-11-son, 108-modda).

56. O‘zbekiston Respublikasi Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo‘mitasining 2013-yil 22-apreldagi 19-mh-son “Ma‘lumotlarni uzatish tarmoqlarida Internet-provayderlarning tarmoqlararo o‘zaro hamkorligini tartibga solish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1423-2, 2013-yil 17-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 20-son, 263-modda).

57. O‘zbekiston Respublikasi axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirining 2015-yil 15-maydagi 119-mh-son “Ma‘lumotlarni uzatish tarmoqlarida Internet-provayderlarning tarmoqlararo o‘zaro hamkorligini tartibga solish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 3-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1423-3, 2015-yil 21-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 20-son, 263-modda).

58. O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo‘mitasi huzuridagi Qimmatli qog‘ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2005-yil 15-iyundagi 2005-06-son “Qimmatli qog‘ozlar bozorida

investitsiya maslahatchisi faoliyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1495, 2005-yil 15-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2005-y., 28-29-son, 213-modda).

59. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2008-yil 24-sentabrdagi 2008-18-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida maslahat berish faoliyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqidagi buyrug'iga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1495-1, 2008-yil 13-oktabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 42-son, 426-modda).

60. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulk qo'mitasi qoshidagi qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2010-yil 24-dekabrdagi 2010-22-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya maslahatchisi faoliyati to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1495-2, 2011-yil 5-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 1-2-son, 13-modda).

61. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2012-yil 31-iyuldagi 2012-14-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya maslahatchisi faoliyati to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1495-3, 2012-yil 10-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2012-y., 32-son, 388-modda).

62. O'zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi bosh direktorining 2013-yil 29-noyabrdagi 2013-07-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya maslahatchisi faoliyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1495-4, 2013-yil 5-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 49-son, 643-modda).

63. O'zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi bosh direktorining 2014-yil 29-avgustdagi 2014-25-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya maslahatchisi faoliyati to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1495-5, 2014-yil 5-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2014-y., 36-son, 461-modda).

64. O'zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi bosh direktorining 2015-yil 4-dekabrdagi 2015-22-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya maslahatchisi faoliyati to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1495-6, 2015-yil 14-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-y., 50-son, 630-modda).

65. O'zbekiston Respublikasi Kapital bozorini rivojlantirish agentligi direktorining 2019-yil 5-martdagi 2019-06-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya maslahatchisi faoliyati to'g'risidagi nizomning 1-bandiga o'zgartirish

kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1495-7, 2019-yil 11-mart) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 12.03.2019-y., 10/19/1495-7/2751-son).

66. "Sanoatkontexnazorat" davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2006-yil 14-fevraldagi 26-son "Elektr payvandlash ishlarida ishlarining xavfsizligi qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1574, 2006-yil 23-may) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2006-y., 20-21-son, 184-modda).

67. "Sanoatkontexnazorat" davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2006-yil 14-fevraldagi 27-son "Foydali qazilmalarni maydalash, saralash, boyitish hamda ruda va konsentratlarni bo'laklashda ishlarining xavfsizligi qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1575, 2006-yil 23-may) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2006-y., 20-21-son, 185-modda).

68. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Yer q'rini geologik o'rganish, sanoatda, konchilikda va kommunal-maishiy sektorda ishlarining bexatar olib borilishini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2010-yil 31-dekabrda 385-son "Foydali qazilmalarni maydalash, saralash, boyitish hamda ruda va konsentratlarni bo'laklashda ishlarining xavfsizligi qoidalariga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1575-1, 2011-yil 28-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 44-5-son, 44-modda).

69. "Sanoatkontexnazorat" davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2006-yil 14-fevraldagi 28-son "Kon qoldiqlaridan foydalanishda ishlarining xavfsizligi qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1577, 2006-yil 31-may) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2006-y., 22-son, 199-modda).

70. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Yer q'rini geologik o'rganish, sanoatda, konchilikda va kommunal-maishiy sektorda ishlarining bexatar olib borilishini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2010-yil 31-dekabrda 384-son "Kon qoldiqlaridan foydalanishda ishlarining xavfsizligi qoidalariga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1577-1, 2011-yil 28-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 4-5-son, 45-modda).

71. "Sanoatkontexnazorat" davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2006-yil 14-fevraldagi 29-son "Kon qazib olish korxonalarining yo'l transportidan foydalanishda ishlarining xavfsizligi qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1579, 2006-yil 7-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2006-y., 23-son, 212-modda).

72. "Sanoatkontexnazorat" davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2006-yil 14-fevraldagi 30-son "Oddiy qumoqlangan va emulsiyalangan portlovchi moddalar ishlab chiqarish xodimlari uchun ishlarining xavfsizligi qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1580, 2006-yil 7-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2006-y., 23-son, 213-modda).

73. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Yer q'rini geologik o'rganish, sanoatda, konchilikda va kommunal-maishiy sektorda ishlarining bexatar olib borilishini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig'ining

2010-yil 15-noyabrdagi 334-son “Oddiy qumoqlangan va emulsiyalangan portlovchi moddalar ishlab chiqarish xodimlari uchun ishlarning xavfsizligi qoidalarining 18-bandiga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1580-1, 2010-yil 19-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 47-son, 434-modda).

74. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Yer qa‘rini geologik o‘rganish, sanoatda, konchilikda va kommunal-maishiy sektorda ishlarning bexatar olib borilishini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2010-yil 31-dekabrda 383-son “Oddiy qumoqlangan va emulsiyalangan portlovchi moddalar ishlab chiqarish xodimlari uchun ishlarning xavfsizligi qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1580-2, 2011-yil 28-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 4-5-son, 43-modda).

75. “Sanoatkontexnazorat” davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2006-yil 14-fevraldagi 32-son “Yuk ortish va tushirish ishlaridagi yukchilar uchun ishlarning xavfsizligi qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1582, 2006-yil 13-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2006-y., 24-son, 221-modda).

76. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Yer qa‘rini geologik o‘rganish, sanoatda, konchilikda va kommunal-maishiy sektorda ishlarning bexatar olib borilishini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2010-yil 5-noyabrdagi 326-son “Yuk ortish va tushirish ishlaridagi yukchilar uchun ishlarning xavfsizligi qoidalarining 5-bandiga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1582-1, 2010-yil 19-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 47-son, 431-modda).

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOG‘-KON SANOATI VA GEOLOGIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

580 Qora metallurgiya xomashyosini temir yo‘l transportida tashishda qo‘llaniladigan tabiiy yo‘qotish normasini tasdiqlash to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
23-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3678*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 27-iyuldagi PF–116-son “Ma‘muriy islohotlar doirasida tog‘-kon sanoati va geologiya sohasida davlat boshqaruvini samarali tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. Qora metallurgiya xomashyosini temir yo‘l transportida tashishda qo‘llaniladigan tabiiy yo‘qotish normasi ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi, Transport vazirligi, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi, Raqobatni rivojlantirish va iste‘molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi hamda O‘zbekiston Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

B. ISLAMOV

Toshkent sh.,
2025-yil 5-sentabr,
98-son

Kelishildi:

*Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza
qilish va iqlim o‘zgarishi vaziri*

A. ABDUXAKIMOV

2025-yil 22-avgust

Transport vaziri

I. MAXKAMOV

2025-yil 26-avgust

*O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga
solish agentligining direktori*

A. JUMANAZAROV

2025-yil 11-avgust

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-sentabrda e‘lon qilingan.

*Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar
huquqlarini himoya qilish qo'mitasi raisi* H. TURAXUJAYEV

2025-yil 6-avgust

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 8-avgust

O'zbekiston Respublikasi
tog'-kon sanoati va geologiya vazirining 2025-yil
5-sentabrdagi 98-son buyrug'iga
ILOVA

**Qora metallurgiya xomashyosini temir yo'l transportida
tashishda qo'llaniladigan tabiiy yo'qotish
NORMASI**

Qora metallurgiya xomashyosining nomi	Qora metallurgiya xomashyosini tashish usullari	Tabiiy yo'qotish normasi, (foizda)
Temir va marganets ma'dani hamda konsentrati, issiq holda briketlangan temir, to'g'ridan-to'g'ri tiklangan temir, oksidlangan okatishlar	Yarim va yopiq vagonlarda, o'z-o'zini tushiradigan bunkerli yarim vagonlarda tashish	1,0

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

581 Kredit byurolarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligiga doir minimal talablar to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
23-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3679*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. Kredit byurolarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligiga doir minimal talablar to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati, Raqamli texnologiyalar vazirligi va Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.
3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran uch oy keyin kuchga kiradi.

Markaziy bank raisi

Toshkent sh.,
2025-yil 19-avgust,
20/2-son

T. ISHMETOV

Kelishildi:

Davlat xavfsizlik xizmati raisi

2025-yil 30-iyul

B. KURBANOV

Raqamli texnologiyalar vaziri

2025-yil 6-avgust

Sh. SHERMATOV

Savdo-sanoat palatasi raisi

2025-yil 31-iyul

D. VAXABOV

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-sentabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
19-avgustdagi 20/2-son qaroriga
ILOVA

Kredit byurolarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligiga doir minimal talablar to'g'risidagi NIZOM

Mazkur Nizom kredit byurolarining axborot tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga doir minimal talablarni belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

avtorizatsiya — ma'lum shaxsga yoki shaxslar guruhiga muayyan harakatlarni amalga oshirish huquqini berish;

autentifikatsiya — foydalanuvchi, dastur, qurilma yoki ma'lumotlarning haqiqiyligini tasdiqlash tartib-taomili;

identifikatsiya — foydalanuvchilarning shaxsini aniqlash maqsadida ularga identifikator (noyob nomlar) tayinlash yoki tayinlangan identifikatorlarni (noyob nomlar) identifikatorlar ro'yxati bilan solishtirish;

kriptografik kalit — elektron raqamli imzoni hisoblash yoki tekshirish, shuningdek shifrlash va dastlabki matnga o'girish uchun qo'llaniladigan simvollar ketma-ketligi;

axborot xavfsizligi — axborot sohasida shaxs, jamiyat va davlat manfaatlarining himoyalanganlik holati;

kiberxavfsizlik — kibernomda shaxs, jamiyat va davlat manfaatlarining tashqi va ichki tahdidlardan himoyalanganlik holati;

kredit axborotidan foydalanuvchi — kredit bitimi bo'yicha tegishincha kreditor, lizing beruvchi, garovga oluvchi va sug'urtalovchi sifatida ishtirok etuvchi yuridik yoki jismoniy shaxs, shuningdek qonunchilikka muvofiq kredit axborotidan foydalanish vakolatiga ega bo'lgan yuridik shaxs.

2-bob. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash xizmati

2. Kredit byurolarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash maqsadida asosiy vazifalari quyidagilardan iborat bo'lgan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash xizmati (bundan buyon matnda Xizmat deb yuritiladi) tashkil etiladi:

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikning ta'minlanganlik darajasini oshirish, uni baholash, shuningdek avariya va xodimlar yo'l qo'ygan xatolar natijasida kelib chiqadigan yo'qotishlarni kamaytirish va sodir etilishini oldini olish;

axborot infratuzilmasining yaxlitligi va xavfsizligini nazorat qilish;

serverlarda va tarmoq qurilmalardagi dasturiy ta'minotlarni muhofaza qilish; barcha texnologik jarayonlarda xodimlar harakati, shuningdek axborot

tizimlarida amalga oshirilgan harakatlar bo'yicha elektron bayonnomalar ro'yxatini yuritish;

axborot tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablarini buzish holatlarini oldini olish choralarini ko'rish;

ma'lumotlarning uchinchi shaxslarga oshkor etilishini oldini olish;

axborot-kommunikatsiya texnologiyalari infratuzilmasida yuzaga kelgan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik hodisalari, kibertahdidlar, kiberhujumlar aniqlangan vaqtda bu haqidagi ma'lumotlarni zudlik bilan O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankiga (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) taqdim etish;

axborot-kommunikatsiya texnologiyalari infratuzilmasi, axborot tizimlari va resurslarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikning ta'minlanganlik holatini mazkur Nizom talablari, ichki qoida va tartiblarga muvofiqligini bir yilda kamida ikki marotaba axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik tavakkalchiliklarini hisobga olgan holda o'rganish va o'rganish natijalarini dalolatnoma bilan rasmiylashtirish.

3. Xizmatning vazifalari, vakolatlari va majburiyatlari kredit byurosining ichki hujjatlari bilan belgilanadi.

Kredit byurolari Xizmatning vazifa va majburiyatlarini to'laqonli bajarishi uchun zarur bo'lgan texnik resurslar bilan ta'minlanishi lozim.

4. Xizmat xodimlarining soni yuklatilgan vazifalar, axborot tizimlari va resurslari soni hamda axborot xavfsizligi tizimlarining avtomatlashtirilganlik darajasidan kelib chiqib belgilanadi.

5. Xizmat va axborot texnologiyalari bo'linmalari kredit byurosi boshqaruvining turli a'zolariga bo'ysunishi lozim, bunda Xizmat kredit byurosining ijro etuvchi organi rahbariga (yoki bosh direktorga), axborot texnologiyalari bo'linmasi esa bosh direktor o'rinbosariga bo'ysunadi.

6. Kredit byurolari tizimli ravishda har yili kamida ikki marotaba axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash sohasiga ixtisoslashtirilgan o'quv kurslarida Xizmat xodimlarining malakasini oshirishni ta'minlashi kerak.

7. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash qonunchilikda belgilangan talablar hamda kredit byurolarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga oid ichki hujjatlari asosida ta'minlanadi.

8. Kredit byurolari axborot xavfsizligiga oid ichki siyosatni ishlab chiqishi va Markaziy bank bilan kelishishi lozim.

Axborot xavfsizligi siyosatida kredit byurosida mavjud bo'lgan barcha axborot tizimlari va resurslarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha talablar belgilanadi.

9. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga oid ichki hujjatlar hamda ularda belgilangan talablar kredit byurosining har bir xodimiga tanishtirilishi va ushbu talablarga xodimlar qat'iy rioya qilishlari kerak.

10. Axborot tizimlari va resurslarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bilan bog'liq mazkur Nizomda belgilangan barcha chora-tadbirlar amalga oshirilganligi yozma yoki elektron shaklda o'z tasdig'iga ega bo'lishi shart.

11. Kredit byurolari faoliyatida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikning ta'minlanganlik darajasini baholash bo'yicha reyting axborot tizimi Markaziy bank tomonidan yuritiladi.

Reyting axborot tizimiga kredit byurolari tomonidan o'z vaqtida va to'g'ri (haqqoniy) ma'lumotlar kiritilishi lozim.

3-bob. Tarmoqda xavfsizlikni ta'minlash

12. Kredit byurolari tarmoq hamda aloqa kanallarini ehtimoli mavjud bo'lgan kibertahdidlar va kiberhujumlardan himoya qilish uchun quyidagi choralarini ko'rishi lozim:

kompyuter tarmoqlarini segmentlash hamda yangi avlod tarmoqlararo ekran qurilmalaridan foydalanish;

tarmoq orqali qabul qilingan va uzatiladigan ma'lumotlarga ruxsatsiz kirishni oldini olish bo'yicha texnik (kriptografik va boshqa) va (yoki) tashkiliy choralar ko'rish hamda tarmoq ma'lumotlarini filtrlashni ta'minlash (yangi avlod tarmoqlararo ekran qurilmalarini qo'llash);

tarmoq qurilmalaridagi ARP (Address Resolution Protocol) jadvallarini elektron arxivlash;

Internet jahon axborot tarmog'i resurslaridan xodimlarning foydalanishini proksi-server orqali amalga oshirish, ish faoliyati uchun zarur bo'lmagan veb-saytlarga kirishni chegaralash va kirilgan veb-saytlarni qayd etib borish;

axborot tizimlarini asosiy va zaxira aloqa kanallari bilan ta'minlash;

serverlarda ish faoliyati uchun zarur bo'lmagan portlarni yopish va xizmatlarni to'xtatish;

axborot tizimiga kirish obyektlari va resurslarining hisobini yuritish;

masofaviy xizmat ko'rsatish va boshqa axborot tizimlarida mijozni identifikatsiya va autentifikatsiya qilish maqsadida qo'llaniladigan (bir martalik yoki ko'p martalik) parollarni ishlatish tartibini belgilash, tasdiqlash kodlarini qo'llash, bir martalik tasdiqlash kodlarini tizimga shifrlangan holda yuborish, kodning faol bo'lish vaqti va boshqalarni yoritish;

axborot tizimiga kirishda qo'llanilgan qurilmaning identifikatsiya ma'lumotlarini (IP-manzil, MAC-manzil va boshqa identifikatorlar) qayd etish;

tajovuzlarni aniqlash va oldini olish tizimlarini (IDS/IPS) qo'llash hamda bazasini aktual holatda bo'lishini ta'minlash.

13. Tarmoqlararo ekran qurilmalarining sozlanishlari tasdiqlanishi va ruxsat berilgan axborot almashinuvi protokollari asoslangan bo'lishi lozim. Sozlanishlarga kiritiladigan o'zgartirishlar kredit byurosi tomonidan belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

14. Asosiy va zaxira tarmoqlararo ekran qurilmalarining sozlamalari bir xil bo'lishi lozim. Kredit byurosida tarmoqlararo ekran qurilmalarining har bir sozlanishlari aktual holda elektron arxivda kamida 1 yil mobaynida saqlanishi kerak.

15. Tarmoqlararo ekran qurilmalari va proksi-serverning elektron bayonnomalari Xizmat tomonidan tahlil qilinadi va tashqi hujumlar aniqlanganida shu kunning o'zida Markaziy bankka xabar beriladi.

16. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash choralari kuchaytirish maqsadida tarmoq protokolida (TCP/IP) tarmoq tranzit paketlarining IP manzillarini o'zgartirish imkonini beruvchi (NAT) protokoli qo'llanilishi mumkin. Bunda tarmoq orqali barcha ulanishlarning elektron jurnallari asl IP manzillar ko'rsatilgan holda yuritilishi va belgilangan tartibda elektron arxivga olinishi lozim.

17. Kredit byurolari axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha ichki hujjatlarida quyidagilarni belgilashlari lozim:

tarmoqni xavfsiz va ishonchli aloqa kanallari bilan ta'minlash tartibi;

tizim ishtirokchilari bo'lgan kredit tashkilotlari va boshqa tashkilotlar hamda ularning xodimlarini identifikatsiya va autentifikatsiya qilish tartibi;

axborot tizimiga kirish va undan chiqish jarayoni tartibi;

foydalanuvchini axborot tizimiga ulashda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tartibi;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik hodisalari, kibertahdidlar hamda kiberhujumlar bilan bog'liq tavakkalchiliklarni baholash va boshqarish tartibi;

tavakkalchiliklarni boshqarish choralari va usullari;

axborot tizimlarida foydalanuvchilarning yagona identifikatorini hosil qilish tartibi;

qayd etiladigan harakatlar ro'yxati;

ma'lumotlarni ro'yxatga olish va saqlash tartibi;

elektron arxivni yuritish (hajmi, saqlash muddati, yo'q qilish) tartibi.

Kredit byurolari axborot tizimlari va resurslarini yilda kamida bir marotaba inventarizatsiyadan o'tkazishi lozim.

18. Kredit byurolarida barcha imtiyozli foydalanuvchilarning harakatlarini nazorat qilish va tekshirish imkonini beruvchi PAM (Privileged Account Management) tizimi joriy etilishi lozim. Bunda foydalanuvchilarning harakatlarini nazorat qilish Xizmat tomonidan amalga oshiriladi. Ushbu harakatlar faol tizimda kamida uch oy, elektron arxivda esa bir yilgacha saqlanishi lozim.

4-bob. Axborot tizimlarida ma'lumotlarni himoya qilish

19. Kredit byurolari kredit axborotini shakllantirish, uzatish, saqlash va unga ishlov berishning barcha bosqichlarida uzluksiz himoyani ta'minlash uchun quyidagi choralarni ko'rishlari shart:

identifikatsiya, autentifikatsiya va avtorizatsiya qilish tizimini joriy etish;

tizimga ruxsatsiz kirishning oldini olish usullarini (login, parol, ko'p faktorli autentifikatsiya va boshqa) qo'llash;

identifikatsiya ma'lumotlarini qalbakilashtirish, ularni ruxsatsiz o'zgartirish hamda uchinchi shaxslarga taqdim etishdan himoyalash;

kredit axborotini uzatishda uning asl egasiga yetkazilishini ta'minlash hamda boshqa shaxslarga jo'natilishining oldini olish;

kredit axborotini saqlashda ularni ruxsatsiz ko'chirish, o'zgartirish, o'chirish hamda uchinchi shaxslarga jo'natilishining oldini olish choralari ko'rish;

tashqi saqlovchiga ko'chirilgan ma'lumotlarni seyfa (temir shkafda)

saqlanishini ta'minlash hamda ma'lumotlarni saqlash uchun mas'ul xodim (xodimlar) tayinlash;

axborot tizimlaridagi dasturiy ta'minotlarning nazoratini va hisobini yuritish hamda dasturiy ta'minot talqinlarining, apparat-dasturiy qurilmalarining va dasturiy vositalarining uzluksiz ishlashini ta'minlash;

axborot tizimlarining aktual holatda (oxirgi versiyada) bo'lishini ta'minlash, bunda dasturiy ta'minotning yangi talqinini amaliyotda ishlab turgan axborot tizimining ish faoliyatiga salbiy ta'sir ko'rsatmasdan test-sinov maydonlarida tekshiruvdan o'tkazish va ijobiy natijaga erishilganidan so'ng amaliyotga joriy etish;

kredit axborotini uzatish, saqlash jarayonlarini elektron bayonnomalarda (log) avtomatik tarzda shakllantirib borish va saqlanishini ta'minlash;

Xizmatni tashkil etish hamda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha amalga oshiriladigan ishlarni nazorat qilish;

hisoblash tarmog'ining xavfsizligi va kriptografik muhofazasini ta'minlash, kompyuter viruslaridan himoyalash, axborot tizimlariga kirishni boshqarish, texnik vositalarini sozlash va boshqa choralarni qo'llash;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashda uskuna, qurilma, apparat-dasturiy va dasturiy texnik vositalar qo'llanishini ta'minlash hamda ularni muntazam takomillashtirib borish, foydalanish tartiblarini belgilash, texnik xizmat ko'rsatish, ta'mirlash va boshqa holatlarda ulardan ruxsatsiz foydalanishning oldini olish;

qo'llanilayotgan texnik vositalarga barcha telekommunikatsiya tarmoqlaridan ruxsatsiz kirish, ma'lumotlarni o'zgartirish, o'chirish va ko'chirib olishdan himoyalash;

axborotlarni chiqib ketishini (yo'qolishini) oldini olish;

axborot tizimiga ruxsatsiz kirish yoki kiberxavfsizlik hodisalari sodir bo'lganda, tahlil qilish asosida himoya tizimlarini mustahkamlab borish choralarni ko'rish.

20. Kredit byurolari axborot tizimlaridan ma'lumotlarning ruxsatsiz uzatilishi va tarqalishidan himoyalash bo'yicha DLP (Data Loss Prevention) tizimi joriy etilishi shart. Ma'lumotlarni himoya qilishda:

muhofazalanadigan ma'lumotlarni ruxsatsiz turli tarmoq kanallari orqali uzatilishi, hisobga olinmagan tashqi tashuvchiga ko'chirilishi, ruxsatsiz chop etilishi aniqlanishi va bu haqida kredit byuro rahbariyatiga ma'lumot berish va kelgusida shu kabi salbiy holatlar bo'lmasligini oldini olish choralari ko'rilishi;

muhofazalanadigan ma'lumotlarni server va kompyuterlarda saqlanishi nazorat qilinishi lozim.

21. Kredit byurolari dasturlar va operatsion tizimlarga zarar keltiruvchi zararli kodlar (kompyuter viruslari) va ularning salbiy ta'sirini oldini olish uchun quyidagi choralarni ko'rish shart:

hisoblash texnikasi qurilmalari (serverlar, kompyuterlar va boshqalar), ish faoliyatiga zarar yetkazuvchi kodlarni (kompyuter viruslarini) aniqlash va ularning salbiy ta'sirini oldini olish choralarni ko'rish;

axborot tizimlarida faqat litsenziyalangan antivirus dasturidan foydalanish, ularning rusumlari va bazalari aktualligi hamda yangilanib borilishini ta'minlash;

antivirus dasturlarining o'rnatilishi hamda uning ishlashi Xizmat tomonidan nazorat qilinishi;

antivirus dasturlarining avtomatik tarzda ishlashini ta'minlashi;

tarmoq orqali kelgan barcha axborotlarni antivirus dasturi orqali tekshirishi;

antivirus dasturining sozlamalari bunga mas'ul bo'lmagan kredit byurosi xodimlari tomonidan o'zgartirish imkoniyati bo'lmasligini ta'minlashi;

kompyuter virusi aniqlanganda, xodimlar tomonidan amalga oshiriladigan harakatlar tartibi belgilanishi.

22. Kredit byuolarida antivirus dasturlarini markazlashgan holda boshqarish tizimi joriy etilishi, antivirus dasturining bazasi har kuni yangilanib borilishi va versiyasi aktual (ma'nan eskirmagan) bo'lishi ta'minlanishi lozim.

23. Antivirus dasturlari serverlar, kompyuterlar va boshqa barcha antivirus dasturlari o'rnatilishi mumkin bo'lgan hisoblash vositalariga hamda qurilmalarga o'rnatilgan bo'lishi lozim.

Antivirus dasturlari Markaziy bankning monitoring tizimiga ulanishi shart.

24. Axborot tizimlarida axborotni muhofaza qilishning kriptografik usullari qo'llanilishida quyidagilar belgilab olinishi lozim:

kriptografik muhofaza vositalarini avtomatlashtirilgan tizimlarga bog'lash, ishga tushirish, ishlatish va foydalanishdan chiqarish tartibi;

kriptografik muhofaza vositalarining to'xtab qolishi, ishdan chiqishi va boshqa favqulodda holatlarda ularni qayta tiklash tartibi;

kriptografik muhofaza dasturlariga va texnik hujjatlariga o'zgartirishlar kiritish tartibi;

kriptografik kalitlarni boshqarish tartibi;

kriptografik kalitlarni tashuvchi qurilmalarni qo'llash, saqlash, o'zgartirish va boshqalar bo'yicha tashkiliy hamda texnikaviy usullarni qo'llash tartibi.

25. Kredit byuolari Markaziy bank va kredit tashkilotlari bilan elektron axborot almashinuvini Markaziy bankning "Axborotlashtirish bosh markazi" davlat unitar korxonasi bilan tuzilgan shartnoma asosida bank telekommunikatsiya tarmog'i orqali amalga oshiradi. Bunda, quyidagi xavfsizlik choralari ko'rilishi kerak:

a) kredit axboroti bilan ishlash uchun faqat tegishli ruxsatga ega bo'lgan xodimlar qo'yilishi;

b) foydalanuvchilarning tizimga kirishi uchun autentifikatsiya qilish login va parol hamda apparat-dasturiy vositalar (token-maxsus qurilma) yordamida amalga oshirilishi. Bunda, parol 12 ta belgidan kam bo'lmagan raqam va simvollar kombinatsiyasidan iborat bo'lishi hamda parol va loginlarni muddati tugashiga qarab o'zgartirish imkoniyati bo'lishi lozim. Parolning amal qilish muddati bir oydan oshmasligi lozim;

v) kredit axboroti almashinuvida qatnashuvchi xodimlarning server va kompyuterlari telekommunikatsiya tarmoqlari orqali ishlashi uchun apparat-dasturiy vositalar bilan jihozlanishi;

g) axborotlarni qayta ishlash, uzatish va qabul qilish uchun ajratilgan serverlar va kompyuterlarga umumiy lokal tarmoqqa ulangan boshqa kompyuterlardan kirish imkoniyati bo'lmasligi;

d) kredit byurosi tomonidan uzatiladigan va qabul qilinadigan har qanday

axborot elektron raqamli imzo bilan tasdiqlanishi hamda bajarilgan ishlar bo'yicha ma'lumot avtomatik ravishda elektron jurnalga kiritilishi. Bunda, elektron raqamli imzo yopiq kalitining egasi quyidagilarni amalga oshirishi shart:

elektron raqamli imzoning yopiq kalitidan foydalanish ustidan nazoratni ta'minlashi;

elektron raqamli imzo kaliti sertifikatini bergan elektron raqamli imzolar kalitlarini ro'yxatga olish markaziga elektron raqamli imzoning yopiq kalitidan foydalanish rejimi buzilganligi yoki buzilishi ehtimoli borligi to'g'risida xabar qilishi va elektron raqamli imzo kaliti sertifikatining amal qilishini to'xtatib turishni yoxud mazkur sertifikatni bekor qilishni talab qilishi;

o'zi vakil bo'lgan yuridik shaxs qayta tashkil etilganda va tugatilganda, bu haqda elektron raqamli imzo kaliti sertifikatini bergan elektron raqamli imzolar kalitlarini ro'yxatga olish markaziga xabar qilishi;

e) elektron raqamli imzo ochiq kalitining foydalanuvchisi elektron raqamli imzoning haqiqiyliги tasdiqlanmagan hollarda elektron raqamli imzoning yopiq kaliti egasiga xabar berishi;

j) kredit byurolarining tizimlarida kredit axborotiga tegishli bo'lmagan axborotlarning uzatilishi taqiqlanishi;

z) elektron axborot almashinuvida virtual tarmoqlar (VPN) asosida tashkil etilgan va himoyalangan aloqa kanallari qo'llanilishi.

Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha qo'shimcha axborotni muhofaza qilish vositalari qo'llanilishi mumkin.

26. Mazkur Nizomning 25-bandida ko'rsatilganlardan tashqari tizim ishtirokchilari kredit axboroti almashinuvi uchun umumiy foydalanishdagi telekommunikatsiya tarmoqlaridan tegishli shartnomalar asosida foydalanishlari mumkin. Bunda:

foydalanuvchilarni tizimga kirishida autentifikatsiya qilish login va parol (12 ta belgidan kam bo'lmagan raqam va simvollar kombinatsiyasi) yoki apparat-dasturiy vositalar yordamida amalga oshirilishi. Autentifikatsiya natijasi uch marta noto'g'ri bo'lgan holda, tizim berkitilishi lozim;

kredit byurolarining foydalanuvchilar, axborotni yetkazib beruvchilar va boshqa kredit byurolari bilan elektron axborot almashinuvi kriptografik himoyalash va xavfsiz uzatishni ko'zda tutadigan protokol (SSL protokol) orqali amalga oshirilishi. Bunda, virtual xususiy tarmoqlar (VPN) asosida tashkil etilgan va himoyalangan aloqa kanallari qo'llanilishi kerak;

serverlar orqali uzatiladigan va qabul qilinadigan ma'lumotlar yangilangan bazali antivirus dasturi bilan tekshirilishi zarur.

27. Kredit byurolari tizim ishtirokchilari bilan tuzilgan shartnomalarda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash hamda konfidensial, jumladan bank sirini tashkil etuvchi va shaxsga doir ma'lumotlarning xavfsizligini ta'minlash bo'yicha talablarni belgilashi shart.

28. Kredit byurolari axborotlashtirish obyektlariga ruxsatsiz kirish hamda foydalanishni chegaralash maqsadida quyidagi choralarni ko'rishi kerak:

axborotlashtirish obyektlariga jismonan ta'sir etishni hamda texnik jihozlar mavjud bo'lgan bino va xonalarga kirishni nazorat qilish;

xodimlarning axborotlashtirish obyektlariga kirishini nazorat qilish va ma'lumotlarning ruqsatsiz tarqalishidan himoyalash tizimlarini joriy qilish;

serverlar va telekommunikatsiya qurilmalari joylashgan xonalarda ishlash jarayonlarini videokuzatuv tizimlari yordamida nazorat qilish.

29. Kredit byurolari barcha turdagi ma'lumotlarni (shu jumladan, bank sirini tashkil etuvchi, shaxsga doir va boshqa qonun bilan muhofaza qilinadigan ma'lumotlarni) saqlovchi axborot tizimlarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligini ta'minlashlari shart.

30. Kredit byurolari masofadan xizmat ko'rsatuvchi axborot tizimlarini amaliyotga joriy etish hamda ularga o'zgartirish kiritishdan avval quyidagilarni ta'minlashlari shart:

masofaviy axborot tizimlarining barcha funksiyalarini sinov (test) tarzida to'liq tekshiruvdan o'tkazish;

masofaviy axborot tizimlarini texnik topshiriqlar, ularning texnik topshiriqqa va kiberxavfsizlik talablariga muvofiqligi yuzasidan ekspertizadan o'tkazish hamda ularning natijalari bo'yicha olingan ekspertiza xulosalarini Markaziy bankka taqdim etish;

dasturlarni ishlatish bo'yicha yo'riqnomalarni ishlab chiqish va ularning aktualligini ta'minlagan holda mijozlarga taqdim etish;

aniqlangan zaifliklarni bartaraf etish uchun o'zgarishlar kiritilishini ta'minlash; mijozlar qo'llayotgan dasturlarning aktualligini nazorat qilish.

Kredit byurolari masofaviy axborot tizimlarining yangi talqinini (versiyasini) joriy etganidan so'ng eski talqindan (versiyadan) foydalanishni cheklashi va yangi talqinga (versiyaga) o'tishi (yangilashi) lozim.

31. Kredit byurolari kredit axborotidan foydalanuvchilar bilan tuzilgan shartnomalarda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha tomonlarning majburiyatlarini belgilagan bo'lishi kerak.

32. Kredit byurolari axborotning konfidensialligi va yaxlitligini, shu jumladan shaxsga doir ma'lumotlarni muhofaza qilishda hamda xavfsizlikni ta'minlashda quyidagi choralarni ko'rishlari lozim:

axborot tizimlari orqali ishlov beriladigan konfidensial va shaxsga doir ma'lumotlarning yaxlitligi va daxlsizligini ta'minlash hamda ulardan foydalanish tartibini ishlab chiqish va tasdiqlash;

ichki hujjatlar bilan tartibga solinadigan himoyalananadigan ma'lumotlar bilan ishlashda xavfsizlik va konfidensiallikni ta'minlash qoidalari va talablarini ishlab chiqish;

konfidensial va shaxsga doir ma'lumotlar bilan ishlovchi xodimlar sonini imkon darajasida kamaytirish, xodimlar bilan konfidensial va shaxsga doir ma'lumotlar oshkor etilishining oldini olish bo'yicha majburiyatnomalar (shartnoma) tuzish va ushbu ma'lumotlardan foydalanish huquqlarini xodimlarning lavozim majburiyatlaridan kelib chiqib belgilash;

konfidensial ma'lumotlar ro'yxatini yuritish bo'yicha komissiya tarkibini shakllantirish va tasdiqlash;

konfidensial ma'lumotlar ro'yxati va hajmini aniqlash hamda tasdiqlash;

konfidensial ma'lumotlar bilan ishlashga ruxsat berilgan xodimlar ro'yxatini shakllantirish va tasdiqlash;

axborotlashtirish obyektining texnik pasportini ishlab chiqish va tasdiqlash;

konfidensial ma'lumotlarni tashuvchi vositalarni ro'yxatga olish, yo'q qilish hamda tashqariga olib chiqish va kirish jurnallarini yuritish;

ma'lumotlar yaxlitligi va xavfsizligini ta'minlash maqsadida elektron raqamli imzo kalitlaridan foydalanish hamda shifrlangan ma'lumotlarni saqlash tartibini belgilash;

konfidensial va shaxsga doir ma'lumotlar mavjud bo'lgan axborot resurslariga kirishda identifikatsiya, autentifikatsiya va avtorizatsiya qilinishini ta'minlash;

konfidensial va shaxsga doir ma'lumotlar bilan ishlash huquqlarining ruxsatsiz berilishini oldini olish;

axborot tizimlari foydalanuvchilarining muhofazalangan ma'lumotlariga kirish, ishlov berish, ularni saqlash hamda taqdim etish jarayonidagi amalga oshirilgan harakatlarni elektron bayonnomalarda qayd etib borish;

tashqi saqlovchi qurilmalar va texnik vositalarning binodan tashqariga olib chiqilishini nazorat qilish;

ma'lumotlarni uzatish, saqlash, ishlov berish, o'chirish hamda ruxsatsiz chetga chiqib ketishini oldini olish chorolari ta'minlash.

33. Axborot tizimlari va resurslari hamda mobil ilovalarning dastur kodida mavjud zaifliklar dasturchilar yordamida va (yoki) maxsus dasturiy ta'minotda tekshirilishi, aniqlangan zaifliklar bartaraf etilishi hamda har bir tekshiruv natijalari bo'yicha dalolatnoma rasmiylashtirilishi lozim.

5-bob. Ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimi

34. Kredit byurolari axborot tizimining ma'lumotlar bazasi sozlanishlarida xatoliklarning oldini olishi va tajovuzkorning quyidagi harakatlarini cheklashlari shart:

ma'lumotlar bazasiga kirish;

ma'lumotlar bazasining maxsus interfeysini qo'llash, buyruqlar kiritish va dasturlarni ishlatish;

administrator va foydalanuvchilar parollarini bilib olish;

ma'lumotlar bazasining tizim fayllariga kirish;

zararli dasturlar o'rnatish;

serverning ilova dasturlariga egalik qilish;

ma'lumotlar bazasi va serverga masofadan hujum qilish.

Kredit byurolari axborot tizimining ma'lumotlar bazasiga kiritiladigan barcha dasturiy o'zgartirishlarni hujjatlashtirishi va o'zgartirishlarning hisobini yuritishi shart.

35. Kredit byurolari axborot tizimining ma'lumotlar bazasiga kiritilgan dasturiy o'zgartirishlarni testdan (sinovdan) o'tkazish, ijobiy natijaga erishilganidan keyin bazaga kiritish hamda kiritilgan o'zgartirishlarni hujjatlashtirish va hisobini yuritish Xizmat tomonidan axborotlashtirish bo'yicha mas'ul xodim bilan birgalikda amalga oshiriladi.

36. Ma'lumotlar bazasida o'rnatilgan serverning ish jarayoni uchun zarur

bo'lmagan xizmatlar to'xtatilishi va axborot portlari yopib qo'yilishi lozim. Ishlatiladigan axborot portlarining ro'yxati va foydalanish maqsadi ko'rsatilgan holda kredit byurosi direktori tomonidan tasdiqlanadi.

37. Ma'lumotlar bazasining administratori va ma'lumotlar bazasida axborot xavfsizligini ta'minlovchi xodimlarning vazifa va vakolatlari kredit byurosining ichki hujjatlari bilan belgilanadi.

38. Ma'lumotlar bazasi administratorining paroli 12 ta belgidan kam bo'lmasligi lozim, bunda parolning belgilari sifatida pastki va yuqori registr harflari, raqamlar va maxsus belgilardan (@, #, \$, &, % va h.k.) qo'llaniladi.

6-bob. Axborot tizimlarida vakolatlarni cheklash va ro'yxatga olishda xavfsizlikni ta'minlash

39. Kredit byurolari axborot tizimlarida ishlash jarayonida, shu jumladan ishlab chiqish va sinovdan o'tkazish jarayonida vakolatlarni chegaralash uchun quyidagi choralarni ko'rishlari lozim:

axborot tizimlarida ishlash huquqlarini belgilovchi tartib va qoidalarni ishlab chiqish va ularni lavozim yo'riqnomalarida aks ettirish hamda tegishli hujjatga (ariza, talabnoma yoki boshqa shaklga) asosan tizimdan foydalanish tartibini ta'minlash;

axborot tizimlarida ishlash huquqi berilgan mas'ul xodimlar ro'yxatini shakllantirish;

axborot tizimlarida ishlash huquqlarini belgilash va taqsimlash bilan bog'liq harakatlarni ro'yxatga olish;

axborot tizimlarida ishlash huquqlari mantiqan va ish vazifasidan kelib chiqib to'g'ri belgilanganligini davriy (har chorakda bir marotaba) tekshirib turish;

axborot tizimlarining ishlashi va sinovdan o'tkazilish davrida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash hamda berilgan axborot tizimlarida ishlash huquqlari to'g'riligini nazorat qilish;

axborot tizimi foydalanuvchilari axborot tizimi tomonidan berilgan huquqlarni o'zgartirish imkoniyatiga ega bo'lmasligini ta'minlash hamda bu huquqlarni begona shaxslarga berishni cheklash choralari ko'rish.

40. Kredit byurolari o'zlarining axborot tizimlariga o'zgartirish kiritish uchun boshqa tashkilotlarni jalb qilganda quyidagilarni amalga oshirishlari zarur:

konfidensial va shaxsga doir ma'lumotlarni oshkor etmaslik bo'yicha bitim tuzish;

axborot tizimlarida muhofaza qilinadigan ma'lumotlar bilan ishlashni belgilangan tartibda ruxsat berish asosida amalga oshirish;

tegishli litsenziya va (yoki) boshqa ruxsatnomaga ega bo'lgan (agar ushbu faoliyat litsenziya yoki tegishli ruxsatnoma asosida amalga oshirilsa) tashkilotlarni jalb qilish;

axborot tizimlarini loyihalash bosqichida ma'lumotlarning konfidensialligini ta'minlash choralari ishlab chiqish;

ko'riladigan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha choralar (amalga oshiriladigan ishlar, o'rnatiladigan dasturlar, qurilmalar va

boshqalar) va aniq ko'rsatilgan texnik topshiriqni qabul qilish (test sinovlarini amalga oshirish rejasini) hamda boshqa tegishli hujjatlarni rasmiylashtirish;

dasturiy ta'minotni ishlab chiqqan va unga o'zgartirish kiritgan (kiritadigan) tashkilotlar ro'yxatini tuzish;

axborot tizimlarini ishlab chiqish va joriy etishning taxminiy muddatlarini hamda shartlarini belgilab olish;

jalb qilingan tashkilot xodimlari tomonidan axborot tizimlariga kiritiladigan o'zgartirishlarning asoslilikini, mavjud texnik topshiriqlarga mosligini, axborot tizimiga aloqador bo'lmagan dasturlar (tizim funksiyalari) kiritilmasligi va test sinovlari natijalarining ijobiyligini Xizmat hamda axborotlashtirish bo'yicha mas'ul xodim tomonidan nazoratga olish.

41. Axborot tizimlariga o'zgartirish kiritgan tashkilot o'z vazifasini amalga oshirganidan so'ng yoki u bilan tuzilgan shartnoma muddati tugaganida, unga ma'lum bo'lgan barcha konfidensial ma'lumotlar (identifikator, parollar va boshqalar) hamda tizimga kirish imkoniyatlari Xizmat tomonidan o'zgartirilishi lozim.

42. Axborot tizimlariga kirish huquqi mavjud bo'lgan foydalanuvchilarni har yili kamida bir marotaba xatlovdan (inventarizatsiyadan) o'tkazish va huquqlarini qayta ko'rib chiqish lozim.

43. Axborot tizimidan bank sirini tashkil etuvchi va shaxsga doir ma'lumotlarni olish jarayonida anomal (frod) holatlarni aniqlash mexanizmi joriy etilishi lozim.

7-bob Internet tarmog'idan foydalanishda axborot xavfsizligini va kiberxavfsizlikni ta'minlash

44. Kredit byurolari elektron pochta tizimi serverini o'zining lokal hisoblash tarmog'ida yaratadi.

Kredit byurolari internet tarmog'i va elektron pochta tizimlaridan foydalanishda axborot muhofazasini ta'minlash, xodimlarni tizimga kiritish, ularga cheklavlar qo'yish, xodimlar harakati va tizim axborot xavfsizligi ustidan nazorat qilishni o'zining ichki hujjatlarida belgilaydi.

45. Kredit byurolari tomonidan konfidensial va shaxsga doir ma'lumotlar ruxsat berilgan axborot tizimlari orqali yuborilishi shart.

46. Fayllarni uzatish protokoli (FTP) serverida tashkil qilingan umumiy katalog orqali fayl almashinuvini amalga oshirish va bank siri ma'lumotlarini tarmoqda erkin o'qish uchun joylashtirish taqiqlanadi.

47. Kredit byurolari tomonidan internet va elektron pochta orqali yuborishga tayyorlangan yoki qabul qilingan har bir elektron ma'lumot antivirus dasturi yordamida tekshirilishi shart. Elektron pochta orqali qabul qilingan ma'lumotlar zarar keltirmasligi uchun qumdonda (Sandbox tizimi) tekshirilishi lozim.

48. Kredit byurolari o'zining elektron pochta tizimi hamda internet tarmog'idan foydalanish tartibini ichki hujjatlari bilan belgilaydi hamda elektron pochta orqali yuborilgan va qabul qilingan ma'lumotlarni Xizmat tomonidan nazorat qilinishini ta'minlaydi. Bunda faqat ruxsat berilgan foydalanuvchilar internet tarmog'idan foydalanishi va internet tarmog'idan foydalanishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash choralari ko'rilishi kerak.

49. Internet tarmog‘i va bank telekommunikatsiya tarmog‘i alohida marshrutizator (router) va alohida tarmoqlararo ekran (firewall) qurilmalari orqali jismonan ulanishi shart.

50. Axborot muhofazasini kuchaytirish maqsadida tarmoq protokolida (TCP/IP) tarmoq tranzit paketlarining IP manzillarini o‘zgartirish imkonini beruvchi tarmoq adreslarini o‘zgartirish protokoli (NAT) qo‘llanilishi mumkin. Bunda tarmoq orqali barcha ulanishlarning elektron jurnallari asl IP manzillar ko‘rsatilgan holda yuritilishi va belgilangan tartibda elektron arxivga olinishi shart.

51. Internet tarmog‘idan foydalanish tartibi nazoratga olingan bo‘lishi va kredit byurosi xodimlarining internet tarmog‘idan foydalanishlari ularning lavozim yo‘riqnomasiga asosan belgilanadi.

Internet tarmog‘idan foydalangan xodimning logini, foydalanish vaqti, resurs nomi va boshqa ma‘lumotlar aks ettirilgan elektron bayonnomalar yuritilishi kerak. Xizmat ushbu elektron bayonnomalarni tahlil qilib boradi.

52. Internet tarmog‘idan foydalanishda axborot muhofazasini ta‘minlash yangi avlod tarmoqlararo ekran qurilmalari, proksi-server, antivirus, tajovuzlarni aniqlash va oldini olish (IDS/IPS), anti-spam, anti-bot va boshqa axborot xavfsizligi tizimlarini qo‘llash yo‘li bilan amalga oshiriladi.

8-bob. Axborot tizimlari va resurslari monitoringi

53. Kredit byurolari konfidensial ma‘lumotlardan va o‘ta muhim mantiqiy hamda jismoniy resurslardan (axborot tizimlari, ma‘lumotlar bazalaridan, axborotni himoya qilish modullaridan) foydalanish monitoringini amalga oshiradi. Bunda monitoring qilishda quyidagilar belgilanadi:

axborot infratuzilmasining axborotga ishlov berish, ularni saqlash va tarmoqda uzatish uchun qo‘llaniladigan dastur va qurilmalar hisobini yuritish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik hodisalarini tahlil qilish, axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik holatini monitoring qilish hamda ogohlantirish imkonini beruvchi SIEM (Security Information and Event Management) yoki boshqa tizimlarni joriy qilish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligi holatini monitoring qilishni amalga oshiruvchi tizim ma‘lumotlarini tahlil qilib borish va aniqlangan holatlarni (tarmoqqa ruxsatsiz kirish va kirishga urinish, tizimdagi to‘xtalishlar, axborot resurslarining yetishmovchiligi, tarmoqdagi uzilishlar, axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligini ta‘minlashdagi cheklanishlar va boshqa hodisalar) bartaraf etish va (yoki) ularning oldini olish bo‘yicha choralar ko‘rish;

konfidensial ma‘lumotlardan va o‘ta muhim mantiqiy hamda jismoniy resurslardan (tarmoqlar, axborot tizimlari, ma‘lumotlar bazalari va axborotni himoya qilish modullaridan) ruxsatsiz foydalanishning oldini olish bo‘yicha choralar ko‘rish;

foydalanuvchi operatsiyani amalga oshirgan sana (kun, oy, yil) va vaqt (soat, daqiqa, soniya), uning amalga oshirgan operatsiyasi foydalanuvchiga avtomatlashtirilgan tizimlarda hamda axborot dasturlarida berilgan identifikatsiya raqami, tizimlarga kirishda mavjud bo‘lgan identifikatsiya ma‘lumotlari (IP-manzil,

MAC-manzil va boshqa), avtomatlashtirilgan tizimlar tomonidan foydalanuvchiga huquq berilishi bilan bog'liq harakatlarni qayd etish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik holatini monitoring qilish tizimlarini Markaziy bank "CERT-CBU" kiberxavfsizlik markazining monitoring tizimiga bog'lanishini ta'minlash;

axborot dasturlari va avtomatlashtirilgan tizimlar ishlatilishi bilan bog'liq foydalanuvchilarning harakatini (operatsiya) qayd etish.

9-bob Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik hodisalarini boshqarish

54. Kredit byurolari axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga doir talablarning buzilishi bilan bog'liq bo'lgan hodisalarni aniqlash maqsadida quyidagi ishlarni tashkil etishi shart:

qo'llanilishi zarur bo'lgan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik bo'yicha tashkiliy choralarini aniqlash;

mavjud texnik qurilmalarni ishlatish, sozlash hamda ulardagi ma'lumotlarni qayd etish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablarining buzilishi bilan bog'liq hodisalarni aniqlash choralarini ko'rish hamda ushbu holatlar kredit byurosi xodimlari tomonidan aniqlanganda Xizmatni xabardor qilish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablarining buzilishi bilan bog'liq hodisalar yuzaga kelganda, ularni bartaraf etish, yuzaga kelish sabablarini aniqlash, tahlil qilish hamda aniqlangan hodisalar yuzaga kelmasligi bo'yicha tegishli choralar ko'rish;

aniqlangan hodisalarni ro'yxatga olib borish (reystri yuritish);

aniqlangan hodisalar to'g'risidagi ma'lumotlarni saqlash tartibini belgilash;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashning boshqa choralarini ko'rish.

Kredit byurolari axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablarining buzilishi bilan bog'liq hodisalar to'g'risida Markaziy bankka zudlik bilan yozma yoki elektron shaklda xabar berishi shart.

55. Kredit byurolari axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha talablarning buzilishi bilan bog'liq hodisalarning oldini olish maqsadida quyidagilarni belgilashi shart:

axborot tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik tavakkalchiliklarini boshqarish tartibi va ularni baholash mezonlari;

axborot tizimida noxush hodisalar yuzaga kelganda o'zaro harakatlanish tartibi;

sodir bo'lgan noxush hodisalarga nisbatan ta'sir choralarini ko'rish bo'yicha amalga oshiriladigan harakatlar ro'yxati;

ishning uzluksizligini ta'minlash, axborotni qayta tiklash hamda boshqa salbiy holatlarni bartaraf etish choralari;

xodimlar tomonidan mavjud axborot tizimlarida ishlashda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablari;

yuzaga kelgan hodisalarning kelib chiqish omillarini aniqlash maqsadida tarmoq

qurilmalari va axborot tizimlarining elektron bayonnomalarini rasmiylashtirish, yig'ish, tahlil qilish hamda ularga asosan tegishli ko'rsatmalar.

56. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga doir talablarning buzilishi bilan bog'liq aniqlangan hodisalar sabablarini tahlil qilish hamda ularga ta'sir ko'rsatish natijalarini baholash lozim. Bunda aniqlangan hodisalar sabablarini tahlil qilish hamda ularga ta'sir ko'rsatish natijalarini baholash tizimi quyidagilarni o'z ichiga olishi shart:

aniqlangan hodisalarga nisbatan ta'sir choralari ko'rilgandan keyin ushbu hodisalarning kelib chiqish sabablarini Xizmat tomonidan tegishli bo'linmalar bilan birgalikda tahlil qilish tartibi;

axborot tizimlarining tegishli elektron bayonnomalarini o'rganish hamda aniqlangan hodisaning yuzaga kelishiga sababchi bo'lgan xodimlardan tushuntirishlar olish;

hodisalarning kelib chiqish sabablariga oydinlik kiritib, bunday holatlar yuzaga kelmasligi yoki yuzaga kelganda uning zarar keltirish imkoniyatlarini kamaytirish choralari ko'rish (shu jumladan, tegishli mutaxassislarni jalb qilgan holda);

hodisalarning salbiy ta'sir ko'rsatish darajasiga qarab tasniflash va baholash mezoniga asosan ularni baholash.

Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga doir talablarning buzilishi bilan bog'liq aniqlangan hodisalarga nisbatan ko'rilgan ta'sir choralari, ularni baholash natijalari va boshqa qo'shimcha ma'lumotlar chop etilishi hamda alohida yig'majildda saqlanishi zarur.

10-bob. Axborot tizimining uzluksiz ishlashini yo'lga qo'yish va elektron arxiv yuritish

57. Axborot tizimlarining uzluksiz ishlashi va barqarorligini ta'minlash maqsadida quyidagi choralar ko'rilishi shart:

asosiy axborot tizimlari ishdan chiqqan holatlarda xizmatlardan foydalanishni kamida 99,9 foiz darajada ta'minlay olish imkoniyatiga ega zaxira server quvvatlariga ega bo'lishi;

real vaqt rejimida ma'lumotlarni qayta ishlovchi axborot infratuzilmasida kamida 30 foizgacha zaxira joy bo'lishi;

axborot tizimi bilan bog'liq tarmoq va boshqa qurilmalar nosoz holatga kelganda, uni ish jarayoniga keltirish va uzluksiz ishlashini ta'minlash;

operatsion tizim, dasturiy ta'minotlar, axborot tizimlarining dasturlari, ma'lumotlar (ma'lumotlar bazasi, sozlamalari, elektron bayonnomalar) nusxalarini zaxiraga (backup) olish va elektron arxivda saqlash hamda ularni qayta tiklash tartibini (mexanizmini) ishlab chiqish, ularning hisobini yuritish va nazoratini olib borish;

zaxira tiklanish rejasi, texnik qurilma va uskunalarga ega bo'lish;

ma'lumotlarning zaxiraga olingan (backup) nusxalarini texnik nosozliklarda va favqulodda vaziyatlarda qayta tiklash rejasini ishlab chiqish va davriy (bir yilda bir marotaba) ravishda axborot tizimini qayta tiklab tekshirish;

zaxira nusxalarini saqlash muddati, tartibi va zaxiradan yechish qoidalariga rioya qilish;

dasturlarga o'zgartirish kiritishni sinov (test) uchun mo'ljallangan serverlarda tekshirish;

tizimdagi qurilma va uskunalarning ishlashini nazorat qilish;

axborot tizimining uzluksizligiga salbiy ta'sir etishi mumkin bo'lgan holatlarni oldini olish va axborot muhofazasini ta'minlash;

dizel elektr stansiyasi va (yoki) boshqa elektr ta'minoti uzluksizligini ta'minlash vositalaridan (UPS va boshqalar) foydalanish;

ishlov berilgan ma'lumotlarni saqlash va ularning elektron arxivda yuritilishini ta'minlash;

mijozlarning harakatiga tegishli bo'lgan ma'lumotlarni kamida besh yil saqlanishini ta'minlash;

elektron arxiv yuritishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga doir talablarga rioya etilishi bo'yicha ishchi guruh tuzgan holda bir yilda kamida ikki marotaba tekshirish va natijalari to'g'risida Markaziy bankka ma'lumot berish;

axborot uzatish zaxira tarmoqlariga ega bo'lish.

58. Kredit byurolari asosiy axborot tizimlari joylashgan joydan 50 kilometrdan kam bo'lmagan masofada joylashgan hududlardagi shahar markazlarida zaxira axborot tizimlarini tashkil etishi lozim. Bunda asosiy va zaxira axborot tizimlari O'zbekiston Respublikasi hududida tashkil etiladi.

Axborot tizimlaridagi ma'lumotlar (elektron bayonnomalar va h.k) elektron arxivlarda kamida ikki nusxada (xususan, asosiy va zaxira axborot tizimlarining har birida bitta nusxadan) saqlanishi mumkin.

59. Kredit byurosi o'z faoliyati davomida shakllanadigan barcha axborot va hujjatlarni raqamli shaklda tartibli ravishda saqlash maqsadida elektron arxiv tizimini tashkil etishi va yuritishi shart.

Elektron arxivda quyidagi ma'lumotlar majburiy ravishda saqlanishi lozim:

foydalanuvchilarning tizimga kirish va chiqish jurnallari (bayonnomalari);

yozuvlar ustida amalga oshirilgan harakatlar (yaratish, o'zgartirish, o'chirish) bo'yicha bayonnomalar (loglar);

kredit tarixiga oid barcha kiruvchi va chiquvchi so'rovlar;

kredit tarixini tuzatish yoki rad etish bo'yicha ariza va qarorlar;

elektron pochta orqali qabul qilingan va yuborilgan hujjatlar;

ARP (Address Resolution Protocol) jadvallari, tizim xatoliklari va ruxsatsiz kirish urinishlari haqida texnik bayonnomalar (loglar);

zaxiralash va tiklash bo'yicha amaliyotlar jurnali.

60. Zaxira nusxalarni saqlash, yuritish va ulardan foydalanish bilan bog'liq talablar quyidagilarni o'z ichiga oladi:

a) zaxira nusxalarni saqlash muddati:

tizim konfiguratsiyasi, elektron bayonnomalar va log fayllar — bir yil;

moliyaviy va mijozlarga oid operatsion ma'lumotlar — besh yil;

ichki xizmatlar faoliyatiga tegishli joriy ma'lumotlar — olti oyni tashkil etadi;

b) zaxira nusxalarini tiklash va o'chirish faqat vakolatga ega bo'lgan

mas'ul xodimlar tomonidan amalga oshirilishi lozim. Bunda, barcha harakatlar rasmiylashtirilishi va elektron bayonnomalar (log)da qayd etilishi kerak;

s) saqlash muddati yakuniga yetgan zaxira nusxalar ularning maxfiylik darajasi va axborot xavfsizligi talablari inobatga olingan holda qayta tiklab bo'lmaydigan qilib yo'q qilinadi. Bunda, barcha jarayonlar elektron bayonnomalar (log)da qayd etiladi.

61. Kredit byurolarining faoliyati tugatilganda, ulardagi mavjud elektron arxivning axborot resurslari qonunchilikda belgilangan tartibda tegishli davlat yoki nodavlat arxivlariga topshiriladi.

Kredit byurolari qayta tashkil etilganda, ularning elektron arxiv ma'lumotlari tegishli davlat arxivlari bilan kelishilgan holda mazkur tashkilotning huquqiy vorislari elektron arxiviga topshiriladi.

11-bob. Server xonalarining xavfsizlik talablari

62. Kredit byurolari hududidagi server xonasida byuroning axborot tizimlari, ma'lumotlar bazasi, veb-serverlari va boshqa serverlar joylashtiriladi.

Agar serverlar O'zbekiston hududida joylashgan hamda bank telekommunikatsiya tarmog'iga ulangan ma'lumotlarni qayta ishlash markazlarida joylashtirilsa, ma'lumotlarni qayta ishlash markazlari server joylashgan xonalarining xavfsizligini xalqaro talablar doirasida ta'minlashi lozim.

63. Kredit byurolari server xonaning kafolatli elektr ta'minoti tizimini joriy etishi lozim, bunda turli elektr podstansiyalardan elektr ta'minotining ikkita kirishlari va bitta avtomatik tarzda ishga tushuvchi dizel elektr stansiyasi mavjud bo'lishi kerak. Elektr energiyasining barcha uchta manbai elektr ta'minotining asosiy (zaxira) fideriga avtomatik tarzda qayta ulanishi ta'minlanishi kerak.

64. Elektr ta'minoti liniyalarining, avtomatik dizel elektr stansiyasi va uning zaxirasi avtomatik kirishining parametrlari uskuna va server xonasi tizimlarining iste'mol qilinadigan umumiy quvvatidan kelib chiqib aniqlanishi va quvvat bo'yicha zaxiraning kamida 10 foizini ta'minlashi kerak.

65. Kredit byurolari uzluksiz ishlashi uchun kamida bir sutkaga yetadigan yoqilg'i zaxirasiga ega bo'lgan dizel elektr stansiyasi bilan ta'minlanishi lozim, bunda kredit byurosida elektr quvvati bo'lmaganda dizel elektr stansiyasi avtomatik ravishda ishga tushishi kerak.

66. Kredit byurolari server xonasini uzluksiz elektr ta'minoti manbai (UPS) bilan jihozlashlari lozim.

Bunda elektr ta'minoti manbai (UPS) quvvati barcha ta'minlanadigan uskuna va kelajakdagi ehtiyoj uchun zaxira hisobga olingan holda joriy qilingan bo'lishi kerak. Elektr ta'minoti manbai (UPS) orqali avtonom ishlash vaqtini aniqlashda ehtiyojlar, shuningdek zaxira liniyalarga yoki avtomatik dizel elektr stansiyasiga o'tish va qayta o'tish uchun kerak bo'ladigan vaqt hisobga olinadi.

67. Server xonasiga kirish faqat tasdiqlangan ro'yxatga muvofiq amalga oshiriladi.

Server xonasiga kirishga ruxsat berilgan xodimlar ro'yxatida bo'lmagan shaxslar server xonasiga kirish zarurati paydo bo'lgan hollarda ularning kirishi

asoslangan holda talabnoma bilan rasmiylashtirilishi lozim. Ushbu talabnoma axborot texnologiyalari bo‘linmasi rahbari tomonidan ko‘rib chiqilishi va imzolanishi, shuningdek Xizmat rahbari bilan kelishilishi zarur. Server xonasiga kirish server administratori kuzatuv ostida amalga oshiriladi.

68. Server xonasiga xodimlar kirishni nazorat qilish tizimi orqali nazoratdan o‘tgan holda (biometrik yoki boshqa usullardan) kirishi kerak.

69. Server xonasiga axborot tizimlariga xizmat ko‘rsatuvchi tashkilotlar xodimlari kiritilganda, bu haqda ro‘yxatga olish jurnaliga server xonalariga kirish va chiqish sanasi, vaqti, amalga oshirilgan ishlar nomi, bajaruvchining familiyasi, ismi, lavozimi, tashkilot nomi yozilishi hamda ushbu xodimning imzosi qo‘yilishi kerak.

70. Server xonasi quyidagi jihozlanish talablariga javob berishi shart:

mustahkam devorlar va ishonchli to‘siqlarga ega bo‘lishi;

ishonchli (kodli) qulflar o‘rnatilgan mustahkam eshiklar bilan jihozlanishi;

derazalar xonaga kirishdan himoya qilish vositalariga ega bo‘lishi, shuningdek begona shaxslarning ko‘z yoki maxsus qurilmalar bilan kuzatishidan himoya qiluvchi deraza pardalari, qo‘riqlash va ogohlantirish qurilmalari bilan jihozlanishi;

yong‘in xavfsizligi talablariga muvofiq bo‘lishi.

71. Server xonasiga o‘rnatilgan videokuzatuv tizimi quyidagi talablarga javob berishi kerak:

serverlar bilan bevosita jismoniy kontaktlar yozib borilishi;

uzluksiz videokuzatuv amalga oshirilishi;

serverlarning (server shkaflarining) oldi va orqa tarafini kecha-yu kunduz nazorat qilish imkoniyati bo‘lishi;

videokameralarning tasvirga olish imkoniyatlari texnologik qurilmalarga xizmat ko‘rsatayotgan xodimlarning yuzlarini ishonch bilan farqlashiga yetarli bo‘lishi.

72. Server xonasining videokuzatuv qurilmalari ma‘lumotlari axborot tizimi lokal tarmoqlardan ajratilgan va tashqi ta’sirlardan himoya qilingan bo‘lishi hamda elektr ta‘minoti uzilgan vaqtdan boshlab 12 soat ichida energiyaga bog‘liq bo‘lmagan holda avtonom ravishda ishlash imkoniyatiga ega bo‘lishi, shuningdek videoarxiv 2 oydan kam bo‘lmasligi lozim.

73. Server xonasining videoarxiv ma‘lumotlarini yuritish va undan foydalanish Xizmat tomonidan amalga oshiriladi.

74. Server xonasi yong‘inga qarshi qurilmalar bilan jihozlangan bo‘lishi lozim.

75. Sovitish va ventilyatsiya quyi tizimiga qo‘yiladigan asosiy talablar quyidagilardan iborat:

a) server xonasida quyidagi iqlim sharoitlariga rioya qilinishi kerak:

xonadagi havo harorati: 18 — 24°C;

haroratning yo‘l qo‘yiladigan og‘ishlari: $\pm 2^\circ\text{C}$;

havoning nisbiy namligi 40 — 50 foiz.

Havoni sovitish tizimining haqiqiy sovitish quvvati server xonasida joylashgan barcha uskunalar va tizimlarning umumiy issiqlik chiqarishidan ortiq bo‘lishi kerak;

b) server xonasining havosini sovitish tizimi 100 foiz zaxiralashdan foydalangan holda bajariladi (har biri mustaqil ravishda xonaning havo rejimini ta'minlay oladigan ikkita mustaqil konditsioner).

76. Kredit byurolarining binolari himoya qilinishida ular zaruriy uskunalar, tashkiliy-texnik vositalar bilan jihozlanishi va tegishli dasturiy ta'minotlardan foydalanilishi lozim.

12-bob. Kredit axboroti foydalanuvchilariga qo'yiladigan talablar

77. Kredit axborotidan foydalanuvchilar kredit byurolarining axborot tizimlariga ruxsat etilmagan holda kirish, kredit axborotini yo'q qilib yuborish, o'zgartirish, undan boshqa shaxslar foydalanishi yoki uni oshkor etilishini oldini olish uchun tashkiliy va texnik choralar ko'rishi lozim.

78. Kredit byurolari kredit axborotidan foydalanuvchilar uchun axborot tizimida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha talablarni belgilashi hamda ijrosini nazorat va monitoring qilishi lozim.

Monitoring natijasida salbiy holatlar aniqlanganda, ushbu foydalanuvchiga nisbatan choralar ko'radi, jumladan uni axborot tizimiga kirishini cheklaydi.

13-bob. Yakuniy qoida

79. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo'ladi.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

582 Оғир касалликка чалинган маҳкумларни тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1854-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ–6196-сон «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 13 августдаги 12 ва 9-сон қарори (рўйхат рақами 1854, 2008 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 385-модда) билан тасдиқланган Оғир касалликка чалинган маҳкумларни тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

Тошкент ш.,
2025 йил 22 август,
42-сон

А. ТАШПУЛАТОВ

Соғлиқни сақлаш вазири

Тошкент ш.,
2025 йил 20 август,
7-сон

А. ХУДАЯРОВ

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлигининг 2025 йил
22 августдаги 42-сон ва Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2025 йил 20 августдаги
7-сон қарорига
ИЛОВА

**Оғир касалликка чалинган маҳкумларни тиббий
текширувдан ўтказиш ва уларни касаллиги туфайли жазони
ўташдан озод қилишга тақдим этиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қоидалар оғир касалликка чалинган маҳкумларни тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш тартибини белгилайди.».

2. 1-банддаги «Махсус тиббий комиссияси (бундан кейин матнда ИИВ махсус тиббий комиссия деб юритилади), жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ИИБ» деган сўзлар «махсус тиббий комиссияси (бундан буён матнда ИИВ махсус тиббий комиссияси деб юритилади), жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«раис — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тиббиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари (жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари тиббиёт бўлимлари бошлиқлари);

аъзолари — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тиббиёт бошқармаси бош инспектор-шифокорлари, жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари тиббиёт бўлимлари мутахассис шифокорлари (жами уч кишидан кам бўлмаган таркибда тузилади).».

4. 3-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. ИИВ махсус тиббий комиссияси таркиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, жойлардаги махсус тиббий комиссиялар таркиби эса Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланади. ИИВ махсус тиббий комиссияси Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазир-

лигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳамда ушбу Қоидаларга асосан фаолият юритади.»;

иккинчи хатбошидаги «Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш Бош бошқармаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти (бундан буён матнда Жазони ижро этиш департаменти деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «тиббий комиссияга» деган сўзлар «тиббий комиссиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 4-бандда:

иккинчи — тўртинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жазони ижро этиш департаменти тизимидаги маҳкумлар учун ихтисослашган касалхонада даволанаётган оғир беморлар ташхиси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тиббиёт бошқармаси бош инспектор-шифокорлари томонидан ҳам тасдиқланиши лозим.

Рухий ҳолатининг бузилиши юзага келган маҳкумлар руҳий касалликлар шифохонасида ёки руҳий касалликларни даволаш бўлинимасида стационар шароитда синчиклаб тиббий текширувдан ўтказиладилар.

Ушбу стационарларда уларга қўйилган клиник ташхис Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг психиатрия бўйича етакчи мутахассиси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тиббиёт бошқармасининг бош инспектор шифокор-психиатри томонидан маслаҳат кўригида тасдиқланиши лозим.»;

бешинчи хатбошидаги «врач-психиатр иштирокида психиатрик текширув» деган сўзлар «шифокор-психиатр иштирокида психиатрия текшируви» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «муассасанинг» деган сўз «жазони ижро этиш муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 5-бандда:

биринчи хатбошидаги «лаборатор таҳлиллар» деган сўзлар «лаборатория таҳлиллари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар маҳкумни соғлиқни сақлаш тизимидаги касалхоналарда қўшимча тарзда текшириш ва стационар шароитда даво муолажаларини ўтказишга зарурат бўлса жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи ушбу масалани шифокорлар томонидан киритилган билдиргида кўрсатилган вақтдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари билан аввалдан келишилган тартибга мувофиқ ҳал қилади.».

7. 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «эришилмаётганлиги,» деган сўз «эришилмаётганлиги» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бундай оғир беморларни ўз вақтида, ўрнатилган тартибда ИИБ маҳсул тиббий комиссияси кўригига тақдим этиш Жазони ижро этиш депар-

таменти тизимидаги маҳкумлар учун ихтисослашган касалхона, жойларда тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларининг (шу жумладан, манзил-колонияларнинг) тиббиёт бўлимлари ва ушбу муассасаларнинг бошликлари зиммасига юклатилади.»

8. 7-банднинг учинчи хатбошидаги «ИИБ, ИИБ Тиббиёт бўлимларининг» ва «муассаса» деган сўзлар тегишли равишда «Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари тиббиёт бўлимларининг» ва «жазони ижро этиш муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 8-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «рад қарори» деган сўзлар «рад этиш ҳақидаги қарор» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 10-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд мажлисида бемор маҳкум, унинг қонуний вакили, прокурор, қонунда белгиланган ҳолатларда ҳимоячи, тақдимнома киритган жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи ва касалхона (тиббиёт бўлими) масъул ходими ҳамда беморни даволовчи (руҳий ҳолати бузилган шахс масаласи кўрилаётганда — психиатр) шифокор иштирок этади.»;

учинчи хатбошидаги «муассаса» деган сўз «жазони ижро этиш муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 11-банддаги «прокурор, ҳимоячи ва маҳкум томонидан протест ёки шикоят киритилиши» деган сўзлар «прокурор томонидан протест киритилиши, маҳкум, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили томонидан шикоят берилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 13-бандда:

биринчи хатбошидаги «Маҳсус тиббий комиссиясига» деган сўзлар «махсус тиббий комиссиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «суд-психиатрик» деган сўзлар «суд-психиатрия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 14-бандда:

биринчи хатбошидаги «Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми» ва «муассаса» деган сўзлар тегишли равишда «орттирилган иммунитет танқислиги синдроми» ва «жазони ижро этиш муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «китобда» деган сўз «китобда» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «республика (вилоят) ОИТС Маркази» деган сўзлар «Республика (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) ОИТСга қарши кураш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 15-банддаги «муассаса» деган сўз «жазони ижро этиш муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 16-банддаги «муассаса бошлиғи маҳкумнинг» ва «ҳудудий судга» деган сўзлар тегишли равишда «жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи маҳкумни» ва «туман (шаҳар) судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 17-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ихтисослаштирилган илмий тиббий марказларда» деган сўзлар «ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 18-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Оғир касалликка дучор бўлганлиги туфайли суд ажримига кўра жазони ўташдан озод этилган шахс даволанишни давом эттириши учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан аввалдан белгилаб қўйилган, у озод этилган жазони ижро этиш муассасасига яқин жойлашган, унинг касаллиги хусусиятига мос бўлган, тегишли касалхонага кечиктирилмасдан ётқизирилиши шарт, бундан беморнинг қариндошлари илтимосига кўра, унинг розилиги билан, умумий саломатлик ҳолати у яшайдиган ёки танлаган манзилга етиб бориши мумкинлиги шифокор маълумотномаси билан қафолатланган ҳолатлар мустасно.»

18. 3-илованинг матнидаги «ИИВ Махсус тиббий комиссияси» деган сўзлар «ИИВ махсус тиббий комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

583 O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (6-sonli BHMS) “Ijara hisobi”ga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
24-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1946-2*

O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2009-yil 6-apreldagi 41-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1946, 2009-yil 24-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 17-son, 220-modda) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (6-sonli BHMS) “Ijara hisobi”ga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 26-avgust,
281-son

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
26-avgustdagi 281-son buyrug‘iga
ILOVA

**O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti
(6-sonli BHMS) “Ijara hisobi”ga kiritilayotgan o‘zgartirish va
qo‘shimchalar**

1. 1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. Mazkur BHMSning maqsadi xo‘jalik yurituvchi subyektlarda (bundan byudjet tashkilotlari, banklar va nobank kredit tashkilotlari mustasno) ijara operatsiyalarini buxgalteriya hisobida va moliyaviy hisobotlarda aks ettirishning yagona uslubiy asosini belgilash hisoblanadi.”

2. Quyidagi mazmundagi 1¹-band bilan to‘ldirilsin:

“1¹. Ijara operatsiyalarini buxgalteriya hisobining hisobvaraqlarida aks ettirish tartibi O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (21-sonli BHMS) “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-sentabrda e‘lon qilingan.

rejasi va uni qo'llash bo'yicha yo'riqnoma"ga (ro'yxat raqami 3593, 2024-yil 27-dekabr) muvofiq amalga oshiriladi.”

3. Quyidagi mazmundagi 5¹-band bilan to'ldirilsin:

“5¹. Ijarani tasniflash ijara munosabatlari boshlangan sanada amalga oshiriladi va ijara shartnomasiga o'zgartirishlar qilinganda ijaraning tasniflanishi qayta ko'rib chiqiladi. Hisob baholaridagi o'zgarishlar (masalan, tayanch aktivning iqtisodiy xizmat muddati yoki tugatish qiymati bo'yicha hisob baholaridagi o'zgarishlar) yoki holatlardagi o'zgarishlar (masalan, ijarachining o'z majburiyatlarini bajarmasligi) hisobga olish maqsadlarida ijarani qayta tasniflash zaruratini keltirib chiqarmaydi.”

4. Quyidagi mazmundagi 25¹ va 25²-bandlar bilan to'ldirilsin:

“25¹. Agar moliyaviy ijara shartnomasining sharti bo'yicha moliyaviy ijara obyektini sotuvchi tomonidan ijaraga beruvchini (lizingga beruvchini) chetlab bevosita ijaraga oluvchiga (lizingga oluvchiga) yetkazib berilsa, ijaraga beruvchining (lizingga beruvchining) buxgalteriya hisobida moliyaviy ijara obyektining kirimi va chiqimi to'g'risidagi yozuvlar moliyaviy ijara obyektining harakatini tasdiqlovchi birlamchi hujjatlar asosida amalga oshiriladi.

25². Agar moliyaviy ijara shartnomasining sharti bo'yicha ijaraga beruvchi (lizingga beruvchi) tomonidan moliyaviy ijara obyektini sotib olingan bo'lsa, lekin ijaraga oluvchi (lizingga oluvchi) ma'lum sabablarga ko'ra uni qabul qilishdan bosh tortsa, mazkur moliyaviy ijara obyektini undan foydalangunga yoki chiqib ketgunga qadar kapital qo'yilmalarni hisobga oluvchi schyotlarda (0800) hisobga olinadi.”

5. 33-banddagi “(ro'yxat raqami 1299, 2004-yil 20-yanvar)” degan so'zlar “(ro'yxat raqami 3546, 2024-yil 9-avgust)” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

6. 36-band o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

584 “Buxgalteriya hisobida ijara operatsiyalarini aks ettirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruq, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
24-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1961-2*

O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.
2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

J. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 26-avgust,
283-son

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
26-avgustdagi 283-son buyrug‘iga
ILOVA

**O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlar
RO‘YXATI**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2009-yil 11-maydagi 54-son “Buxgalteriya hisobida ijara operatsiyalarini aks ettirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1961, 2009-yil 1-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 23-son, 265-modda).
2. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2016-yil 28-sentabrdagi 75-son “Buxgalteriya hisobida ijara operatsiyalarini aks ettirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1961-1, 2016-yil 12-oktabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 41-son, 482-modda).

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-sentabrda e‘lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

**585 Ochiq valyuta pozitsiyasini yuritish qoidalariga o‘zgartirish
va qo‘shimchalar kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
24-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3301-1*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2021-yil 30-apreldagi 8/1-son qarori (ro‘yxat raqami 3301, 2021-yil 7-may) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 07.05.2021-y., 10/21/3301/0451-son) bilan tasdiqlangan Ochiq valyuta pozitsiyasini yuritish qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran bir oydan keyin kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 9-sentabr,
21/5-son

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
9-sentabrdagi 21/5-son qaroriga
ILOVA

**Ochiq valyuta pozitsiyasini yuritish qoidalariga kiritilayotgan
o‘zgartirish va qo‘shimchalar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar ochiq valyuta pozitsiyalari limitlarini, ularni hisoblash hamda banklar tomonidan ochiq valyuta pozitsiyalari limitlariga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishning o‘ziga xos jihatlarini belgilaydi.”.

2. 1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. Mazkur Qoidalarda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

valyuta pozitsiyasi — bankning chet el valyutasidagi va affinlangan (affinaj qilingan) qimmatbaho metallar (bundan buyon matnda qimmatbaho metallar deb yuritiladi) bo‘yicha talab va majburiyatlarining o‘zaro nisbatini ifodalovchi ko‘rsatkich bo‘lib, u bankning chet el valyutasi oldi-soldi operatsiyalarini

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-sentabrda e‘lon qilingan.

hamda boshqa operatsiyalarni amalga oshirishi natijasida chet el valyutasidagi va qimmatbaho metallar bo'yicha talablari va majburiyatlari miqdori o'zgarishi oqibatida yuzaga keladi;

ochiq valyuta pozitsiyasi — bankning chet el valyutasidagi va qimmatbaho metallar bo'yicha talablari miqdori uning chet el valyutasidagi va qimmatbaho metallar bo'yicha majburiyatlari miqdoriga mos (teng) bo'lmagan holatdagi valyuta pozitsiyasi;

uzun valyuta pozitsiyasi — bankning chet el valyutasidagi va qimmatbaho metallar bo'yicha talablari miqdori uning chet el valyutasidagi va qimmatbaho metallar bo'yicha majburiyatlari miqdoridan ortiq bo'lgan holatdagi ochiq valyuta pozitsiyasi;

qisqa valyuta pozitsiyasi — bankning chet el valyutasidagi va qimmatbaho metallar bo'yicha majburiyatlari miqdori uning chet el valyutasidagi va qimmatbaho metallar bo'yicha talablari miqdoridan ortiq bo'lgan holatdagi ochiq valyuta pozitsiyasi;

ochiq valyuta pozitsiyalari jami miqdori — barcha turdagi chet el valyutalari va qimmatbaho metallar bo'yicha ochiq valyuta pozitsiyalari yig'indisi;

qisqa valyuta pozitsiyalari jami miqdori — barcha turdagi chet el valyutalari va qimmatbaho metallar bo'yicha qisqa valyuta pozitsiyalari yig'indisi;

uzun valyuta pozitsiyalari jami miqdori — barcha turdagi chet el valyutalari va qimmatbaho metallar bo'yicha uzun valyuta pozitsiyalari yig'indisi;

bankning chet el valyutasidagi va qimmatbaho metallar bo'yicha talablari — bankning chet el valyutasidagi va qimmatbaho metallar bo'yicha aktivlari hamda “ko'zda tutilmagan holatlar” hisobvaraqlaridagi talablar;

bankning chet el valyutasidagi va qimmatbaho metallar bo'yicha majburiyatlari — chet el valyutasidagi va qimmatbaho metallar bo'yicha majburiyatlar hamda “ko'zda tutilmagan holatlar” hisobvaraqlaridagi majburiyatlar;

ochiq valyuta pozitsiyalari limitlari — har bir turdagi chet el valyutasi va qimmatbaho metallar bo'yicha ochiq valyuta pozitsiyalari va ochiq valyuta pozitsiyalari jami miqdorining bank regulyativ kapitaliga nisbatini o'zida ifodalovchi O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) tomonidan o'rnatiladigan limitlar;

“ko'zda tutilmagan holatlar” hisobvaraqlaridagi talab va majburiyatlar — chet el valyutasidagi va bazaviy aktivi qimmatbaho metallar bo'lgan hosilaviy (derivativ) moliyaviy vositalari (fyuchers, forvard, svop, opsiyonlar va boshqalar) bo'yicha oldi-sotdi shartnomalari tuzilishi natijasida bankda yuzaga keladigan talab va majburiyatlar.”.

3. 2-bandda:

ikkinchi xatboshi “chet el valyutasini” degan so'zlardan keyin “va qimmatbaho metallarni” degan so'zlar bilan to'ldirilsin;

beshinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“hisob-kitoblarni amalga oshirish usuli va shaklidan qat'i nazar chet el valyutasidagi va bazaviy aktivi qimmatbaho metallar bo'lgan hosilaviy (derivativ) moliyaviy vositalari (fyuchers, forvard, svop, opsiyonlar va boshqalar) bilan bog'liq

operatsiyalarni amalga oshirish natijasida chet el valyutasida hamda qimmatbaho metall bo'yicha yuzaga keluvchi talab va majburiyatlar;”.

4. 3-band “har bir chet el valyutasi” degan so'zlardan keyin “va qimmatbaho metallar” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

5. 4-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“4. Ochiq valyuta pozitsiyasini hisoblashda bankning chet el valyutasidagi va qimmatbaho metallar bo'yicha majburiyatlari miqdori uning chet el valyutasidagi va qimmatbaho metallar bo'yicha talablari miqdori bilan taqqoslanadi. Bunda qisqa valyuta pozitsiyasi “-” belgisi bilan, uzun valyuta pozitsiyasi “+” belgisi bilan ko'rsatiladi.”.

6. 6-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“6. Ochiq valyuta pozitsiyasi hisob-kitobida bankning chet el valyutasidagi va qimmatbaho metallar bo'yicha talab va majburiyatlari miqdori “Valyutalar savdosi va valyuta pozitsiyalari” hamda “Ko'zda tutilmagan holatlar” hisobvaraqlaridagi qoldiq asosida aniqlanadi. Ushbu hisobvaraqlarda valyuta va qimmatbaho metallar oldi-sotdisi va boshqa valyuta qiymatliklari bilan bog'liq operatsiyalarga oid bitimlarda, shu jumladan, bitim shartlariga ko'ra, u yoki bu shaklda chet el valyutasini ayirboshlash (konversiya) nazarda tutilgan operatsiyalardagi miqdor hisobi yuritiladi.”.

7. 7-band “chet el valyutasini” degan so'zlardan keyin “va qimmatbaho metallarni” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

8. 8-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. Banklarning milliy valyutaning chet el valyutalariga nisbatan qiymati va qimmatbaho metallarning narxi o'zgarishi bilan bog'liq bo'lgan valyuta hamda bozor tavakkalchiliklarini cheklash maqsadida Markaziy bank boshqaruvining qarori bilan banklar uchun ochiq valyuta pozitsiyasining quyidagilar bo'yicha limitlari belgilanadi:

har bir turdagi chet el valyutasi va qimmatbaho metall;

ochiq valyuta pozitsiyalarining jami miqdori;

qisqa valyuta pozitsiyalari jami miqdori;

uzun valyuta pozitsiyalari jami miqdori.

Bunda hosilaviy (derivativ) moliyaviy vositalar (fyuchers, forvard, svop, opsiyonlar va boshqalar) bo'yicha ochiq valyuta pozitsiyalarini hisoblashda mazkur vositalar bilan bog'liq operatsiyalarni amalga oshirish natijasida yuzaga keluvchi talab va majburiyatlar o'rtasidagi farq olinadi.”.

9. 14-bandning uchinchi xatboshisi “chet el valyutasi” degan so'zlardan keyin “va qimmatbaho metall” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

586 O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobi milliy standarti (21-sonli BHMS) "Xo'jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi va uni qo'llash bo'yicha yo'riqnoma"ga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
24-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3593-1*

O'zbekiston Respublikasining "Buxgalteriya hisobi to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 14-noyabrdagi 191-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3593, 2024-yil 27-dekabr) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 28.12.2024-y., 10/24/3593/1084-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (21-sonli BHMS) "Xo'jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi va uni qo'llash bo'yicha yo'riqnoma"ga ilovaga muvofiq qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 26-avgust,
282-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-sentabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
26-avgustdagi 282-son buyrug'iga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti
(21-sonli BHMS) "Xo'jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya
hisobining hisobvaraqlar rejasi va uni qo'llash bo'yicha
yo'riqnoma"ga kiritilayotgan qo'shimcha va o'zgartirishlar**

1. 1-ilovadagi 0860 "Moliyaviy ijaraga olingan asosiy vositalarga kapital qo'yilmalar" hisobvarag'idan keyin quyidagi mazmundagi hisobvaraqlar bilan to'ldirilsin:

“

0870	Operativ ijaraga olingan asosiy vositalarga kapital qo'yilmalar	
------	-----------------------------------------------------------------	--

”.

2. 2-ilovada:

1) 34-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“34. Moliyaviy ijara asosida kelib tushgan va kapital qo'yilmalarni talab etmaydigan obyektlar 0310 “Moliyaviy ijaraga olingan asosiy vositalar” hisobvarag'ining debeti va 7910 “To'lanadigan moliyaviy ijara” hisobvarag'ining kreditida aks ettiriladi.”;

2) 37 va 38-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“37. Moliyaviy ijara shartnomasi bo'yicha olingan obyektning ijarachining mulkiga o'tishi buxgalteriya hisobida quyidagicha aks ettiriladi:

a) ijaraga olingan obyektning qiymati asosiy vositalar tarkibiga o'tkazilishi:

debet 0100 asosiy vositalarning turlari bo'yicha;

kredit 0310 “Moliyaviy ijaraga olingan asosiy vositalar”;

kredit 0112 “Moliyaviy ijaraga olingan asosiy vositalarni obodonlashtirish” hisobvaraqlari;

b) eskirish summalarini o'tkazilishi:

debet 0299 “Moliyaviy ijaraga olingan asosiy vositalarning eskirishi”;

debet 0212 “Moliyaviy ijaraga olingan asosiy vositalarni obodonlashtirishning eskirishi”;

kredit 0200 asosiy vositalarning turlari bo'yicha eskirishini hisobga oluvchi hisobvaraqlari.

38. Moliyaviy ijara shartnomasi bo'yicha olingan obyektlar ijaraga beruvchi-ga qaytarilganda buxgalteriya hisobida quyidagi yozuvlar amalga oshiriladi:

a) boshlang'ich qiymatiga:

debet 9210 “Asosiy vositalarning chiqib ketishi”;

kredit 0310 “Moliyaviy ijaraga olingan asosiy vositalar”;

kredit 0112 “Moliyaviy ijaraga olingan asosiy vositalarni obodonlashtirish” hisobvaraqlari;

b) eskirish summasiga:

debet 0299 “Moliyaviy ijaraga olingan asosiy vositalarning eskirishi”;

debet 0212 “Moliyaviy ijaraga olingan asosiy vositalarni obodonlashtirishning eskirishi”;

kredit 9210 “Asosiy vositalarning chiqib ketishi” hisobvaraqlari;

d) ijaraga beruvchi tomonidan moliyaviy ijara shartnomasi bo'yicha obodonlashtirish qiymatining qoplanadigan summasiga:

debet 4890 “Boshqa debitorlar qarzlari”;

kredit 9210 “Asosiy vositalarning chiqib ketishi” hisobvaraqlari;

e) obodonlashtirish bo'yicha xarajatlarni qoplash uchun ijaraga beruvchidan pul mablag'lari kelib tushgan summasiga:

debet pul mablag'larini hisobga oluvchi hisobvaraqlari;

kredit 4890 “Boshqa debitorlar qarzlari” hisobvarag'i;

f) ijara (lizing) to'lovlari jadvali (tartibi) bo'yicha asosiy qarzning qoplanmagan qoldig'i summasiga:

debet 6950 “Uzoq muddatli majburiyatlar — joriy qismi”;

debet 7910 “To'lanadigan moliyaviy ijara” hisobvarag'i — uzoq muddatli qismi (moliyaviy ijara shartnomasi muddati tugagunga qadar qaytarilish amalga oshirilgan hollarda qo'llaniladi);

kredit 9210 “Asosiy vositalarning chiqib ketishi” hisobvaraqlari;

g) ijarachi tomonidan amalga oshirilgan moliyaviy ijara shartnomasi bo'yicha olingan asosiy vositalarni qaytarish bo'yicha xarajatlar (buzish, tashish va boshqalar) summasiga:

debet 9210 “Asosiy vositalarning chiqib ketishi”;

kredit materiallarini hisobga oluvchi hisobvaraqlar (1000), mehnat haqi bo'yicha xodim bilan hisoblashishlarni hisobga oluvchi hisobvaraqlar (6700), sug'urta va davlat maqsadli jamg'armalariga to'lovlar bo'yicha qarzni hisobga oluvchi hisobvaraqlar (6500) va boshqa tegishli hisobvaraqlari;

h) moliyaviy ijara shartnomasi bo'yicha olingan asosiy vositalarni qaytarish natijasida:

olingan foyda summasiga:

debet 9210 “Asosiy vositalarning chiqib ketishi”;

kredit 9310 “Asosiy vositalarning chiqib ketishidan foyda” hisobvaraqlari;

ko'rilgan zarar summasiga:

debet 9430 “Boshqa operatsion xarajatlar”;

kredit 9210 “Asosiy vositalarning chiqib ketishi” hisobvaraqlari.”;

3) 40-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“40. Moliyaviy ijara (Lizing) shartnomasi bo'yicha olingan asosiy vositalarni hisobga oluvchi hisobvaraqlarning (0300) boshqa hisobvaraqlar bilan bog'lanishiga quyidagilar misol bo'lishi mumkin:

T/r	Ho'jalik operatsiyalarining mazmuni	Hisobvaraqlarning bog'lanishi	
		Debet	Kredit
1.	Moliyaviy ijara obyektini aktiv (kapital qo'yilmalar talab etilganda) va majburiyat sifatida tan olinishi	0890	7910
2.	Moliyaviy ijara obyektini maqsadli foydalanish uchun yaroqli holatga keltirish bilan bog'liq bo'lgan xarajatlar summasi	0890	majburiyatlarni hisobga oluvchi hisobvaraqlar va boshqa tegishli hisobvaraqlar

3.	Moliyaviy ijara obyektini boshlang'ich qiymat bo'yicha foydalanishga topshirish	0310	0890
4.	Moliyaviy ijaraga olingan obyektga eskirish hisoblanganda	xarajatlarni hisobga oluvchi hisobvaraqlar	0299
5.	Moliyaviy ijaraga olingan obyektning ishchi holatda saqlab turish bilan bog'liq joriy xarajatlar summasi	xarajatlarni hisobga oluvchi hisobvaraqlar	majburiyatlarni hisobga oluvchi hisobvaraqlar va boshqa tegishli hisobvaraqlar
6.	Moliyaviy ijaraga olingan obyektning yaxshilash va obodonlashtirish bo'yicha xarajatlari summasi	0860	majburiyatlarni hisobga oluvchi hisobvaraqlar va boshqa tegishli hisobvaraqlar
7.	Moliyaviy ijaraga olingan obyektning obodonlashtirish bilan bog'liq kapital xarajatlar summasi	0112	0860
8.	Moliyaviy ijaraga olingan obyektning obodonlashtirish bo'yicha eskirish hisoblanganda	xarajatlarni hisobga oluvchi hisobvaraqlar	0212
9.	Moliyaviy ijara to'lovlari jadvaliga muvofiq moliyaviy ijara bo'yicha uzoq muddatli majburiyatlarning joriy qismi o'tkazilganda	7910	6950
10.	Moliyaviy ijara to'lovlari jadvaliga muvofiq moliyaviy ijara bo'yicha hisoblangan foizlar summasi	9610	6920
11.	Moliyaviy ijara shartnomasi bo'yicha to'langan summasi	6950 6920	pul mablag'larini hisobga oluvchi hisobvaraqlar

4) 67-band quyidagi mazmundagi sakkizinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“0870 “Operativ ijaraga olingan asosiy vositalarga kapital qo'yilmalar”;
sakkizinchi xatboshi to'qqizinchi xatboshi deb hisoblansin;

5) quyidagi mazmundagi 73¹-band bilan to'ldirilsin:

“73¹. 0870 “Operativ ijaraga olingan asosiy vositalarga kapital qo'yilmalar” hisobvarag'ida operativ ijara shartnomasi bo'yicha ijaraga olingan mulkni obodonlashtirish hamda uning ta'mirlanishi va modernizatsiyasiga qilinadigan kapital qo'yilmalar hisobga olinadi.

Operativ ijara shartnomasi bo'yicha olingan mulk qaytarilganda, kapital qo'yilmalar summasining hisobdan chiqarilishi hisobvaraqlarning 9220 “Boshqa aktivlarning chiqib ketishi” debetida va 0870 “Operativ ijaraga olingan asosiy vositalarga kapital qo'yilmalar” kreditida aks ettiriladi.

Operativ ijara shartnomasi bo'yicha olingan mulkni yaxshilash bo'yicha kapital qo'yilmalar qiymatining ijaraga beruvchi tomonidan qoplanadigan summasi hisobvaraqlarning 4890 “Boshqa debitorlar qarzlari” debetida va 9220 “Boshqa aktivlarning chiqib ketishi” kreditida aks ettiriladi.”;

6) 216-bandning jadvali quyidagi mazmundagi 3¹ va 3² — pozitsiyalar bilan to'ldirilsin:

“

3 ¹ .	Moliyaviy ijara muddati tugagandan keyin ijaraga oluvchida moliyaviy ijara obyektining qoplanmagan qiymati summasiga	0800 (tegishli hisobvaraqlar)	4810
3 ² .	Moliyaviy ijara muddatidan oldin qaytarishi ijaraga oluvchida to'xtatilgan sanadagi moliyaviy ijara shartnomasiga muvofiq moliyaviy ijara obyektining qoplanmagan qiymati summasiga	0800 (tegishli hisobvaraqlar)	4810 (joriy qismi) 0920 (uzoq muddatli qismi)

”

7) 309-bandning jadvalidagi 1-pozitsiyaning “Xo'jalik operatsiyalarining mazmuni” ustuni quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Operativ ijara bo'yicha hisobot davrida to'lanishi lozim bo'lgan ijara to'lovlari hisoblanishi”.

8) 347-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Davlat tashkilotlari” degan so'zlar “Davlat ishtirokidagi korxonalar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

9) 391-bandda:

oltinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

yettinchi va sakkizinchi xatboshilar tegishli ravishda oltinchi va yettinchi xatboshilar deb hisoblansin;

oltinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“boshqa tashkilotlarda qonunchilik hujjatlariga muvofiq yoki ta'sis hujjatlarida nazarda tutilgan tartibda va shartlarda amalga oshiriladi.”;

yettinchi xatboshi chiqarib tashlansin.

10) 394-banddagi jadvalning 28-satri chiqarib tashlansin.

11) 400-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“Mulknii operativ ijaraga berish asosiy faoliyati hisoblangan tashkilotlar joriy hisobot davriga tegishli bo'lgan daromad summasi buxgalteriya hisobida 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to'lovlar” hisobvarag'ining debetida va 9030 “Ishlar bajarish va xizmatlar ko'rsatishdan daromadlar” hisobvarag'ining kreditida aks ettiriladi.”;

12) 418-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“Mulknii moliyaviy ijaraga berish asosiy faoliyati hisoblangan tashkilotlar joriy hisobot davrida hisoblangan daromad summasi buxgalteriya hisobida 4010 “Xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to'lovlar” hisobvarag'ining debetida va 9030 “Ishlar bajarish va xizmatlar ko'rsatishdan daromadlar” hisobvarag'ining kreditida aks ettiriladi.”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI SANOAT,
RADIATSIYA VA YADRO XAVFSIZLIGI QO‘MITASINING
QARORI

587 Sanoat xavfsizligi sohasida inson hayoti va sog‘lig‘iga
yuqori xavf soluvchi omillar reyestriga kiritiladigan
ma‘lumotlar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
24-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3680*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 30-avgustdagi PF–132-son “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining tadbirkorlar bilan to‘rtinchi ochiq muloqotida belgilangan vazifalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 6-fevraldagi 66-son “Inson hayoti va sog‘lig‘iga yuqori xavf soluvchi omillar reyestrini shakllantirish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. Sanoat xavfsizligi sohasida inson hayoti va sog‘lig‘iga yuqori xavf soluvchi omillar reyestriga kiritiladigan ma‘lumotlar ro‘yxati ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Rais

Toshkent sh.,
2025-yil 26-avgust,
21-son

A. RAFIQOV

Kelishildi:

*Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya qilish
bo‘yicha vakil o‘rinbosari*

2025-yil 15-avgust

J. URUNOV

Savdo-sanoat palatasi raisi

2025-yil 26-avgust

D. VAXABOV

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-sentabrda e‘lon qilingan.

** Ilova «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRINING
BUYRUG‘I

588 “Havo kemalarida pochta tashish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
26-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2530-2*

O‘zbekiston Respublikasining “Pochta aloqasi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo‘mitasining 2013-yil 21-oktabrdagi 57-mh-son “Havo kemalarida pochta tashish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 2530, 2013-yil 26-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 48-son, 628-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

Sh. SHERMATOV

Toshkent sh.,
2025-yil 8-sentabr,
283-mh-son

Kelishildi:

Transport vaziri

I. MAXKAMOV

2025-yil 31-avgust

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 30-sentabrda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
raqamli texnologiyalar vazirining 2025-yil
8-sentabrdagi 283-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

“Havo kemalarida pochta tashish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. Qarorning muqaddimasidagi “O‘zbekiston Respublikasining “Pochta aloqasi to‘g‘risida”gi Qonuni (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-yil, 17-son, 209-modda), O‘zbekiston Respublikasi Havo kodeksiga (O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi, 1993-yil, 6-son, 247-modda)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasining Havo kodeksi hamda “Pochta aloqasi to‘g‘risida”gi Qonuniga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Qoidalarda:

1) muqaddimadan “Umumjahon pochta konvensiyasi, O‘zbekiston Respublikasining “Pochta aloqasi to‘g‘risida”gi Qonuni (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 17-son, 209-modda) va O‘zbekiston Respublikasining Havo kodeksiga (O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi, 1993-y., 6-son, 247-modda) muvofiq” degan so‘zlar chiqarib tashlansin;

2) 2-bandda:

to‘rtinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“**havo kemasi** — havo bilan o‘zaro ta’sir hisobiga, yer sathidan qaytgan havo bilan o‘zaro ta’sirdan tashqari, atmosferada harakatlanadigan uchish apparati;”;
oltinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“**yozma xat-xabarlar** — oddiy va ro‘yxatga olinadigan xatlar, pochta varaqchalari, banderollar, mayda paketlar, ko‘zi ojizlar uchun jo‘natmalar va “M” qoplari;”;

3) 17-banddan “O‘z DSt 1099:2005 “Pochta qoplari. Texnik shartlar” talablariga mos keluvchi” degan so‘zlar chiqarib tashlansin;

4) 21-bandning birinchi xatboshisidan “iz tushirish moslamalarining izlari yoki” degan so‘zlar chiqarib tashlansin;

5) 55-bandning “v” kichik bandidagi “sekogrammalar” degan so‘z “ko‘zi ojizlar uchun mo‘ljallangan jo‘natmalar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 18-sentabrda 22-mh-son “Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 22-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3677.

2. O‘zbekiston Respublikasi tog‘-ko‘n sanoati va geologiya vazirining 2025-yil 5-sentabrda 98-son “Qora metallurgiya xomashyosini temir yo‘l transportida tashishda qo‘llaniladigan tabiiy yo‘qotish normasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 23-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3678.

3. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 19-avgustda 20/2-son “Kredit byurolarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligiga doir minimal talablar to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori.

2025-yil 23-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3679.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2025 йил 22 августдаги 42-сон ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 20 августдаги 7-сон “Оғир касалликка чалинган маҳкумларни тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қарори.

2025 йил 24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1854-1.

5. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 26-avgustda 281-son “O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (6-sonli BHMS) “Ijara hisobi”ga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 24-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1946-2.

6. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 26-avgustda 283-son “Buxgalteriya hisobida ijara operatsiyalarini aks ettirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruq, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 24-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1961-2.

7. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil

9-sentabrdagi 21/5-son “Ochiq valyuta pozitsiyasini yuritish qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 24-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3301-1.

8. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 26-avgustdagi 282-son “O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobi milliy standarti (21-sonli BHMS) “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi va uni qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnoma”ga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 24-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3593-1.

9. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo‘mitasining 2025-yil 26-avgustdagi 21-son “Sanoat xavfsizligi sohasida inson hayoti va sog‘lig‘iga yuqori xavf soluvchi omillar reyestriga kiritiladigan ma‘lumotlar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori.

2025-yil 24-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3680.

10. O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2025-yil 8-sentabrdagi 283-mh-son “Havo kemalarida pochmani tashish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 26-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2530-2.

II. Davlat reyestridan chiqarildi:

1. O‘zbekiston Respublikasi “Tog‘kontexnazorat”ning 1996-yil 12-dekabrdagi va Geologiya va mineral resurslar davlat qo‘mitasining 1996-yil 25-noyabrdagi 84-son qarori bilan tasdiqlangan Geologiya-qidiruv ishlarida xavfsizlik qoidalari (ro‘yxat raqami 304, 1997-yil 29-yanvar), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar (ro‘yxat raqami 304-1, 2011-yil 13-yanvar).

2025-yil 24-dekabrda boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

2. O‘zbekiston pochta va telekommunikatsiya agentligining bosh direktori tomonidan 1997-yil 30-sentabrda tasdiqlangan Telekommunikatsiya tarmoqlarini umumiy foydalanish telekommunikatsiya tarmoqlariga ulash tartibi to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 377, 1997-yil 12-dekabr), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartirishlar (ro‘yxat raqami 377-1, 2013-yil 12-iyul), (ro‘yxat raqami 377-2, 2015-yil 30-mart).

2025-yil 24-dekabrda boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

3. O‘zbekiston Respublikasi Davlat geologiya va mineral resurslar qo‘mitasi raisi tomonidan 1999-yil 22-fevralda tasdiqlangan Yer osti boyliklarini geologik o‘rganish bo‘yicha ishlarni davlat ro‘yxatiga olish va davlat hisobiga olish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnoma (ro‘yxat raqami 692, 1999-yil 5-aprel).

2025-yil 24-dekabrda boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

4. O‘zbekiston pochta va telekommunikatsiya agentligining bosh direktori o‘rinbosari tomonidan 1999-yil 5-avgustda tasdiqlangan Umumiy foydalanish

telekommunikatsiya tarmog'i operatorlari o'rtasida birgalikda ko'rsatilgan xizmatlar va tarmoq resurslari uchun o'zaro hisob-kitob yuritishning asosiy qoidalari (ro'yxat raqami 863, 2000-yil 4-yanvar), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirishlar (ro'yxat raqami 863-1, 2013-yil 8-may), (ro'yxat raqami 863-2, 2015-yil 12-mart).

2025-yil 24-dekabrda boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

5. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2002-yil 7-fevraldagi 2002-01-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1108, 2002-yil 13-mart), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar (ro'yxat raqami 1108-1, 2008-yil 10-iyun), (ro'yxat raqami 1108-2, 2008-yil 22-oktabr), (ro'yxat raqami 1108-3, 2013-yil 10-dekabr), (ro'yxat raqami 1108-4, 2017-yil 22-avgust), (ro'yxat raqami 1108-5, 2018-yil 30-noyabr), (ro'yxat raqami 1108-6, 2019-yil 6-mart).

2025-yil 24-dekabrda boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

6. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2002-yil 13-martdagi 2002-2-son "Depozitar faoliyat to'xtatilgan va tugatilgan taqdirdagi harakatlar tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1130, 2002-yil 23-aprel), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar (ro'yxat raqami 1130-1, 2008-yil 18-noyabr).

2025-yil 24-dekabrda boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

7. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2003-yil 28-yanvardagi 19-son "Sug'urta agentlari to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1213, 2003-yil 1-fevral), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar (ro'yxat raqami 1213-1, 2007-yil 21-iyun), (ro'yxat raqami 1213-2, 2017-yil 17-iyul).

2025-yil 24-dekabrda boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

8. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2003-yil 30-dekabrda 2003-19-son "Boshqaruvchi kompaniyalar o'z mablag'lari miqdorining hisobi va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1322, 2004-yil 5-mart), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirishlar (ro'yxat raqami 1322-1, 2009-yil 20-iyun), (ro'yxat raqami 1322-2, 2019-yil 12-mart), (ro'yxat raqami 1322-3, 2020-yil 5-fevral).

2025-yil 24-dekabrda boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

9. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish va tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash davlat qo'mitasi, Madaniyat ishlari vazirligi, Moliya vazirligining 2004-yil 23-aprelda 01/06-09, 1 va 65-son "Respublika teatr va tomosha muassasalari binolarini chet tashkilotlarga ijaraga berish va ijara haqini

belgilash tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1375, 2004-yil 23-iyun).

2025-yil 24-dekabrdan boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

10. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish va tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash davlat qo'mitasining 2004-yil 27-iyuldagi 01/06-15-son "Davlat ulushlarini boshqarish bo'yicha ishonchli boshqaruvchilar faoliyati samaradorligi monitoringini yuritish tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1394, 2004-yil 30-iyul), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar (ro'yxat raqami 1394-1, 2005-yil 11-noyabr), (ro'yxat raqami 1394-2, 2007-yil 15-dekabr), (ro'yxat raqami 1394-3, 2010-yil 15-aprel), (ro'yxat raqami 1394-4, 2011-yil 7-dekabr), (ro'yxat raqami 1394-5, 2012-yil 27-avgust), (ro'yxat raqami 1394-6, 2013-yil 28-noyabr), (ro'yxat raqami 1394-7, 2016-yil 16-dekabr), (ro'yxat raqami 1394-8, 2017-yil 11-avgust), (ro'yxat raqami 1394-9, 2019-yil 2-aprel).

2025-yil 24-dekabrdan boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

11. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2004-yil 15-iyuldagi 2004-16-son "Qimmatli qog'ozlar bilan repo bitishuvlarni amalga oshirish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1396, 2004-yil 6-avgust), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar (ro'yxat raqami 1396-1, 2008-yil 22-oktabr), (ro'yxat raqami 1396-2, 2009-yil 15-dekabr), (ro'yxat raqami 1396-3, 2010-yil 8-iyul), (ro'yxat raqami 1396-4, 2014-yil 11-mart), (ro'yxat raqami 1396-5, 2019-yil 11-mart).

2025-yil 24-dekabrdan boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

12. O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligining 2004-yil 25-avgustdagi 286-son "O'zbekiston Respublikasi televideniye va radio eshittirish dasturlarini uzatish hamda tarqatish xizmatlarini ko'rsatish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1409, 2004-yil 15-sentabr), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirish (ro'yxat raqami 1409-1, 2013-yil 19-avgust).

2025-yil 24-dekabrdan boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

13. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish va tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash davlat qo'mitasining 2004-yil 3-sentabrdagi 01/18-48-son "Davlat aksiyalar paketi (ulushlari)ni ishonchli boshqaruvga berish bo'yicha tanlovlar o'tkazish qoidalarini tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1410, 2004-yil 16-sentabr), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar (ro'yxat raqami 1410-1, 2007-yil 7-fevral), (ro'yxat raqami 1410-2, 2008-yil 18-iyun), (ro'yxat raqami 1410-3, 2010-yil 14-aprel), (ro'yxat raqami 1410-4, 2012-yil 4-may), (ro'yxat raqami 1410-5, 2014-yil 3-fevral), (ro'yxat raqami 1410-6, 2015-yil 23-iyul), (ro'yxat raqami 1410-7, 2016-yil 24-mart), (ro'yxat raqami 1410-8, 2017-yil 30-noyabr).

2025-yil 24-dekabrdan boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

14. O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi bosh direktorining 2004-yil 12-noyabrdagi 374-son "Ma'lumotlarni uzatish tarmoqlarida Internet-

provayderlarning tarmoqlararo o'zaro hamkorligini tartibga solish tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1423, 2004-yil 18-noyabr), shuningdek unga kiritilgan o'zgartishlar (ro'yxat raqami 1423-1, 2011-yil 5-mart), (ro'yxat raqami 1423-2, 2013-yil 17-may), (ro'yxat raqami 1423-3, 2015-yil 21-may).

2025-yil 24-dekabrda boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

15. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2005-yil 15-iyundagi 2005-06-son “Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya maslahatchisi faoliyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1495, 2005-yil 15-iyul), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar (ro'yxat raqami 1495-1, 2008-yil 13-oktabr), (ro'yxat raqami 1495-2, 2011-yil 5-yanvar), (ro'yxat raqami 1495-3, 2012-yil 10-avgust), (ro'yxat raqami 1495-4, 2013-yil 5-dekabr), (ro'yxat raqami 1495-5, 2014-yil 5-sentabr), (ro'yxat raqami 1495-6, 2015-yil 14-dekabr), (ro'yxat raqami 1495-7, 2019-yil 11-mart).

2025-yil 24-dekabrda boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

16. “Sanoatkontexnazorat” davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2006-yil 14-fevraldagi 26-son “Elektr payvandlash ishlarida ishlarning xavfsizligi qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1574, 2006-yil 23-may).

2025-yil 24-dekabrda boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

17. “Sanoatkontexnazorat” davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2006-yil 14-fevraldagi 27-son “Foydali qazilmalarni maydalash, saralash, boyitish hamda ruda va konsentratlarni bo'laklashda ishlarning xavfsizligi qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1575, 2006-yil 23-may), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirish (ro'yxat raqami 1575-1, 2011-yil 28-yanvar).

2025-yil 24-dekabrda boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

18. “Sanoatkontexnazorat” davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2006-yil 14-fevraldagi 28-son “Kon qoldiqlaridan foydalanishda ishlarning xavfsizligi qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1577, 2006-yil 31-may), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirishlar (ro'yxat raqami 1577-1, 2011-yil 28-yanvar).

2025-yil 24-dekabrda boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

19. “Sanoatkontexnazorat” davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2006-yil 14-fevraldagi 29-son “Kon qazib olish korxonalarining yo'l transportidan foydalanishda ishlarning xavfsizligi qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1579, 2006-yil 7-iyun).

2025-yil 24-dekabrda boshlab davlat reyestridan chiqariladi.

20. “Sanoatkontexnazorat” davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2006-yil 14-fevraldagi 30-son “Oddiy qumoqlangan va emulsiyalangan portlovchi moddalar ishlab chiqarish xodimlari uchun ishlarning xavfsizligi qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1580, 2006-yil 7-iyun), shuningdek unga

kiritilgan o'zgartirishlar (ro'yxat raqami 1580-1, 2010-yil 19-noyabr), (ro'yxat raqami 1580-2, 2011-yil 28-yanvar).

***2025-yil 24-dekabr*dan boshlab davlat reyestridan chiqariladi.**

21. “Sanoatkontexnazorat” davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2006-yil 14-fevraldagi 32-son “Yuk ortish va tushirish ishlaridagi yukchilar uchun ishlarning xavfsizligi qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro'yxat raqami 1582, 2006-yil 13-iyun), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirish (ro'yxat raqami 1582-1, 2010-yil 19-noyabr).

***2025-yil 24-dekabr*dan boshlab davlat reyestridan chiqariladi.**

22. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2009-yil 11-maydagi 54-son “Buxgalteriya hisobida ijara operatsiyalarini aks ettirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro'yxat raqami 1961, 2009-yil 1-iyun), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirishlar (ro'yxat raqami 1961-1, 2016-yil 12-oktabr).

***2025-yil 24-sentabr*dan boshlab davlat reyestridan chiqarildi.**

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

